

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРЛИГИ

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ АРХИТЕКТУРА – ҚУРИЛИШ
ИНСТИТУТИ**

Қўл ёзма ҳуқуқида

УДК 711.435 (551)

БАҲРОНОВ БЕҲЗОД СОДИҚ ЎҒЛИ

**УРГУТ ШАҲРИНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ
ИЛМИЙ-ЛОЙИҲАВИЙ ТАҲЛИЛИ**

**5A340301 - Шаҳарсозлик ва қишлоқ аҳоли яшаш
жойларини комплекс қуриш**

Магистр

академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

**Диссертация кўриб чиқилди
ва ҳимояга рухсат берилди.
“Архитектуравий лойиҳалаш”
кафедраси мудири:**

**Илмий раҳбар: арх.н.доц.
Балгаев А.Б.**

меъм.ф.д.проф.Уралов А.С.

Самарқанд–2018

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Ўзбекистонда 2010 йилда 120та турли катталиқдаги шаҳарлар мавжуд бўлиб, унда 14 425900миңг киши яшаган. Уларнинг 88 таси кичик шаҳарларда бўлиб, уларда 1913,8 миңг киши истиқомат қилган. Вазирлар Маҳкамасининг 13 март 2009 йилдаги № 68 “Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларининг маъмурий – ҳудудий тузилишини янада такомиллаштиришнинг қўшимча чора тадбирлари тўғриси”даги қарори билан Республикадаги 4434,3 миңг аҳоли истиқомат қиладиган 965 та қишлоқ аҳоли пунктларига шаҳар посёлкалари статуси берилди. Бугунги кунда республиканинг 32 млн. аҳолисидан 16,5 млн.га тенг қисми шаҳарларда истиқомат қилади. Шаҳарларнинг асосий қисми кичик шаҳарлардан иборат бўлганлиги сабабли шаҳарсозликда янги тадқиқотлар ўтказилишини тақозо қилади. Мазкур диссертация мана шу муаммонинг Ургут шаҳри учун ечимига қаратилган. Бунда Ургут шаҳарсозлигининг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари, Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган режавий ечимлар таҳлили, Ургут шаҳри марказий ва структуравий қисмларининг архитектуравий -режавий ечимлари бўйича илмий лойиҳавий таклифлар берилган.

ANNOTATION TO A MASTER DEGREE THESIS

In Uzbekistan in 2010 there were 120 towns of various sizes and 14 425 900 people lived there. 88 of them were small towns, 1 913 800 people inhabited there. According to the resolution Nr. 68 of March 13, 2009 of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan “About additional measures of further improvement of the administrative-territorial structure of settlements of the Republic of Uzbekistan” 965 settlements in the Republic with 4 434 300 people gained urban settlement status. Nowadays 16.5 mln. people from 32 mln. of the Republic inhabit in towns. The main part of towns are small towns, thus this promotes to conduct researches of a new kind in urban planning. This dissertation is oriented to the solution of these issues and the problem of Urgut city. In which the Urgut urban development and development prospects the analysis of the developed regional solutions for the complex development of Urgut town, the project proposals and architectural and planning solutions of the Central and structural parts of Urgut city.

МУНДАРИЖА

Кириш	
.4	
I боб. Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг ривожланиши ва Ургут шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари	9
1.1. Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг ривожланиш йўллари	9
1.2. Кичик шаҳарларни лойиҳалашнинг долзарб муаммолари	14
1.3. Ургут шаҳарсозлигининг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари	22
I боб бўйича хулоса	32
II боб. Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган режавий ечимлар таҳлили	33
2.1. Ургут шаҳрининг табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари ва геомухандислик шароитларининг таҳлили	33
2.2. Ургут шаҳри бўйича ишлаб чиқилган бош режаларнинг таҳлили	48
2.3. Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш омиллари ва бош режа корректурасининг комплекс ечими	51
II боб бўйича хулоса	59

**III боб. Ургут шаҳри марказий ва структуравий қисмларининг
архитектуравий -режавий
ечимлари.....61**

3.1. Ургут шаҳри марказий қисмининг архитектуравий – режавий
ечими.....
61

3.2. Ургут шаҳрининг марказий кўча ва майдонларини
шакллантириш.....66

3.3. Ургут шаҳрини реконструкция қилиш ва барқарор ривожлантириш
масалалари.....
76

III боб бўйича

хулоса.....87

Хулоса.....
89

Адабиётлар

рўйхати.....92

Илова.....
97

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўрсатиб ўтилган муҳим масалалар қаторида Архитектура ва шаҳарсозлик масаласи ҳам доимий барқарор долзарб мавзу бўлиб, давр талаби асосида мунтазам тарзда янгилашиб такомиллашиб боришни тақозо этади [1,2,3].

Шу билан бир қаторда кичик шаҳарлар муаммолари ҳам ўсиб бормоқда. Демак бу масалаларни ҳал қилишда шаҳарсозлик ва айниқса кичик шаҳарларнинг ривожланиш масалаларини тадқиқ этиш муҳим

масала ҳисобланади. Ҳозирги кунда мамлакатимизда 119та шаҳар ва 1085 та шаҳар посёлкалари мавжуд. Мана шу шаҳарларнинг 80%ни ўрта ва кичик шаҳарларни ташкил этади. Посёлкаларнинг барчаси эса категориялаштирилмаган кичик шаҳарлардан иборат [1,2,3].

Шаҳарни ижтимоий-иқтисодий асослашда шунга таянниладики, инсонларнинг меҳнати, маиший ҳаёти ва дам олиши учун қулай шароитларни яратиб беришни таъминловчи ишлаб чиқариш ҳудудлари, маданий-маиший ва ўқув тарбиявий муассасалар, спорт иншоотлари, савдо ва маиший корхоналар рационал комплекс тарзда ташкил этилиши лозим [4,5].

Республикамиз ҳудудларининг табиат иқлими, аҳолисининг яшаш шароити ва шу каби барча шаҳарсозлик шарт-шароитлариин мукамал ўрганиб чиқиш натижасида ҳар бир ҳудудга мос келадиган шаҳарсозлик лойиҳаларини ишлаб чиқиш керак [6,7].

Жаҳон шаҳарсозлик тажрибаларидан шуни аниқлашимиз мумкинки, ривожланган шаҳарларнинг вужудга келиши асосини илғор шаҳарсозлик ғоялари ташкил қилади. Ушбу шаҳарларга одамларнинг келиши ва шаҳар аҳолисининг ўсиб бориш яъни урбанизация жараёни ҳам юқори суръатда ўсишини кўришимиз мумкин. Чунки шаҳар шароитида инсонларнинг турмуш даражаси ва сифати юқори даражада бўлиб, тараққиёт учун кўплаб имкониятлар мавжуддир [7,8].

Шундан келиб чиқиб шаҳарлашувнинг бош муаммоси Республикамиз ҳудудида бундай ҳолатларни яъни, аҳолининг фақат ривожланган шаҳарлар ва ҳудудларга тўпланиши олдини олиш мақсадида ҳамда мамлакатимизнинг барча фуқаролари турмуш тарзини яхшилаш учун бошланғич иш сифатида аҳолининг бандлик дааражасини кўтариш мақсадида саноат зоналарини ташкил этиш ва саноат зоналаридан чиқадиган зарарли чиқиндиларни қайта ишлаш масаласини амалга ошириш долзарб аҳамиятга эга бўлган муаммолардан ҳисобланади [9,10,11].

Тадқиқот объекти ва предмети: Ўзбекистон кичик шаҳарлари ва Ургут шаҳрининг бош режаси ва муҳандислик схемалари тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади. Тадқиқотнинг объекти босқичларга бўлинган ҳолда ўрганилади.

Ўзбекистон кичик шаҳарларини, хусусан Ургут шаҳрини лойиҳалаш, ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, техника, архитектура-бадиий ва санитария-гигиена ечимлари комплексини таъминлайдиган аҳоли пунктларини, турар жойлар оралиғидаги ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуриш назарияси ва амалиёти тадқиқот предмети ташкил этади.

Тадқиқотнинг мақсади. Тадқиқот ишидан мақсад республикамиздаги кичик шаҳарларни, хусусан Ургут шаҳрини замонавий шаҳарсозлик талабларига мос реконструкция қилиш ва барча қулайликларга эга бўлган шаҳарларга айлантириш бўйича илмий лойиҳавий таклиф бериш ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари. Тадқиқот ишининг бош мақсадидан келиб чиқиб қуйидагилар диссертациянинг вазифалари сифатида белгиланди:

- мураккаб табиий-иқлимий ҳудудларда жойлашган кичик шаҳарларнинг, хусусан Ургут шаҳрининг ривожланиши ва уларнинг бош режасини лойиҳалашни ташкил этилиш бўйича чет эл ва маҳаллий тажриба билан танишиш;

- Ургут шаҳри бўйича ишлаб чиқилган бош режаларни тадқиқ этиш ва лойиҳалашнинг бугунги кундаги шаҳарсозлик муаммолари ва ечимини ўрганиб чиқиш;

- Ургут шаҳрини ўрганиб чиқиш жараёнида тўпланган маълумотлар ва изланишлар натижасида тўпланган материаллар асосида илмий-лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқиш.

Илмий янгилиги.

- мазкур диссертацияда мураккаб табиий - иқлимий ҳудудларда жойлашган кичик шаҳарларнинг ривожланиши ва уларнинг бош режасини

лойиҳалашнинг ташкил этилиши бўйича чет эл ва Ватанимиз тажрибаси умумлаштирилган;

- Ургут шаҳрининг бош режасини лойиҳалаш таркибининг ташкил қилиниши босқичлари ва бугунги кундаги ривожланишининг шаҳарсозлик муаммолари ва ечими ўрганиб чиқилган;

- Ургут шаҳарини ўрганиб чиқиш жараёнда тўпланган маълумотлар ва изланишлар асосида янги ечимни ташкил этиш бўйича илмий-лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Кичик шаҳарларнинг аҳоли сонининг ўсиб кетиши натижасида катта шаҳарларга айланиши олдини олиб, Республикамиз вилоятларида барча шароитларга эга шаҳарларни барпо этиш ва чекка ҳудудлардаги аҳолининг турмуш даражасини яхшилашга йўналтирилган илмий хулосалар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили). Бу борада дунё меъморшунослари ва шаҳарсозлари юқоридаги муаммо устида бош қотиришган. Шаҳарсозлик соҳасининг вужудга келиши, ривожланиши, унинг муаммолари ҳар томонлама ўрганилган ва тадқиқ этилган.

Шулардан М.Н. Демин, Н.Ф. Тимчук, Ф.М., И.А. Фомин (Украина), Е.Л. Завславский, Н.А. Зельтен, И.А. Иода, Г.В. Мартишонок, Г.А. Потаев (Белоруссия), Усейнов, Н.Г. – О.Нагиев (Озарбайжон)ларнинг илмий изланишлари “МДХ давлатларида кичик шаҳарларнинг реконструкцияси ва уларни ривожлантириш йўллари” мавзусидаги тадқиқотларида ўз аксини топган. Чет элда М. Рагон, П. Мерлен, Ф. Мойзер, И. Смоляр, К. Ҳердаг, К. Бергельт, Г. Гендерейхт, Ф. Гримм, А.Кенел, И. Немец, В. Штампел ва бошқалар ўрта ва кичик шаҳарларни функционал такомиллаштириш, шарт-шароитларини ўрганиш ва унинг ривожланишига қандай омиллар таъсир кўрсатиш тўғрисида изланишлар олиб боришган.

Ўзбекистонда ҳам бу соҳада илмий тадқиқотлар олиб борилган ва олиб борилмоқда. Жумладан М.Қ. Аҳмедов, А.С. Уралов, Х.К. Турсунов, А.Б. Балгаев, Д.А. Нозилов, Х.Ш.Пўлатов, Д.У. Исамухаммедова, М.У Умаров, М.К. Мирзаев, Ш.Ж. Асқаров, К.Д. Шораҳмедов, А.А. Маҳкамов, Б. Эргашев, Д. Назарова, Д.В. Латипов ва бошқа архитекторларнинг илмий-амалий ишлари ва тадқиқотлари ҳамда “ЎзшаҳарсозликЛИТИ”, “ТошкентБошпланЛИТИ”, “Қишлоққурилишлойиха” лойиҳалаш институтларининг амалий ишлари шаҳарсозлик соҳасининг айрим масалаларини ёритиб берган.

Юқорида баён этилган фикр-мулоҳазар натижасида шу нарса аниқландики, кичик шаҳарлар ва айниқса Республикамизнинг чекка ҳудудларининг туман марказлари ҳамда шаҳар посёлкаларининг ривожланиш муаммолари муҳим масала бўлиб турибди.

Тадқиқотда қўлланилган методиканинг тавсифи. Илмий тадқиқот тизимли тахлили, Ватанимиз ҳамда хорижий олимларнинг илмий ва амалий ишлари ўзаро таққослаш ва мутахассислик бўйича адабиётлар ҳамда лойиҳа ишларини ўрганиш асосида амалга оширилади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти.

Республикамиздаги кичик шаҳарлар реконструкция қилиш ва лойиҳалаш амалиётини такомиллаштиришдан иборат.

Диссертация ишининг таркибий тузилиши. Диссертация иши кириш, 3 та бобдан иборат асосий қисм, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг I- бобида “Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг ривожланиши ва Ургут шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари”, II – бобида “Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган режавий ечимлар тахлили”, III – бобида “Ургут шаҳри марказий ва структуравий қисмларининг архитектуравий -режавий ечимлари” бўйича илмий –лойиҳавий хулосалар ва таклифлар берилган.

I боб. Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг ривожланиши ва Ургут шаҳарсозлигининг ўзига хос хусусиятлари

1.1. Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг ривожланиш йўллари

Кичик шаҳарларни ривожлантириш Ўзбекистонда барқарор келажакка эришиш йўлида амалга оширилаётган катта кўламли ишлар ва энг долзарб муаммолар сирасига киради.

Кичик шаҳарларнинг тикланиши ва ижтимоий-иқтисодий ҳамда маданий жиҳатдан ривожланиши, улардаги инқироз ҳолатни енгиш аҳолининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва турмуш даражасини мамлакат бўйича ўртача кўрсаткичга яқинлаштириш – давлат шаҳарсозлик сиёсатининг энг устувор вазифасидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонни кичик шаҳарлар мамлакати дейиш мумкин. Республикада жами 120 дан ортиқ шаҳар бўлса, уларнинг аксариятини кичик шаҳарлар ташкил этади. Ўзбекистонда 50 минггача аҳолига эга бўлган 88 та кичик шаҳарлар мавжуд бўлиб, уларнинг кўпчилиги ўзларининг тарихий-маданий мерослари, қулай жойлашуви, иқлимий ва экологик шароитлари, аҳолининг турли гуруҳлари учун қулай бўлган анъанавий жойлашув тизими шаклланиши туфайли қисқа муддатларда ҳар томонлама ривожланиши учун етарлича салоҳият ва имкониятларга эгадир [31].

Ўзбекистонда кичик шаҳарларнинг каттагина қисми тарихий ҳисобланади ва улар кўп асрлик ривожланиши билан ажралиб туради. Улар ўзаро киришиб кетган анъаналар, бир-бирига ўхшаш хусусиятларга эга ўзаро ижтимоий-иқтисодий таъсирлар ва жараёнлар билан тавсифланади.

Халқимизнинг анъаналари ва урф-одатлари сақланиб қолишида кичик шаҳарларнинг тутган ўрни анча салмоқли. Глобализациялашув гирдобига кириб кетган катта шаҳарлар ва сўнгги юз йилликда рўй берган беҳисоб ўзгаришлар таъсирига дош бериш имкониятига эга бўлмаган қишлоқ аҳоли пунктларида деярли йўқолиб кетган анъанавий турмуш тарзи, ижтимоий ва маданий ҳаёт айнан кичик шаҳарларда сақланиб қолган.

Ўзбекистондаги замонавий кичик шаҳарлар қиёфасида нафақат бугунги реаллик, балки узоқ ўтмишнинг кўпгина жиҳатлари акс этган. Баъзи шаҳарларда бу ҳолат деярли сезилмайди, бошқаларида эса – ўтган тарихий даврларнинг излари яққол кўзга ташланади.

Республикамиздаги ҳар бир кичик шаҳар ўзининг тарихи, иқтисодиётнинг риожланиш даражаси, асрлар давомида қарор топган анъанавий хунармандчилик турлари ва турмуш тарзи, аҳолисининг ижтимоий-маданий ҳаёти, географик жойлашуви, шаҳар фонини шакллантирувчи ландшафти ва шаҳар атрофидаги табиий бойликлари,

шаҳарнинг режалаштирилиши ва архитектураси билан белгиланган ўзига хос ташқи қиёфага, образга, характерга эга [14,15].

Кичик шаҳарлар қишлоқ аҳолисининг ҳаётида ҳам катта аҳамиятга эгадир. Улар ўзига хос “кичик пойтахтлар” ҳисобланиб каттагина ҳудудларда яшайдиган, одатда қишлоқ аҳолиси учун хизмат кўрсатиш марказлари вазифасини ўтайди. Тарихдан маълум, Ўзбекистондаги кичик шаҳарлар нафақат иқтисодий, балки маъмурий марказ функцияларини бажариб келган [25].

Шу билан бирга, кичик шаҳарлар аксарият ҳолларида ёндош ҳудудлардаги қишлоқлари учун маъмурий ва маданий марказ ҳисобланади. Бугунги кунда ҳам кичик шаҳарларнинг тахминан ярми қишлоқ туманларининг маъмурий маркази бўлиб келмоқда (2-планшет).

Ўзбекистондаги бир қатор кичик шаҳарлар ўзларининг *тарихий-маданий ва рекреацион* салоҳиятлари билан ажралиб туради, бу эса, ўз навбатида, хордиқ чиқариш ва туризимга ихтисослашган янги турдаги аҳоли пунктлари шаклланиши учун дастлабки шарт бўлиб хизмат қилади ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини рағбатлантиради. Туризм марказлари вазифасини биринчи навбатда меъморий, тарихий ва маданий ёдгорликларга эга шаҳарлар бажаради. *Табиатни муҳофаза қиладиган шаҳарлар* ҳам алоҳида гуруҳга киритилган бўлиб, улар халқаро ва миллий аҳамиятга эга марказлар сирасига киради [26,27,25,30,31].

Ҳудуднинг майдони кичик бўлгани сабабли кичик шаҳарлар одамлар яшаши учун қулай ҳисобланади. Унда ҳамма нарса уй яқинида жойлашганлиги туфайли, ҳамма объектларга пиёда этиб олиш мумкин, шу сабабдан шаҳар транспортига бўлган эҳтиёж ҳам айтарли катта эмас. Кичик шаҳар уни ўраб турган табиий муҳитдан ажратилмаган, баъзи кўчалар тўппа-тўғри яйлов ёки дарахтзорларга ёндош, туташиб кетади. Тинч, осойишта ва соя-салқин кўчалардаги ҳаёт бир маромда кечади, катта мегополисларда бўлгани каби шовқин ва тезлик, салобати билан одамга босим ўтказадиган улкан бинолар йўқ, атроф-муҳит ландшафти

билан уйғунлашиб кетган кичик шаҳарда истиқомат қилувчилар ўзларини бевосита табиат қўйнида юргандек хис қиладилар.

Лекин, Ўзбекистондаги кичик шаҳарларда бир қатор ечилмаган муаммолар мавжуд. Мамлакат янги иқтисодий муносабатларга ўтаётган даврда айнан кичик шаҳарлар қийин аҳволга тушиб қолади. Аксарият ҳоларда шаҳардаги битта корхонанинг ёпилиши аҳолининг катта қисмини ишсиз қилиб қўйгани сир эмас. Лекин, барибир, Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини кичик шаҳарларсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Кичик шаҳарларнинг қайта тикланиши иқтисодий нуқтаи назардан катта самара беради, чунки нафақат шаҳарлар, балки уларни ўраб турган катта ҳудудларда жойлашган қишлоқлар ва посёлкалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун янги шарт-шароитлар яратилади.

Ўзбекистоннинг барча кичик шаҳарлари ватанимиз тарихида ўз ўрнига ва аҳамиятига эгалар, уларнинг ҳаммаси ислохотлар даврига хос қийинчиликларни бошларидан кечирмоқда. Лекин, таъкидлаш зарурки, уларнинг ҳар бирида турлича иқтисодий, ижтимоий, экологик маъмурий дастлабки шароитлардан келиб чиққан ҳолда тикланиш ва ривожланишнинг янгича иқтисодий муносабатлари шаклланаётган давр учун хос бўлган дифференциаллашган ёндошув ва ечимлар устида иш олиб борилмоқда.

Бунинг учун энг муҳим кўрсаткичлар бўйича шаҳарларни ривожлантириш шартларини умумлаштириш ва ҳар бир гуруҳ учун, кейинчалик эса, дастурий чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида ҳар бир алоҳида шаҳар учун “касалликни” даволаш принципларини белгилаш ва асосий воситаларни аниқлаш лозим.

Ана шу мақсадларга эришиш учун шаҳарнинг катталиги, функционал тури, республиканинг жойлашув тизимида тутган ўрни ва аҳамияти каби кўрсаткичлар бўйича ШНҚ 2.07.01-03* норматив ҳужжат ишлаб чиқилган

бўлиб, унга кўра мамлакатдаги кичик шаҳарлар қуйидаги асосий гуруҳларга бўлинади:

Шаҳарнинг маъмурий мақоми бўйича – шаҳардаги маъмурий туманлар марказлари ва туман бўйсунувидаги шаҳар посёлкалари ҳамда йирик ва катта шаҳарлар бўйсунувидаги шаҳар посёлкалари.

Катталиги бўйича: аҳолисининг сони 5-10 минг киши (5 та шаҳар); аҳолисининг сони 10-20 минг киши (30 та шаҳар); аҳолисининг сони 20-30 минг киши (31 та шаҳар), аҳолисининг сони 30-50 минг киши (13 та шаҳар). Кичик шаҳарларнинг 8 тасида аҳоли сони 50 дан ортганлиги туфайли бу тоифалаида кўрсатилмади. Бироқ 965 та шаҳар посёлкаларини ҳам энди тоифалаиш талаб қилинади [7,8].

Ўсишнинг тез ва мўътадил суръатлари асосан йирик ва катта шаҳарлар таъсири доирасида ва асосий коммуникация ўқларида жойлашган аҳоли пунктларига хосдир.

Аҳоли сонининг камайиши, асосан, ривожланишнинг асосий кутблари ва ўқларида узоқда жойлашган, яқин ўтмишда кон ишлаб чиқариши билан боғлиқ чекка шаҳарларда кузатилмоқда. Бу, одатда, аҳолининг сони 5 минг кишидан кам бўлмаган посёлкалар бўлиб, уларда иш ўринлари чекланган. Агар уларни мустаҳкамлаш бўйича тезкор чоралар кўрилмаса, бундай посёлкалар сони кўпайиб кетиши мумкин.

Бундай кичик шаҳарларни функционал вазифалари бўйича қуйидаги гуруҳларга ажратиш мумкин:

Саноат корхонаси мавжуд шаҳар посёлкалари;

Агросаноат шаҳар посёлкалари;

Аграр шаҳар посёлкалари;

Туризм-рекреация шаҳар посёлкалари;

Махсус (ҳарбий ва бошқа аҳамиятдаги) посёлкалар;

Табиатни муҳофаза қилинадиган шаҳар посёлкалари;

Вахта – ишчи посёлкалар [26,27,28,30,31].

Худудида саноат корхоналари жойлашган кичик шаҳарларнинг аксарияти туманларнинг маъмурий маркази ҳисобланиб, иқтисодий функциялари билан бирга тумандаги барча ҳудудларни ва аҳоли пунктларини бошқариш ва хизмат кўрсатиши билан боғлиқ вазифаларни бажаради. Бу аҳоли пунктлари ҳам сифатий кўрсаткичлари турлича бўлиб, муайян ҳудуднинг иқтисодий ва ижтимоий шароитларига қараб турлича мақомга эга бўлади.

Ушбу тоифага кирувчи шаҳар посёлкаларининг қиёсий таҳлили улар ўртасидаги сезиларли фарқланишларни аниқлаш имкониятини беради.

Агросаноат шаҳар посёлкалари, асосан, саноат-аграр ихтисосликка эга бўлиб (қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатишга ихтисослашган корхоналар, илмий-техник таъминот, кадрларни тайёрлаш). Бу турдаги кичик шаҳарларнинг аксарияти қишлоқ туманлари учун маъмурий, иқтисодий ва ижтимоий-маданий марказлар функцияси бажаради. Бундай аҳоли пунктлари қишлоқ ишлаб чиқариш маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари ҳисобига ривожланиб боради.

Агар кичик посёлкалар ёндош ҳудудларда ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини юритадилар, шунингдек, қишлоқ аҳолисига ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатилишини таъминлайди. Бу тоифага кирувчи кичик шаҳарларнинг аҳолиси, одатда, кам сонли бўлиб (5000 кишигача), аҳоли ўсиши суст, иқтисодий базаси заиф ва маятниксимон миграция даражаси юқори бўлади. Саноат корхоналарида ишловчилар сони ҳам камчиликни ташкил этади, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчилар улуши нисбатан кўп (15%), кундалик ҳаётда аҳоли ўзини ўзи таъминлайди ва ўзига ўзи хизмат кўрсатади.

Ўзбекистондаги кичик шаҳарлар муаммосини ҳал қилиш учун мақсадли давлат дастурлар ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида сўнгги йилларда бир қатор кичик шаҳарлар мавқеи ўсиши ва мақоми ўзгарди. Бу шаҳарларда қишлоқ хўжалик

маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган корхоналар барпо этилиб, минглаб иш ўринлари ташкил қилинди. Натижада, улар каттагина қишлоқ туманларининг маъмурий ва иқтисодий-маданий марказларига айланди.

1.2. Кичик шаҳарларни лойиҳалашнинг долзарб масалалари.

Урбанизацион жараёнлар бутун бир бошли жамият ривожланишига олиб келувчи омил ҳисбланади. Унинг маҳсули ҳисобланадиган шаҳарлашув жараёни ва шаҳарлар ривожини бевосита мана шу тараққиётнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Шаҳарларнинг бу соҳадаги вазифаси янгича технологик жараёнлар, ишлаб чиқаришнинг интенсив соҳалари юзага келиб тараққий этиши, илм-фан, маданият, ахборотлашув сингари воситалар ривожлана боргани сайин янада муҳим аҳамият касб этиб бораверади.

Урбанизацион жараёнларнинг шаҳарларда ишлаб чиқариш омилларини яратиши, илмий-техник ахборот алмашинувини фаоллаштириш, маданий-ижодий алоқаларни мустаҳкамлашга қулай шароит яратиши аҳоли яшаш жойларининг концентрациялашувига олиб келади. Бинобарин, бу ҳолат социал ҳаётнинг маиший томонига таъсир кўрсатувчи ҳолларни келтириб чиқаради. Масалан, аҳоли яшаш пунктларининг жуда ҳам кенгайиб бориши, аҳоли сонининг ошиб бориши, аҳоли яшаш ва ҳаракат қилиш жойлари зичлигини, автомобиллаштириш ва техниклаш жараёнларининг ҳаддан зиёд ўсишига олиб келади. Бунинг натижасида экологик баланс бузилиши муаммолари юзага келади. Табиий муҳит (тупроқ, ўсимликлар олами, ер усти ва ости сув тизими ҳайвонот дунёси ва б.) ўзгарувчи вужудга келади.

Бунда урбанизацион жараёнларни белгилаб берувчи икки кўрсаткич мавжуд. Уларнинг биринчиси шаҳар аҳолиси сонининг умумий аҳолига нисбати кўпайиши бўлса, иккинчиси шаҳарлар сонининг ўсиб бориш кўрсаткичи ҳисобланади.

Шаҳарларнинг ўсиш жараёни шаҳарлар атрофида мавжуд аҳоли пунктлари ёки янгитдан шаклланган аҳоли яшаш жойларини ўзига

бўйсундириш ва қўшиб олиш ҳолатларига олиб келади. Бунда баъзи ҳолатларда шаҳар атрофидаги аҳоли пунктлари мураккаб маъмурий чегараларга эга бўлсада, улардаги ҳаёт ёнидаги шаҳар фаолияти ва хизмат кўрсатиш жараёни билан боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда бирон бир шаҳар ва унинг атрофидаги аҳоли пунктлари (баъзида кичик шаҳарлар) дан ташкил топган ягона агломерация юзага келади. Бундай ҳолатга “субурбанизация” дейилади. Унда шаҳар – агломерация маркази, атрофидаги аҳоли пунктлари субурбанизация объектлари дейилади. Бу ибора инглиз тилидаги suburbia (сабербия) сўзидан олинган бўлиб, “шаҳар хорижи” деган маънони англатади. Бунинг натижасида шаҳарга боғлиқ бўлган, бироқ шаҳарни лойиҳалаш чоғида унинг ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш ресурслари сирасига кирмаган ўзаро боғланиб кетган туташ аҳоли пунктлари юзага келади. Бу эса ўз навбатида юзага келган ҳолатни ҳисобга оладиган бош план лойиҳасини ишлаб чиқариш заруратини келтириб чиқаради. Шаҳар ва унинг туташ ҳудудларида ягона ижтимоий ва иқтисодий муносабатни шакллантириш мақсадида уларни ўзаро боғловчи қўшимча тадбирлар ва шаҳарсозлик чораларини амалга оширишга тўғри келади. Агломерация маркази – шаҳарлар барча қулайликларга эга бўлган ҳолатда, туташ зоналар кўпинча бундай чекка ноҳиялар зарурий социал, савдо, маиший хизмат кўрсатиш объектларидан мосуво бўлиб, “ётоқхона” районларига айланиб қолишади. Бундай камчиликни бартараф этиш учун унинг индикаторларини аниқлаб олиш талаб этилади [17,25,29,37].

Маълумки, ҳозирги кунда ҳам шаҳарсозликнинг асосини XVIII-XIX асрларда юзага келиб, XX асрда ривож топган индустриал шаҳарларни лойиҳалаш ғояси ташкил қилади. Унинг моҳияти шундан иборатки, саноат ишлаб чиқариш юзага келганида ўзидан олдинги ҳунармандчилик маҳсули бўлмиш кичик устахона ва цехлар ўрнига бир неча юзлаб ва минглаб одам ишлайдиган улкан корхоналарни юзага келтирди. Улар девор билан ўраб олинган феодал шаҳарларнинг структурасига сиғмай қолди. Янги ишлаб

чиқариш ва логистика воситалари пайдо бўлди. Уларнинг барчаси бўш ҳудудларда транспорт воситалари (темир йўл ва автомобил) билан боғланган аҳоли пунктларини лойиҳалашни тақазо қилди. Шундай қилиб саноат ишлаб чиқиши ва темир йўл ҳамда автомобил транспортига боғлиқ бўлган саноат ёки индустриал шаҳарлар вужудга келди. Унинг биринчи мукамал наъмунаси сифатида инженер Тони Гарне томонидан 1902 йилда Франциядаги Сант Этъен индустриал шаҳарини мисол қилиб кўрсатишади. Индустриал шаҳарларнинг классик наъмунаси саноат ишлаб чиқариш ҳудудини автомобил ва темир йўл транспорти йўналишининг бир томонидан ва аҳоли яшаш ҳудуди (селитба)ни бошқа томондан жойлаштириш ғояси ётарди. Бундай лойиҳалаш кейинчалик “чизиқли композиция” номини олди. Унинг асосида кейинчалик “параболасимон”, “тўрли” ва бошқа турдаги композициялар юзага келди. Буларнинг барчасининг замирида саноат, транспорт, селитба, шаҳар жамоа маркази ва истироҳат ҳудудларини ўзаро функционал зоналаштириш асосида жойлаштириш ғояси ётади. Кўриниб турибдики, бу функционалистик ғоя бўлиб, унинг бош усули функционал зоналаштиришдан иборат эди. Минг афсуски, шаҳарларнинг тараққиётини нафақат саноат ишлаб чиқариш, балки қатор бошқа омилларга боғлиқ бўлган бугунги даврда ҳам бизнинг аксарият лойиҳачиларимиз ҳануз мана шу алмисоқдан қолган индустриал шаҳар ғоясига асосланган функционалистик шаҳарсозлик ва унинг бош усули ҳисобладиган функционал зонлаштириш усулидан фойдаланиб келишмоқда. Ваҳоланки бугунги кунда эшолон ёки бир неча вагонлаб юк олиб келинадиган (ва олиб кетиладиган) саноат гигантлари камайиб кетди. Кўпгина ишлаб чиқариш жараёнлари самарали технологияларни қўллаш туфайли анчагина компактлашди, аҳоли сарҳадларидан узоқда жойлаштирилиши лозим бўлган зарарли ишлаб чиқариш объектлари янгича экологик ҳавфсиз ишлаб чиқариш технологияларини қўллашмоқда.

Бундан ташқари бугунги кунда илгари мавжуд бўлмаган ишлаб чиқариш тармоқлари, кичик ва ўрта бизнес юзага келди. Кўп тоннали юк

ташийдиган трансконтинентал автомобил, газ нефть, кўмир ва бошқа хомашёнинг қувурларда етказиб бериш, ҳаво транспорти, эркин индустриал зонлар юзага келди. Кичик ва ўрта бизнес объектларининг кўпчилигида саноат ишлаб чиқишининг хизмат кўрсатиш, савдо иншоотлари билан кооперациялашуви, экологик хавфсизлиги уларни бевосита аҳоли яшаш жойлари ичига жойлаштиришни тақозо қилмоқда. Бугунги кунда шаҳарлаштиришда саноат ишлаб чиқариш ягона шаҳар ташкил қилувчи факторли ҳисобланган ролини туризм индустрияси, халқаро савдо сотиқ, хизмат кўрсатиш соҳаси, таълим, илм-фан маданий ва маиший хизматнинг бошқа соҳаларига, улар билан муштаракликда шу вазифани бажаришга бўшатиб бераётганлигини кўриш мумкин. Илгари, собиқ шўролар даврида колхоз ва совхозларни бош қўрғон (посёлка)лари вазифасини бажарган қишлоқ аҳоли пунктлари, кон саноати билан боғлиқ ишчилар қўрғонларига шаҳар посёлкаси статуслари берилди. Уларнинг кўпчилиги илгари фаолият кўрсатган қишлоқ хўжалигида экин, чорвачилик ва шу сингари ишлаб чиқариш билан боғлиқ саноат корхоналари бугунги кунда фаолият кўрсатмаяпти. Уларнинг ўрнига фермерлик хўжаликлари, ўрта ва кичик бизнес объектлари вужудга келди. Энг муҳими уларнинг орасида сервис объектлари ва айниқса, янгича, хусусий хизмат муассасалари фаолият кўрсатмоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг шаҳар ташкил қилиш гуруҳи салмоғи сон ва кўриниш жиҳатдан тубдан ўзгармоқда. Демак, аҳоли пунктларини лойиҳалаётганда шаҳар ташкил этувчи аҳоли кўрсаткичини энди бошқача ҳисоблаш зарур.

Америка Қўшма Штатлари ва баъзи бир бошқа ривожланган мамлакатларда анчадан бери аҳолининг ишлаб чиқарувчи гуруҳига қишлоқ хўжалигида банд одамлар, кон ишлаб чиқариши ва уларнинг маҳсулотларини қайта тайёрлаш билан банд аҳолидан ташқари қурилиш, транспорт, алоқа, коммунал хўжалик, савдо, молия-кредит, хизмат кўрсатиш, бошқарув соҳалари аҳоли кўрсаткичлари ҳам киритилган [15,16,17,29,37].

Шунингдек, қатор мамлакатларда туризм хизмати индустрия шаклида шаҳарлаштирувчи аҳоли гуруҳига киритилган.

Бугунги кунда Буюк Ипак йўли анъаналари асосида юзага келган эркин иқтисодий зоналардаги савдо муассасалари шаҳарни шакллантирувчи иқтисодий соҳасига айланади.

Бугунги кунда хом ашё манбаларининг кенгайиб бориши, уларни ва тайёр маҳсулотларни етказиб беришнинг турли туман усулларининг юзага келиши, алтернатив энергия манбаларининг қўлланилиши, янгича экологик зарарсиз технологияларнинг кириб келиши саноатни илгариги кон – кидирув манбалари ва темир йўллар ёқасида жойлаштириш мажбурлигига алтернатив лойиҳавий таклифлар ишлаб чиқишни келтириб чиқаради. Шу каби турлича сунъий ва биологик синтез қилинадиган хом ашёларнинг кенг ишлаб чиқарилишнинг йўлга қўйилиши, 3D принтерларини қўллаб маҳсулотлар ишлаб чиқариш саноатнинг хомашёга боғлиқлик даражасини пасайтирди ва бундай корхонларни турли сифимда, ҳар ҳил жойларда жойлаштириш имкониятини юзага келтирди. Кўпгина ҳолатларда саноат ишлаб чиқариши илм-фан ва сервис соҳалри билан чамбарчас боғланиб кетди [29,30,31,35,37].

Америка Қўшма Штатлари шаҳарлашув жараёнида ноишлаб чиқариш ёки бошқача қилиб айтганда хизмат кўрсатиш соҳаси, унинг барча жабҳалари билан биргаликда миллий иқтисодиётнинг муҳим сектори сифатида шаклланган. У ерда “хизмат кўрсатиш” ибораси уч маънода қўлланилади: биринчиси – кенг маънодаги хизмат кўрсатиш соҳаси. Бунга қурилишдан ташқари барча ноишлаб чиқариш соҳаси – транспорт, туристик хизматлар, маиший, савдо, молия, хусусий, профессионал, бошқарув хизматлари, илм-фан ва бошқалар киради; иккинчиси – торроқ маънодаги профессионал ва хусусий (сартарошхона, химчистка, ремонт ишлари, юридик хизматлар консалтинг, кўнгилочар хизматлар, медицина, маданият, илм-фан, таълим) киради; учунчиси меҳнат фаолияти

характерига қараб кўрсатиладиган хизматлар ва хизмат соҳасидаги ишчи ходимлар киради [29,30,31,35,37].

Хизмат турларининг ўсиб бориши шаҳарлашув жараёни билан муштаракликда ривожланиб боради. Унинг ўсиб бориши илмий-техник тараққиёти билан бевосита боғлиқ. У дароматлар ҳажмининг, истеъмол миқдорининг, ҳаётнинг ўсиб бориши билан турли кўринишларни олади. Бундан ташқари мобил алоқа тармоғи, ахборот технологиялари, 3D принтер имкониятлари, технологик тараққиёт ўз-ўзига хизмат кўрсатиш соҳасининг (масалан кир ва идиш ювиш, хонани тозалаш машиналари ва б.) ўсиши, сервиснинг янги шакллари пайдо бўлишига олиб келади.

Сўнгги йилларда молия, кредит, божхона хизматларининг янги турлари юзага келди. Шунинг учун ҳам шаҳарлаштириш ва умуман урбанизацион жараёнлар ривожлана борган сари индивидуумнинг, интеллектуал муносабатларнинг ривожланишига, уларни ишлаб чиқариш локомотивлари сифатида қаралади.

Илмий-техник тараққиёт логистикага бевосита таъсир кўрсатди ва кўрсатади. Турли алоқа воситалари юзага келди. Транспорт тезлиги бениҳоят ўсиб бормоқда. 20-30 йиллар илгари самолёт, поезд, автомобил тезликлари билан ҳозирги транспорт тезлигини солиштириб бўлмайди. Темир йўлда ҳам, автомобил йўлларида ҳам, ҳоҳ шаҳар ичида бўлсин, ҳоҳ шаҳар ташқарисида бўлсин бекатлар, тўхташ жойлари оралиқлари ва сони камайиб бормоқда [29,30,31,32,34,35,37].

Биобарин, илгари саноат ишлаб чиқариши шовқин, чанг, тутун ва бошқа экологик ноқулайликлар, катта юк тушириш ва юклаш майдончалари ва шу туфайли темир йўл билан бевосита боғлиқ эди. Энди эса бу жараёнларнинг интенсификашуви уларнинг эгалайдиган ҳудуди ва жойлашадиган жойи ўзгаришга ҳақли.

Бугунги кунда аҳоли пунктларининг аҳолиси сонини ҳисоблашда мавжуд бўлган фақатгина шаҳар ташкил қилувчи ва ўз фаолиятига эга

бўлмаган аҳоли гуруҳларигагина тақсимлаб ҳисоблашнинг ўзигагина етарли эмас.

Масалан, АҚШда анчадан бери аҳоли бандлигини қуйидаги гуруҳларга бўлиб ҳисоблашади:

1) Мутахассислар—бу олий маълумотли (малакали) мутахассислар (муҳандислар, ўқитувчилар, врачлар), эркин мутахассис соҳиблари ва алоҳида ёки ноёб истеъдод вакиллари (муסיқачилар, композиторлар, олимлар, артистлар, спортчилар ва б.);

2) Бошқарувчилар – юқори табақали мансабдорлар, тадбиркорлар, хўжалик ва маъмурий аппаратда ҳал қилувчи вазифаларда банд одамлар;

3) Муассаса хизматчилари – оддий хизматчилар, банк, муассасалар, транспорт хизматчилари;

4) Савдо ишчилари – бевосита савдода банк ходимлар, акция ва бошқа қимматли қоғозларнинг олди – сотдиси, реклама ва шу кабилар билан боғлиқ аҳоли;

5) Ўрта техник персонал-усталар, маълум хунар соҳиблари, тор ихтисослик техникалари;

6) Операторлар – шофёрлар, дастгоҳда ишловчилар, бирор бир касб соҳиблари;

7) Турли соҳа ишчилари – оғир иш бажара оладиган ишчилар;

8) Турли хизмат ва бошқарув соҳасида банд шахслар – қўшимча хизмат ходимлари, маиший хизмат соҳасидаги оддий ишчилар, овқатланиш муассасалари ишчи-ходимлари, қўриқлаш, навбатчилик, осойишталик поспонлари, меҳмонхона, турли маҳкама ва муассаса хизматчиси ва оддий ишчилар [36,37].

Кўриниб туририбдики юқоридаги маълумотда шаҳарлашув учун зарур бўлган турли соҳа ва босқич ходимлари ҳисобга олинган. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги кунда ва яқин келажакда Ўзбекистонда янги шаҳарлар қурилишига эҳтиёж ва ҳожат йўқ. Аини пайтда бажарилаётган

лойиҳалар мавжуд шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларининг ривожланиши билан боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида эса қишлоқ аҳоли пунктларининг меъморий режалаштириш (лойиҳалаш –АПОТ) ва қишлоқ посёлкалари (кўрғонлари)нинг лойиҳаларини тузилиш билан боғлиқ. Улардаги шаҳарлашув омиллари – аҳолининг шаҳарни ташкил қилувчи ва хизмат кўрсатувчи гуруҳларининг кескин ўзгарганлиги, туризм, молия-кредит, бошқа турли янги сервиснинг юзага келганлиги билан боғлиқ. Шунинг учун ҳам энди лойиҳа олди ҳисобларида юқоридагиларни назарда тутмоқ лозим. У билан бўлган турар жой фондиди кўпайтириш энди шаҳарга қўшиладиган янги ҳудудлар эмас, шаҳар ичида самарали фойдаланилмаётган ерлар ва кўп қаватли (турар жой, жамоа ва бошқа турдаги бинолар) иморатлар куриб зичликни ошириш ҳисобидан ҳал қилиниши лозим.

- саноат чиқиндиларининг ағдармаларининг йиғилиши, ўзидан ўзи пайдо бўлган ахлатхонларва умумшаҳар тозалаш иншоотларининг йўқлиги;

- канализация тармоқлари ва шаҳарлар ёнида жойлашган фильтрация майдонларининг ёмон ҳолати;

- кон қазиш корхоналаридан чиқадиган ағдарма жинслар ва чиқинди омборларининг ҳаддан ташқари катта ҳажмлари;

- қаттиқ ва нефть маҳсулотлари асосида ёқилғида ишлайдиган кўп сонли кичик қозонхоналардан ифлослантирувчи моддаларнинг чиқарилиши.

3.Кичик шаҳарлар ривожланишига тўсқинлик қилаётган асосий муаммолар ва омиллар. Кичик шаҳарлар иқтисодиёти ва ижтимоий масалаларининг таҳлили уларга ҳос бўлган асосий муаммоларни ажратиб олиш имконини беради. Бу муаммолар қаторига қуйидагилар киради:

- кичик шаҳарлар ривожланишининг янги иқтисодий шароитлар учун самарали стратегиялари ва дастурлари ишлаб чиқарилмаган;

- ривожланишга маблағларнинг етишмаслиги, юқоридан бериладиган бюджет пулларига боғлиқлик;
- турмуш сифати ва даражасининг пастлиги;
- ишсизликнинг юқори даражаси;
- шаҳар ташкил этувчи корхоналарга боғланганликнинг юқори даражаси;
- ишлаб чиқариш ва транспорт инфратузилмаси объектларининг эскириш даражаси [30,31,33,35].

1.3. Ургут шаҳрининг вужудга келиш ва ривожланиш босқичлари

Ўтмиш аجدодларимиз турмушини, тарихини ўрганиш орқали ҳозирги замонамизнинг нодир белгиларини кўра оламиз, унга бўлган меҳр-муҳаббатимиз янада ошади. Айниқса, қадимий шаҳарлар, жойлар тарихини ўрганиш ўтмиш маданиятимиз, ота-боболаримиз яшаган ва яратган даврлар тарихини вужудга келтиришда муҳим аҳамият касб этади. Самарқанд атрофидаги энг қадимий жойлардан бири бу Ургутдир. Ҳар бир жойнинг тарихи ўрганилганда унинг этимологиясини аниқлаш заруриятдир. “Ургут” топонимнинг келиб чиқиши тўғрисида турли хил қарашлар мавжуд. Таниқли рус шарқшунос В. Л.Вяткин манғитлар ҳукумронлиги давридан бошлаб тарихий ҳужжатларда учрайдиган Аркут қишлоғи Ургут деб атала бошлаганлиги такидлаган эди [21,22,23].

Ургут топоними билан қизиқувчилар бу тўғрида турли хил хулосага келганлар. Айримларнинг тушунтиришича, Ургут- Ўркент (Ўрдаги, баланддаги шаҳар), 1967- йилда Самарқанд Давлат Университети ўзбек филологияси факультетининг талабалари доцент (ҳозирда профессор) Р.Қ.Қўнғиров раҳбарлигида Ургутга топонимик экспедиция уюштирган эди. Ёш топонимислар Ургут – Ўркентдир, чунки ундан пастрокда Ўрамас номли қишлоқ бор, бу Ўр эмас, у эса Ўр кент, яъни Ўрдаги шаҳардир деган хулосага келган эди. Ҳўш, у ҳолда Ўркент қандай Ургут ҳолига келиб

колди. Ёки товушга ўзгариш ходисалари- ассимиляция, диссимиляция туфайли содир бўлганмикан? Албатта , бундай шарҳлаш қаноатланарли даражада эмас.

Х аср араб тарихшуносларидан ибн Ҳовқал ва Истағрийларнинг ёзишича, Самарқанддан тўрт фарсах (бир фарсах аскарый ҳолда 6-7 км, лекин Бухоро фарсаҳи 8 км бўлган) нарида Шовдор тоғи яқинида, Самарқанддан уч фарсах нарида Андак (арабча ёзувда Андакий берилган) 4 фарсах нарида Урукс қишлоқлари жойлашган. Шовдор туманида, Васқирд қишлоғи бўлган. Тарих аввалги номи эмас , албатта. Шовдор Самарқанднинг шарқи-жанубида жойлашган туман бўлиб, ибн Ҳовқал қайд этганидек, 10 фарсах кенгликка эга бўлган. Ҳозир бу туман майдонини чегаралайдиган бўлсак, унга Зарафшон дарёсининг жанубий воҳаси, яъни Ургут тумани тўлиғича Самарқанд туманининг шарқий – жанубий қисми киради [21,22,23], (3-планшет).

Академик Б.Б. Бартольд араб географлари кўрсатган Андак қишлоғи ҳозирги Ургут эканлиги, чунки Ургутнинг жанубий- ғарбий қисми ҳозир ҳам Андак деб аталишини уқтиради. Академикнинг фирки тўғридир. Лекин Андак қишлоғининг бир қисми нега Ургут номини олган? Улуғ мутафаккир Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “ Бобурнома” китобида Шовдор туманида Аркат (Аркан) (асар ноширлари бу номни шартли таризда Ўргут деб чоп этишади) номли кўрғон борлиги зикир этилган. Бу икки топонимнинг шарҳи – кўрғон шаҳар бўлгандек, бу ерда баланд деворли кўрғон борлиги аниқ. Бобур тахт- тож учун курашиб юрган пайтларда Аркат отлиқ кўрғон устига қўшин тортиб келган эди. Аркад ҳаробалари сақланиб қолган бўлиб, у Ургут шаҳрининг жанубий қисмига туташдир.

Бизнингча, ўша асрларда Андак қишлоғи яқинида баланд кўрғон қурилган, у Арканд деб аталганидек, унинг ичида яшайдиган қабилага ҳам Арканд номи берилган .Дарвоқе, араб тарихчиларининг асарларида Арканд кўрғони ҳақида маълумот йўқлигиёк, бу кўрғон Мўғиллар

даврида курилганидан далолат беради. Ургут топонимининг асосини Арканд ташкил этишига шак- шубҳа йўқ. У ҳолда Арканд қандай қилиб Ургут ҳолига ўтди? Бунинг учун В.Л.Вяткиннинг фикрини қуватламоқ ўринлидир.

Ўша давр тарихчилардан Муҳаммад Ёқуб “Гулшан ул мулк” асарида баён этишича, 1797 ёки 1798 йилда Мовароуннаҳрда кучли zilзила бўлган. Унинг оқибатида “Бобурнома” да кўрсатилган кўрғон шунчалик вайронага айланганки, хатто ярим сир (1600грам) келадиган бир бўлак девор кесаги ҳам топилмаган. Кўрғонда истиқомат қилган кишиларнинг кўп қисми фожеали ҳалок бўлган.

Демак, Арканд ер билан яксон бўлиб, ўз номини йўқотди, кишилар тилида Ургут деган сўз пайдо бўлди. Зотан, арабча ур – яланғоч: очик шипшийдам маъноларини берар экан. У ҳолда гут қандай маного эга? Аслида, Ўркат – яланғоч, шип-шийдан бўлган кўрғон, шаҳар дейиш тўғри эмасмикан? Манғитийлар даврида ёзилган тарихий китоблардаги Ургут сўзини Уркат деб ўқиш ҳам мумкин [21,22,23].

Демак, Ургут топоними этинологиясини офат ёки фалокатлар туфайли яланғоч, шип-шийдам деб изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, Ургут топонимини шарҳлашга ҳали нуқта кўйилган эмас.

Албатта, Ургут дейилганда Самарқанднинг шарқи – жанубида, тоғлар бағрида жойлашган Тожикистон ССР ва Қашқадарё области билан чегарадош район назарида тугилади.

1874 йилда Санк-Петербургда нашриётида босилган “Записки императорского русского географического общества” китобининг 4-томида зикр этилишича, бундан бир аср муқаддам ҳозирги Ургут тумани территориясида 138 та қишлоқ, 5552 та хонадон, 134 та масжид, 122 та диний мактаб, 1.500 нафар муллабачча бўлган [21,22,23].

Тош асрида яшаган халқимизнинг излари Ургут тупроғида ҳам мавжуддир. Мавжуд излар бу ерда юз минг йиллар аввал ҳаёт бошланганлигини кўрсатади.

Эрамиздан олдинги 329 йилнинг баҳорида Искандар армияси Ҳиндикуш тоғ тизмаларидан ўтиб, Ўрта Осиё территориясига бостириб келади. Бактрия мамлакатини осонликча эгаллаган грек-македон қўшини Амударёдан ўтиб, тез орада Наутака (ҳозирги Шаҳрисабз) водийсида кўрина бошлади. Искандар армияси Наутака атрофида жанг қилган экан. Омонқўтон тоғлари яқинига ҳам келишган. Лекин антик давр мутахассислари Искандар бошлиқ кўшинлар Мароқандни эгаллашда Татақорача давонидан ўта олмаган (бу доволон тарихий китобларида X асрда Зарудеза, XVI асрда Итмак номлари билан учрайди). Ҳозир эса бу жой Амир Темур 1398 йилда қурдирган Тахтақорача саройи деб тахмин қилишади. Улар Искандар қўшини шаҳарга Жом қишлоғи (Нуробод туманида) томонидаги йўлдан кириб келмадимикан деган хулосага келишиб, ўша йўлдаги Дашти Искандар номли жойга ишора қиладилар.

Ургут тоғлари бағрида жойлашган Вағашти қишлоғини топонимика мутахассислари жуда қадимги жойлардан бири сифатида кўрсатишмоқда. Топонимист С.Қораевнинг ёзишича, бу қишлоқнинг кўхна номи Вахшивар бўлган. Шу ўринда айтиш лозимки, Бактрия территориясида Искандарга қарши олиб борилган уруш ҳаракатлари қатнашиб, сўнгра Спитамен билан бирга Сўғдга қочиб келган Оксиартнинг асли исми Вахшунварта эди. Оксиарт асли исми грекча айтилишидир. Шу жиҳатдан қараганда Искандар забт этган «Сўғд Қоялари» Ургут тоғларида эмас эмасмикан? Бизнинг бу даъвомизни Вағашти қишлоғининг устидаги тоғ чўққисидида қадимий қалъанинг ўрни сақланиб қолгани ҳам қувватлайди. Махаллий халқ қалъа ҳаробасини Ҳисорак , 10-15 сотих келадиган жойни Хавзак деб аташади. Қалъа ўрнида бўлган киши кўплаб сопол буюмлари қолдиқларини учратиши мумкин.

Самарқанднинг шарқи-жанубида Маймурғ ҳокимлиги жойлашган эди. Хитойликларнинг Танг сулоласи (618-907) тарихи “Тан шу” да Маймурғ (Минми) Кан (Самарқанд) мамлакати таркибидаги 9 та ҳокимликнинг бири сифатида қайд қилинади. Маймурғ ҳокимлигининг

резидентцияси – Босиде шахрининг қолдиғи Қўлдортёпа совет даврида “Коммунизм” деб аталган колхознинг Ёиштмачит қишлоғи ёнида бўлиб, тахминан 16 гектар майдонига эга. Сал кам 2 километр узунликдаги қалъа деворининг қолдиқлари баландлиги 6 метрга етадиган кўтармалар кўринишида бизгача етиб келган [21,22,23].

Эрмитаж ҳодими археолог Б.Я. Ставскийнинг аниқлашича, шаҳар эраизининг биринчи асрларида қурилган. Унинг атрофи қўл билан ўралган бўлиб, ўрни ҳозир ҳам мавжуд. Қўл ёнида ҳашаматли арк барпо этилган. Бу арк III-IV асрларда келиб янада гўзаллашган. Аркнинг баландлиги ер сатҳидан чамаси ўн метр юқори бўлган.

Бир неча асрлар давомида гуллаб – яшнаган Босиде шаҳри, археологларнинг фикрича, VIII асрга келиб аста – секин ҳаробаликка юз тута бошлаган. Бу арабларнинг Ўрта Осиёга бостириб кириши натижасида эди, IX-XII асрларда шаҳарда ҳаёт яна жонланди. Ҳашаматли бинолар тикланди. X аср манбаларида Маймурғ Самарқанднинг жанубида жойлашган 6 та ҳокимликнинг бири сифатида тилга олинади. Кейинчалик шаҳар мўғул босқинчилари томонидан ишғол қилинади ва қаддини қайта тиклай олмайди [21,22,23].

Юқоридагилардан шу нарса аён бўлдики, Ургут территориясида ёши қадимий шаҳарлар билан тенглаша оладиган шаҳарлар ҳам бўлган. Бу шаҳар ўз вақтида бошқа мамлакатларнинг шаҳарлари билан ҳам алоқа қилган , ўз шуҳратига эга бўлган.

Самарқанд атрофидаги вилоятлар орасида Ургут тарихи учун характерли воқеа, бу ерда месопотамияликларнинг қишлоғи бўлганлигидир. Академик Б.В. Бартолд кўрсатишича, X асрда яшаган араб географи ибн Ховқал бу ҳақида қуйдагиларни ёзган: “Самарқанднинг жанубида Шовдор тоғлари жойлашган. Самарқанд атрофида бу бўлусчалик киши саломатлиги учун тоза ҳаволи маскан, серҳосил экинзор, энг яхши мевазорлар йўқ. Кишиларнинг қадди келишган, ёруғ юзли. Бўлус ўн фарсаҳ кенгликка эга. Тоғи саломатлик учун қулай ва гўзал. Далалари

доимо ишлатилиб турилади. Ғовлар учрамайди. Шовдор тоғи яқинида христианларнинг бутхонаси мавжуд. Христианлар бу ердаги ўз хужраларига йиғиладилар. Мен бу ерда кўплаб ироқ (месопатамия)лик христианларни кўрдим. Улар ўз ўлкаларидан узоқлашиб, серҳосил бу жойларга келишининг сабаби, биринчидан, одамлардан ажралиб яшашлиги бўлса, иккинчидан, бу ерда ҳаво мусаффолигидир. Будхонада, гўё бу жойни ўзларининг доимий мулки қилиб олган, кўплаб христианлар туришади. Сўғдлар ҳукумронлик қиладиган бу қишлоқ Вазқирд деб номланади. Шовдор тоғи яқинида дара бўлиб, дарё оқади ва экинзорларга қуйилади”. Араб тарихчиси Самъаний ҳам Самарқанддан 4 фарсах нарида Вазд қишлоғини ёзган эди. В.В.Бартолд Вазд ёки Визд ҳам ибн Ховқал кўрсатган Вазқирд бўлиши керак деб, ҳисоблайди [21,22,23].

Жиззах ва Тошкент атрофида ҳам христианлар яшаган қишлоқлар бўлган. Араблар Шовдор тоғи яқинидаги несторианлар қишлоғини Вазқирд, Жиззахдагини Винкерд, Тошкент атрофидагисини эса Бинкент деб аташган. Археолог ва шарқшунос олимларимиз христианлар яшаган қишлоқлар ўрнини аниқлашга қизиқиб келдилар. В.Л.Вяткин Шовдор тоғи атрофида жойлашган несторинлар қишлоғи ўрни бўйлаб қидириш ишлари олиб бориб, уни Ургут туманидаги ҳозирги Қинғир қишлоғи деб кўрсатади.

Амир Темур Ургутни хушҳаво манзилгоҳлардан бири деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам тоғ атрофларида дам олиш боғлари, ҳашаматли саройлар қурдиради. Ариқ ва каналлар қазишга эътибор беради. Қоратепа қишлоғида барпо этилган «Боғи жаханнамо» (дунёни кўрсатувчи боғ ёки ойнабоғ) Темурнинг машҳур оромгоҳларидан бири эди. Боғнинг ёнида қалъа қад кўтариб турарди. Бу оромгоҳ амир ҳарбий юришга отланганида ва жангдан қайтганида махсус бекат вазифасини ўтаган. Шунингдек, Самарқандга келадиган меҳмонлар ҳам Боғи жахоннаомага тушиб утишган ва дам олишган. Испан элчиси де Клавихо

Самарқандга, Амир Темур хузурига қилган саёҳатидаги “Кундалик”да Қоратепадаги боғда 9 кун дам олганлиги ёзган.

Темурнинг ана шундай боғларидан яна бири Самарқанд ва Шахрисабз ўртасидаги довонда эди. Амир 1398 йилда бу ерда ўз яқин кишиси Қорачабегим учун сарой қурдиради. У эл орасида Тахтақорача номи билан шуҳрат қозонди. Сарой атрофида кўркам боғ бунёд этган. Тарихчи ибн Арабшоҳ ёзганидек, Тахтақорачадаги боғнинг дарахтлари шунчалик қалин бўлганки, агар ичида от йўқолиб қолса, олти ойдан кейин топиш мумкин бўлган. Бобур Самарқанд ва Кеш орасида жойлашган довондан мармар тош олинишини эслатади. Дарвоқе, ҳозир бу ердан олинадиган мармар катта шуҳратга эга [21,22,23].

Ҳозир бир неча болалар дам олиш лагерлари жойлашган Гулбоғ сойлиги ҳам айрим манбаларга кўра, Амир Темур оромгоҳларидан биридир. XV аср охирида темурийлар ўртасида тож-тахт учун авж олган кураш изларини Ургутда ҳам кўриш мумкин. Бобур Самарқанд шаҳрини қўлга киритиш учун жанг қилиб юрган пайтларида 1494 йили Шовдор тоғи яқинида Аркан номли кўрғон устига рақибларини қувиб боради. Шовдор тумани ҳукумдорлиги турган Равотхўжага ҳам ўз кўшинлари билан бир неча бор келган. Ана шу даврда бу туманнинг аксарий қишлоқлари тоғ бағрида жойлашганлиги Бобур алоҳида қайд этган.

Темурийлар даврида Равотхўжа тўғонидан сув ичадиган қишлоқ, вилоят ва шаҳарларда сув келтириш масаласи муҳим ўринни эгаллайди. Тўғондан Дарғом, Аббос, Қоранаус каналларига сув тарқалади. В.В.Бартолд Аббос ариғи Темурийнинг саркардаларидан бири Аббос номига қўйилган бўлса керак, деб ёзади [21,22,23].

XVIII асрнинг бошларида Аштархонийлар давлати инқирозга учраб бораётган эди. Турли вилоятларда хонликка қарши исёнлар кўтарила бошланди. Убайдуллохон маҳаллий амалдорлар қўлида кўғирчоқ бўлиб қолди. Вилоят ва шаҳарларнинг ҳокимлари ўртасида феодал низолар

кучаяр, қабилалар эса турли баҳоналарда уруш қиларди. Мирмуҳаммад Амин Бухорийнинг “Убайдуллонома” асари бу даврни ўрганишда ғоят қимматли манба ҳисобланади. Айниқса, мазкур китобда берилган Ургут ҳокими Оллоберди давлатининг инқирозга учраши тўғрисидаги қайдларда ҳам ўша давр характери ни ёрқин кўриш мумкин.

Бухоро амирлигини манғитийлар сулоласи идора этган даврларда Ургутдаги тарихий шароит, социал- иқтисодий турмуш, маданий ва адабий ҳаёт тўғрисида анчагина фактик малумотларга эгамиз. XVIII асрнинг ўрталарида тахтга чиққан Муҳаммад Раҳимхон мамлакатда осойишталик ўрнатишга киришди, феодаллар ўртасида бошлаган урушларни шавқатсиз бостирди. У 1753 йилда Ургутга қўшин тортиб, бу ерда бошланган сепаратизм ҳаракатларига барҳам берди. У ўз ўғли Шоҳмуродни Самарқанд шаҳрига ҳоким қилиб тайинлайди. Кейинчалик отасининг ўрнига тахтга кўтарилган Шоҳмурод Самарқанд шаҳрини обод қилиш учун яқин атрофдаги вилоятлардан одамларни кўчириб келди. У Жиззах, Ургут, Зомин, Хавоз, Панжакент каби 24 гузар қурдирди. Бу гузарлар қаердан кўчириб келганлардан бўлса, шу ном билан аталган (21,22,23).

Мамлакатдаги ҳар бир вилоят амирликка қарагани билан, унинг ўз беклари бор бор эди. Ургут беклиги ўтган асрдаги сингари XIX асрнинг бошларида ҳам амирликдан ажралиб чиқиш, мустақилликка эришиш учун бир неча марта исён кўтарилади. Аммо амир Хайдар томонидан шавқатсизларча бостирилди. Ургут беклиги ўз сулоласига эга бўлгани ҳақида рус сайёҳи А.П.Федченко “Туркистонга саёҳат” асарида бирмунча маълумот берган. Аввал Жумбош парвоначи, сўнгра Каттабек, унинг ўғли Одилбек, унинг ўғиллари Хусайнбек, Шодибек, Оллоёрхон, Саидбеклар.

1868 йилда Чор Россиясининг армияси Ургутни эгаллагач, бу ерда беклик тугатилди. Хусайнбек укалари билан Моғиёнга қочиб кетди ва у ерда бек бўлиб олди. Шодибек эса Фароб кўрғонини эгаллашди. Орадан икки йил ўтгач, улар Зарафшон округига қўшилишга мажбур бўлдилар. Ургут раёни Зарафшон округига ўтгач, тоғ атрофларида ўрмончилик

бригадалари ташкил этила бошланди. Айниқса, XX асрнинг охирларида Омонқўтон ўрмон хўжалиги кенг ривожланмоқда [21,22,23].

Ургут беклиги тугатилиб, чор Россиясинг маъмурлари маҳаллий халқни ўз эътиборига қаратгач, бу ерда турли иқтисодий ўзгаришлар юза кела бошлади. Чор Россияси аста секинлик билан ерларни ҳаммасини давлатга тегишли ер деб эълон қилинади. Зотан, Ургутда катта – катта майдонларни эгаллаб ётган ер хўжайинлари анчани ташкил қилар эди. Маълумотларга кўра, Афғонистон подшосининг собиқ меросхўри Исоқхон ўзи Самарқанд шаҳрида яшасада, Ургутда унинг минг гектарлаб ери, унга ишлов берадиган юзлаб хизматкорлари бўлган. Ерни ижарага олган дехқонлар унга хаамиша ҳақ тўлаб туришарди. 1899 йилда Исоқхонга Ургутлик меҳнаткашлар 500 минг сўм фойда келтиришди. Ўша йили 30 дан зиёд хонадон ундан қарздор эди.

Рус саёҳатчиларнинг асарларида қайд этилишича, 1871 йилда Ургутда 138 та қишлоқ, 5552 та хонадон мавжуд бўлиб, улар 24 дахага бўлинган. Ўша даврда Ургут, Қоратепа, Жартепа, Ўрамас аҳоли пунктларида савдо-сотик бозорлари бўлган. Район бўйича 91 та тегирмон, 15 та обжувоз ишлаб турган. Жартепа Қўйқишлоқда савдо дўкони, Жозмонда ва қўл кучи билан ишлайдиган саноат корхонаси маҳаллий халққа хизмат қилган [21,22,23].

Шунингдек, XIX асрда боғ-роғлар барпо қилишда, ширин- шакар мевалар етиштиришда ургутликлар Зарафшон воҳасининг соҳибкорларидан саналган. Ургут Россияга товар юборишда Самарқанд уездидаги қишлоқ бозорларининг асосийларидан бири бўлган. Савдо иши билан шуғулланадиган ургутликларнинг сони юзлаб кишиларни ташкил қилар эди. Россия билан ҳар йили 1 миллион сўмдан кўпроқ товар оборот қилинади. Биргина нон савдосининг ўзи 0,5 миллионга яқин сўмни ташкил этарди. Ургутлик савдогарлар ҳар йили Россияга 100 минг пудга яқин маваларни етказадилар [21,22,23].

Равотхўжа тўғони реконструкция қилиниб, Дарғом, Янгиарик, Қозонариқ каналларидан сув ичадиган жойларини сув билан таъминлаши асосий масалалардан бири ҳисобланган. Асрлар бўйи Равотхўжада бўлган сув мажораси XX асрнинг бошларида келиб бирмунча келиб бирмунча ҳал этилди. Қишлоқларга, экинзорлар ва дарёсини банд қилиш проблемасини бажаришга киришилди. 1913-1917 йилларда лойиҳа асосида сув айирғич иншоот қурилиши бошланади. Ўрта Осиёда лойиҳа усулида қурилган ягона сув айирғич эди.

XIX асрда ургутликлар турмушда иқтисодий ўзгаришлар ҳам мавжудга кела бошлади, маданий ўзгаришлар халқ орасидан чиққан меъморларнинг етишганлиги кўплаб биноларнинг қад кўтаришга сабаб бўлган. “Ғолиб” лақаби билан шуҳрат топган Облоқул (1831-1917) меъмор қурган жума масжиди, Чибин масжиди, Ургут эшоннинг масжиди, Ғўзни масжидлари ва Абдужаббор наққош (1910 йилда вафот этган) хўжа Ургутда қурган бинолари меъморчиликнинг энг яхши намуналардан ҳисобланади.

Ургутда кўзга кўринган меъмор уста Облоқулнинг номи биргина Ургутда эмас, ҳатто Самарқанднинг кўпгина жойларга ҳам машҳур бўлди. У ўзининг таланти, меъморликдаги санъати билан кўплаб халқ меъморлари ўртасида шуҳрат топганлиги сабабли, кишилар унга Ғолиб бува деб ном беришган. П.Ш.Захидов ўзининг “Самарқанд меъморчилиги мактаби” китобида уста Облоқул аҳоли ўртасида катта шуҳрат қозонганини, йирик қурилишлар унинг иштирокисиз қад кўтара олмаслигини мамнуният билан қайд этади [21,22,23], (4-,5-,6-планшетлар).

Айниқса, бу даврда Ургут ҳунармандчилиги шаҳарлардан қолишмас эди. “Ургут қишлоғи, - дейилади “Ўзбекистон тарихи”нинг II томида,- 2751 хонадондан иборат бўлиб, 13 минг 879 киши истиқомат қиларди. Ургут аҳолисининг кўпчилиги юқори сифатли олача (ип газлама) ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди. Шу махсулотни харид қилиш учун Ургут бозорига турли жойлардан савдогарлар келарди. Бу қишлоқга бўзга гул

солиш , кетмон ва ўроқ яшаш, ёғочсозлик касблари ҳам ривож топган эди. Ургут бозорида ғалла ва чорва кўп сотиларди. Ургутликлар Самарқанд билан мунтазам савдо қилиб турганлар. Ҳатто, ургутлик савдогарларнинг Самарқандда махсус карвон саройлари бўларди” [21,22,23].

XIX асрда Ургутда илм-фан, хаттотлик, адабиёт соҳасида ҳам сезиларли ўзгаришлар юз берди. 1871 йилда Ургутда 134 масжид, 122 та диний мактаб бўлиб, унинг 1500 га яқин талабаси бор эди. Саводхонлик натижасида масжид ва мадрасалардан илмли, илғор дунёқарашли кишилар етишди.

I боб хулосаси

1. Бугунги кунда Ўзбекистон шаҳарларининг асосий қисмини кичик шаҳарлар ташкил қилади;

2. Кичик шаҳарлар Ўзбекистон миқёсидаги шаҳарлашув жараёнида муҳим роль ўйнайди.

3. Ўзбекистонда кичик шаҳарларини лойиҳалашда табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга.

4. Ургут шаҳрининг вужудга келиш ва ривожланиши тарихи эрамыздан аввалги IV-III – асрларга бориб тақалишни тарихий манбаларда қайд этилган.

5. Ургут шаҳрининг вужудга келиши ва ривожланиши Ургутсой ва Чорчинор каби машҳур табиий-тарихий манзиллар ҳамда тарихий маҳаллалар билан боғлиқ.

II боб. Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган режавий ечимлар таҳлили.

2.1. Ургут шаҳрининг табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий омиллари ва геомухандислик шароитларининг илмий таҳлили.

Шаҳарлар режаларининг ечимига қуйидаги омиллар таъсир кўрсатади:

- шаҳарнинг жойлашув тизимида тутган ўрни;
- танланган ҳудуднинг табиий-иқлимий ҳарактеристикаси;
- шаҳарни шакллантирувчи корхоналарнинг ихтисослашуви ва катталиги;
- турар-жой туманлари ва меҳнат жойлари ўртасидаги транспорт алоқаларининг ташкил этилиши;
- шаҳар ҳудудининг функционал зоналаниши шароитлари;
- шаҳарнинг истикболли ривожланишининг ҳисобга олиниши;
- ҳудудни муҳандислик ускуналаниши шароитлари;
- қурилиш иқтисодиёти талаблари;
- меъморий-бадий талаблар [27,28,30,31].

Бу омиллар шаҳарнинг режали тузилмасида ўз аксини топади, яъни унда турар-жой бинолари умумий фойдаланиш жойлари билан магистраль кўчалар ва майдонлар боғланганлиги ифодаланилади.

Янги шаҳарларни қуриш ва мавжудларини қайта тиклаш учун керак бўлган ҳудудларни меҳнат жойлари, аҳолининг яшаши ва дам олиш жойларини рационал жойлаштириш, ҳудуднинг табиий ва бошқа шароитларини ўрганиш, таҳлил қилиш, меъморий, тарҳий, санитар-гигиеник кўрсаткичлар, ёқилғи энергетик ҳамда сув ресурслари билан таъминланган даражаси [27,28,30,31], (7-планшет).

*Ҳудуднинг таҳлил қилишининг асосий мақсади*ундан турли хил соҳаларда фойдаланишга яроқлилигини аниқлаш: шаҳар қурилишига қишлоқ ва ўрмон ҳужалигига, аҳолининг оммавий дам олиш учун ҳудудни тарҳий ташкил этиш талабларини аниқлашдан иборат.

Табиий омилларга қуйидагилар киради:

- геоморфологик шарт-шароитлар;
- геологик тузилиш;
- гидрогеологик шарт-шароитлар;
- минерал хом ашё ресурслари;
- инженер-геологик шарт-шароитлар;
- иқлимий шарт-шароитлар;

- гидрологик шарт-шароитлар;
- тупроқлар;
- ўсимлик ва ҳайвонот дунёси;
- ландшафт тавсифи

Геоморфологик шарт-шароитларни ўрганишда рельефнинг куйидаги морфологик ва морфометрик элементларига: шаклига, генетик турига, абсолют ва нисбий баландликларига, эрозион бўлиниш чуқурлиги ва қияликларга алоҳида эътибор берилади.

Топографик–геоморфологик ва инженер-геологик съёмкалар материаллари асос бўлиб хизмат қилади [27,28,30,31].

Геологик тизимни–худуднинг неотектоник активлиги ва сейсмикаси, стратиграфик ва литологик комплексларнинг борлиги, уларнинг тузилиши, ёйилиш қонуниятлари ва қуввати нуқтаи назардан таҳлил қилинади. Таҳлил учун тектоник, геоморфологик, геологик ва бошқа геология фондидаги материаллардан фойдаланилади.

Гидрогеологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда ер ости сувларининг сув этилувчи горизонтлари, уларнинг тарқалиши, чуқурлиги, сувга тўйинганлиги, кимёвий таркиби ва агрессивлиги каби тавсифи берилади.

Минерал хом ашё ресурслари саноат ишлаб чиқариш ёки курорт хўжалигини ривожлантириш базаси сикатида тавсифланади, уларнинг тарқалиш майдонлари эса тарҳий чекланиш чекланиш сифатида хизмат қилади. Бундан ишлаб бўлинган майдонлар рекультивация ва хўжалик мақсадлари учун кейинчалик фойдаланилагн худудлар сифатида қаралади.

Саноат аҳамиятидаги конларнинг қисқача геологик-иқтисодий тавсифи келтирилади (жойлашиши, тури, даражаси ва ўзлаштириш келажаги. Ишлаб чиқариш усули, тарқалиш майдонлари ва ҳ.к.). Геология министрлигининг, тармоқ идораларининг материалларидан фойдаланилади.

Инженер-геологик шарт-шароитларни таҳлил қилганда инженер-геологик районлаштириш кўрсаткичларининг тавсифи келтирилади: Буларга геоморфологик, геолого-литологик, гидрогеологик, тупроқларнинг таркиби, физик-механик ва фильтрацион хусусиятлари, уларнинг юк кўтариш қобилиятлари, замонавий геологик ва инженер-геологик процесслар ва ҳолатлар, уларнинг тарқалиши ва ривожланиши интенсивлиги киради [27,28,30,31].

Бунга комплекс геологик-гидрогеологик экспедициялар материаллари, геологик фонд материаллари асос бўлиб хизмат қилади.

Иқлимий шарт-шароитлар умумий иқлимий, қурилиш-иқлимий, физиологик-иқлимий ва агроиқлимий тавсифномаларни ўз ичига олади.

Қуйида уларнинг қисқача тавсифи келтирилади.

Умумий иқлимий шарт-шароитларни тавсифлаганда ҳаво ҳарорати ва намлиги, ёғингарчилик, шамоллар, қуёш радиацияси, абсолют максимум ва минимум, температуранинг йиллик амплитудаси, энг иссиқ ва энг совуқ ойларнинг ўртача температураси, ойлик ўртача ҳавонинг абсолют ва нисбий намликлари тўғрисидаги кўрсаткичлар келтирилади. Бундан ташқари йилнинг иссиқ ва совуқ вақтларидаги ўртача ёғингарчилик миқдори, йил давомидаги ёғинли ва қорли кунлар сони, қор қатламининг баландлиги, шамолнинг максимал тезликлари келтирилади.

Қурилиш-иқлимий шароитларни ўрганганда тегишли қурилиш нормалари кўрсаткичлари (“Қурилиш климатологияси ва геофизикаси”)га амал қилиш лозим.

Худудни *физиологик-иқлимий баҳолаганда* санитар-иқлимий зоналарга бўлиш ёки иқлимий-рекреацион баҳолаш услубларидан фойдаланиш тавсия этилади.

Агроиқлимий баҳолаш худудни иссиқлик ва намлик билан таъминланишини аниқлаш йўли билан амалга оширилади. Иссиқлик билан таъминланганлик актив вегетация давридаги (ҳавонинг ўртача суткалик ҳарорати 10⁰С дан юкори), намланганлик эса намланиш даражаси ва

гидротермик коэффициент билан баҳоланади. Худудни агроиклимий баҳолаганда “Агроиклим ресурслари” қўлланмасидан фойдаланиш тавсия этилади.

Гидрография тармоқлари дарёларнинг узунлиги, сув омборлари ва қўлларнинг кўзгу майдонлари, дарёларнинг сув йиғиш майдонлари, озикланиш шароитлари ва сув харжи, оқим тезлиги, тошқинлар давомийлиги билан тавсифланади [27,28,30,31].

Тупроқлар– уларнинг асосий турлари ва тарқалиши, эрозион процесслар, сифат ва агроиктисодий баҳолаш билан тавсифланади.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёси асосий турларнинг тарқалиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг экологик ва сифат хусусиятлари билан тавсифланади.

Ландшафтлар оммавий дам олиш ва туризмга эстетик ва композицион хусусиятлари нуқтаи назаридан мослиги билан ҳамда уларнинг антропоген бузилганлиги жиҳатлари билан тавсифланади. Табиатнинг бебаҳо гўшалари сифатида энг қимматли табиий худудлар ёки ёввойи ҳайвонларнинг жон сақлайдиган жойлари сифатидаги ландшафтлар, кейинчалик қўриқланадиган жойларга айлантириш мақсадида аниқланади.

Саноатнинг ривожланиши ва жойлашиши. Саноат ишлаб чиқариши энг катта туман ва шаҳар ташкилий потенциалга эга бўлиб, кун жиҳатдан шаҳар жойлари тармоқлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура ривожланиши жадаллиги нисбатларини белгилайди. Саноатни жойлаштиришда ўзаро боғлиқ кенг доирадаги омиллар ҳисобга олинади.

Саноат объектларини хомашё, ёқилғи, энергия манбаларига, истеъмол туманларига яқинлаштириш – лойиҳалашнинг етакчи тамойилларидандир. Санитар-гигиеник талаблар – шамол ва намлик режими, сув оқими ва рельеф ва бошқа омиллар таъсири ҳисобга олиниши лозим. Меҳнат ресурсларининг борлиги ва малакаси ҳам муҳим омиллардан биридир.

Саноат объектларини *саноат комплексларига* тўплаш масаласи жиддий омиллардан биридир. Саноат комплексларини *шакллантиришининг асосий тамойиллари* қуйидагича:

- технологик ўзаро боғлиқлик корхоналарни хом ашёни, йўлдош маҳсулотларни ва иккиламчи энергоресурсларни комплекс қайта ишлаш асосида кооперациялаш;
- саноат корхоналарини ярим фабрикат, қисмлар ва ишланмалар алмашиш асосида кооперациялаш;
- ёрдамчи хўжаликларни (ремонт, омбор) бирлаштириш;
- ягона транспорт хўжалигини ташкил этиш;
- умумий энергетика хўжалигини тузиш;
- саноат корхоналари гуруҳи учун бирлашган бош сув олиш ва тозалаш иншоотлари, туман сув тармоқларининг насос станциялар билан, канализация коллектори системаларини ташкил этиш;
- умумий ёки ўзаро боғлиқ аҳоли жойларни ягона жамоат транспорти ва муҳандислик ободонлаштириш системалари билан ташкил этиш [27,28,30,31].

Ижтимоий-иқтисодий омиллар. Бугунги кунда меҳнат ресурсларининг нисбатан юқори концентрацияси Фарғона водийси вилоятларида, Қашқадарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятларида кузатилади. Сирдарё, Жиззах, Навоий вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида эса, аксинча меҳнат ресурсларининг концентрацияси айтарли етарли эмас.

Амалга оширилаётган саноат ишлаб чиқаришини қайта қуриш сиёсатининг (бизнес, иқлим сифати ва кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик даражаси масалаларини истисно қилганда) самарадорлиги етарли даражадаги инфратузилмавий ва саноат потенциалига эга ва ўзаро транспорт коммуникациялари билан боғланган турли ихтисослашувдаги шаҳар аҳоли пунктларининг ривожланган тизими мавжуд эмаслиги билан чегараланади.

Корхоналар, иссиқлик, канализация ва ичимлик суви қувурлари, электр таминоти, турар-жой фонди ва ижтимоий-маданий соҳа объектларининг мавжудлиги ва сақланишини таъминлаш кичик шаҳарлар учун энг муҳим масала ҳисобланади.

Сув қувурлари ва канализация тармоқларининг хизмат қилиш муддати чекланган. Кичик шаҳарларнинг аксариятида сув қувурлари ва канализация тармоқлари, тозалаш иншоотлари ишга яроқсиз ҳолатга келиб бўлган ва атроф-муҳитни ифлослантириш, аҳолини касаллантириш манбаларига айланиб қолиш ҳафви мавжуд.

Кичик шаҳарларнинг коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари аксарият ҳолларда зарарига ишлайди. Кичик шаҳарларга иситиш мавсумини ўтказиш мақсадида мазут, кўмир, газ сотиб олиш учун маҳаллий бюджетдан дотациялар ажратилади. Ушбу йўналишда амалга оширилган оптималлаштириш тадбирларидан кейин кичик шаҳарларнинг ижтимоий инфратузилмаси қисқарди, лекин аҳолини таълим муассасалари, касалхоналар, тиббиёт хизмати билан таъминланганлик даражаси вилоятлар бўйича ўртача кўрсаткичларга яқинлаштирилган. Барча кичик шаҳарларда маданият ва спорт муассасалари фаолият кўрсатади. Шу билан бирга, молиялаштириш етарли даражада бўлмаганлиги сабабли бу муассасаларни сақлаш, капитал таъмирлаш, ускуналарни янгилаш муаммолари мавжуд эканлигини таъкидлаш лозим.

Жанубий минтақалардаги кичик шаҳарлардаги аҳоли сонининг ўсиши янги умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари қурилишни жадаллаштиришни тақазо этади. Жойларда тиббиёт ходимлари, ўқитувчилар, ижтимоий хизмат ходимлари етишмаслиги сезилмоқда.

Кичик шаҳарлар ривожланишининг бош режалари XX асрнинг 80-йилларида ишлаб чиқилган бўлиб, бугунги кун талабларига жавоб бермайди.

Маҳаллий мутахассисларнинг тадқиқотларига кўра Ўзбекистонда ишга лаёқатли ёшдаги аҳоли сони 2015 йилда 18 млн. кишини ёки аҳоли

умумий сонининг 61% ни ташкил қилди. 2025 йилда эса бу кўрсаткич 21.7 млн. кишига (62.5%) тенг бўлади. Жойлашувнинг бугунги тузилмаси сақланиб қолса, ишчи кучи ўсишининг асосий қисми қишлоқ жойларга, кичик шаҳарлар ва шаҳар посёлкаларига тўғри келади [15,16,17].

Янги иш ўринларини яратишга, уй-жой ва жисмоний тарбия ва спорт объектлари қурилишини жадаллаштиришга, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга қаратилган аниқ ечимлар қабул қилинган. Кичик корхоналар, амалда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш корхоналарининг филиаллари ва цехларини жойлаштиришни, шунингдек хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича янги чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини тақозо қилади. Бунда маъмурий, табиий ресурслар билан бирга янгича иқтисодий сиёсат-эркин зоналар яратилиши ҳисобга олиниши керак.

Жойлашув тузилмасида туганган ўрни бўйича кичик шаҳарларнинг аксарият қисми турли даражадаги жойлашув тизимларининг локал марказлари ҳисобланадилар. Улар орасидан қуйидаги учта турини ажратиш мумкин:

- бош локал марказлар (маъмурий туманлар марказлари базасида);
- ёрдамчи локал марказлар;
- шаҳар типигаги посёлкалар;

Жойлашув тизимидаги ўрни бўйича:

- катта ва йирик шаҳарлар таъсир зонасидаги кичик шаҳар посёлкалари;
- давлатлараро ва миллий аҳамиятга эга транспорт коммуникацион йўлаклари таъсир зонасидаги кичик шаҳарлар;
- асосий ўқлар ва қутблар таъсир зонасидан ташқарида жойлашган кичик шаҳарлар, чегара яқинидаги кичик шаҳарлар [15,16,17].

Охириги йилларда мамлакатда рўй бераётган *ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик жараёнлар* жойлашувининг қарор топган тизими доирасида кичик шаҳарларнинг принципиал янги турлари шаклланишига

сабаб бўлди. Улар қаторига радиоактив зонлардаги кичик шаҳарларни, чегара яқинидаги зоналарда жойлашган ва асосан ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари яшайдиган “ҳарбий шаҳарчалар”ни киритиш мумкин.

Бу гуруҳларнинг ҳар бири алоҳида шароитлари билан ажралиб туради ва реабилитацияси ҳамда келгусида ривожланиши учун ўзига хос тадбирлар ишлаб чиқилишини талаб этади.

Юқорида қайд этилган кўрстагичлар комплекси бўйича шаҳарнинг типологик характеристикаси кичик шаҳарлар шаклланишининг умумий қонуниятларини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилади. Ундан ташқари, ижтимоий-иқтисодий жараёнлар характери ва интенсивлиги ҳамда маҳаллий спецификани ҳисобга олган ҳолда кичик шаҳарларнинг ресурс имкониятларини аниқлаш, келгусида ривожланишдаги муаммолар, имкониятлар ва устувор вазифаларни белгилаш зарур.

Турлари бўйича бир хил бўлмаган кичик шаҳарларда юзага келган вазиятнинг *таҳлили ва баҳоланиши* натижалари асосида, ва ушбу масала бўйича берилган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, кичик шаҳарлар барқарор ривожланишининг асосий мақсадлари аниқланган, уларни амалга оширишнинг дастлабки шартлари белгиланган [15,16,17].

Кичик шаҳарларни барқарор ривожлантиришни амалга оширишга кўмак берувчи асосий шарт-шароитлар, бу:

- кичик шаҳарларнинг жамиятимиз ҳаётида тутган ўта муҳим ўрни ҳамда тарихий анъаналаримиз ва ўзликимизни манбаси ва сақловчиси ҳисобланган кичик шаҳарларга бўлган кучли қизиқиш;
- кичик шаҳарларнинг кўпчилигида соғлом яшаш муҳити сақланиб қолган. Кичик шаҳарларнинг тахминан 80% нисбатан яхши экологик вазиятга эга, бу аҳоли нормал ҳаёт кечиришини таъминлайди, шунингдек *табiiий комплекс сақланиб қолиши ва барқарор бўлишига ёрдам беради;*
- ер майдонларининг нисбатан паст нархлари, арзон ишчи кучи кичик шаҳарларга сармоя киритишни рағбарлантиради;

- кичик шаҳарларнинг кўпчилиги ноёб табиий шароитлари билан ажралиб туради: улар яқиндаги ва уларнинг ҳудудида жойлашган дарёлар, кўллар, дарахтзор ва ўрмонлар, манзарали рельеф ва ландшафтлар улар базасида минтақавий ва миллий аҳамиятга эга рекреация марказларини ташкил қилиш учун дастлабки шартлар бўлиб хизмат қилади [25].

Аҳолисининг сони 50 минг кишидан кам бўлган шаҳар кичик шаҳар ҳисобланади. Республикада жами 88 та кичик шаҳар бўлиб, улар жами шаҳарларнинг $\frac{3}{4}$ қисмини ташкил қилади. Кичик шаҳарларда тахминан 2 млн. киши истиқомат қилади.

Аҳолисининг сони 30 мингдан 50 мингтагача бўлган шаҳарларнинг кўпчилиги саноат маркази мақомига эга. Аҳолининг асосий қисми шаҳар ташкил қилувчи корхоналарда ишлайди. Лекин, ушбу кичик шаҳарлар жойлашган ҳудудлардаги экологик муаммолар ҳам айнан саноат корхоналарининг фаолияти билан боғлиқ.

Аҳолисининг сони 10 мингдан 30 мингтагача бўлган шаҳарлар қишлоқларга хизмат кўрсатади. Уларда асосан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналари жойлашган [23,25,26,31].

Кичик шаҳарлар, одатда, монотузилмавий бўлиб, уларда битта шаҳар шакллантирувчи корхона фаолият кўрсатади.

Кичик шаҳарлардаги ҳаво ва сув ифлосланиши бутун мамлакатдагига қараганда барқарорроқ.

Ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига нисбатан кичик шаҳарлардаги экологик самарадорлик камроқ ҳисобланади. Катта шаҳарларда саноат зоналари ташкил этилган бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари айнан шу зоналарга жойлаштирилади. Бу ҳолат экологик нуқтаи назарида ўзини оқлайди. Кичик шаҳарларда кичик заводлар фаолият кўрсатади, уларнинг ўз қозонхоналари ва энергетик станциялари бор. Бу эса табиий атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатади.

Кичик шаҳарларнинг учдан бир қисмидан яримисигача шаҳар агломерациялари чегарасида жойлашган бўлиб, катта шаҳардаги номақбул экологик вазият кичик шаҳарларга ҳам салбий таъсир кўрсатади.

Юзаки мантиққа зид бўлсада, лекин кичик шаҳарларда транспорт воситаларидан чиқадиган газлардан ифлосланиш даражаси каттароқ. Сабаби, кичик шаҳарлардаги транспорт воситалари эскироқ ва сифати паст, шунинг учун улар ҳавога чиқарадиган чиқинди газларининг миқдори кўпроқ бўлади. Ундан ташқари, юк ташувчи транспорт улуши нисбатан кўпроқ, йўллар эса рельеф шакли бўйича қурилган (тепага кўтарилиш ва пастга тушишларда чиқинди газлар кўпроқ чиқарилади).

Кичик шаҳарларда уй-жой-коммунал хўжалик хизматларининг роли катта. Кўмирда ишлайдиган эски қозонларни ва тозалаш иншоотларини реконструкция қилишнинг деярли имкони йўқ.

Кичик шаҳарлардаги энг долзарб муаммолардан бири – ахлатхоналар. Маҳсус жиҳозланган, бошқа ҳудудлардан ажратилган чиқинди полигонлари деярли йўқ. Аксарият ҳолларда чиқиндилар уюми энг яқин жарликларда ҳосил бўлади. Агар ахлатхона ҳаддан ташқари катта бўлиб кетса, ёндирилади, натижада, атмосфера ҳавоси ҳам заҳарли газлар билан ифлосланади.

Кичик шаҳарлар, одатда, табиий ландшафт билан уйғунлашиб кетади. Бу ҳолат бир томондан рекреация салоҳиятини оширса, иккинчи томондан – корхоналар чиқараётган зарарли моддалар тарқалишида муаммолар туғдиради.

Асосий муаммо – бюджетдаги дефицит ва экологик тадбирлар учун маблағларнинг етишмаслиги. Бир нечта кичик шаҳарлар учун умумий тозалаш иншоотларини қуриш, умумий чиқиндихоналар ташкил этиш масала ечими сифатида кўриб чиқилиши лозим.

Ургут шаҳри Ургутсой водийсининг юқори қисмига жойлашган бўлиб, Самарқанд вилоятининг бир хил номли туманнинг туман маркази ҳисобланади. Ургут шаҳри чегараларига бир қатор поселкалар туташган

ҳолда жойлашган бўлиб, улар бош режа ечими бўйича шаҳарга қўшилиб кетади.

Ургут шаҳри туман маркази сифатида суғориладиган деҳқончилик зонасида жойлашган бўлиб, зироатнинг ўсиш даврида тез-тез суғорилади. Ушбу омил таҳлил қилинаётган ҳудуднинг ҳамма жойи учун геологик-муҳандислик шартларини шакллантиради.

Ургут шаҳри жойлашган туманнинг иқлимий шароитлари кескин-континентал иқлим сифатида тавсифланади, яъни бу ерларнинг ёзи қуруқ, иссиқ, қиши эса совуқ бўлади. Шаҳар жойлашган ҳудуднинг асосий табиий хусусиятларнинг ўзига хослигига қуйидагилар: ёғингарчиликнинг кам сонлиги, ёзнинг жазирама иссиқ ва қуруқлиги, қишнинг совуқлиги ва камқорлиги ҳамда ҳароратнинг фасллар бўйича катта ўзгариши кабилар киради.

Йилнинг энг совуқ ойларига декабр-январ кирса, энг иссиқ ойларига июль-август киради. Ёзнинг юқори ҳарорати $+42, 4^{\circ}$ C иссиқ бўлса, қишнинг энг паст ҳарорати $-25, 4^{\circ}$ C совуқгача бўлади. Йил ҳароратининг фарқи 67° C гача боради. Йиллик ёғингарчилик миқдори 380 мм гача етади. Қиш пайтда қор ҳамма вақт ҳам ерни қоплаб турмайди, айрим вақтларда қиш ойлари қор кам ёғади. Қиш ойлари тупроқнинг музлаши 33 см чуқурликгача етиб боради. Ҳавонинг намлигининг нисбатан ўртача минимал кўрсаткичи энг совуқ ойлари 58% гача, энг иссиқ ойлари эса 24 % гача бўлади. Жойнинг шамоли шарқ ва жанубий-шарқ йўналиши бўйича эсиш устунлигига эга. Энг кучли шамол эсиши қиш пайтига тўғри келади.

Шаҳар жойлашган ҳудудда табиий юзаки сув оқими бўлиб Ургутсой ўзанининг битта ўзи ҳисобланади. Ургутсойнинг сув манбаи сифатида қор-ёмғир аралаш ҳолда таъминланади. Ургутсой булоқларининг энг кўп сув сарфланиши ёз вақтига тўғри келиб, 790 л/сек кўрсаткичгача етади. Ургутсой сув оқимининг кўп қисми шаҳарнинг жанубий чегарасида жойлашган Юқори Чинорлардаги булоқлардан олади. Ургутсой дарёсининг ўзани бўйлаб сув йиғиладиган ҳавза майдонининг катталиги

билан боғлиқ бўлган сел тошқинлари бўлади. Ургутсойда сел келиши дарё ўзанининг юқори қисмларида жала ёмғирларининг ёғиши туфайли юзага келади [9,10,11].

Ёз ва қиш пайтлари Ургутсойдаги сув оқими унча катта бўлмаган хажмда сарф бўлади. Ургутсой сувларининг ҳаммаси хўжалик эҳтиёжлари учун ишлатилади. Ургутсой қирғоқлари режалаштирилган, шаҳар ташқарисида эса бетон билан қопланган.

Шаҳар ҳудудининг шимолий чегараларидан сунъий канал ўтган бўлиб, Зарафшон дарёсидан сув олади. Ушбу канал суғориш учун хизмат қилади. Каналнинг четлари узунлиги бўйича бетон билан қопланган ва Ургутсой билан кесишган жойида сув ўтказгич қилинган. Ҳудудларни суғориш учун кичик ариқлардан иборат кенг тармоқли тизимга эга.

Ҳудуднинг геоморфологик қурилиши. Таҳлил этилаётган ҳудуднинг геоморфологик тузилиши Зарафшон турғунлигининг марказий қисми бўлган Самарқанд ҳавзасига киради. Ҳудуднинг замонавий рельефи турли хил рельефлар бирикмасидан иборат бўлиб, асосий турини водийнинг қирқимлари билан мураккаблашган тўпланмадан иборат.

Ургут шаҳрининг ҳудуди Чоқил-Қолан чўққисининг шимолий ён бағридаги тоғ олди текислигида жойлашган бўлиб, Ундан Ургутсой водийси мураккаблашган конус бўлиб чиқиб турибди. Ҳудуднинг жанубий қисми йирик бўлакли материални юклаш зонаси бўлса, шимол қисми майда бўлакли материаллардан иборат. Ҳудуднинг шимолий қисми кўп сонли эрозия қирқимларини ҳосил қилган вақтинчалик оқимлар туфайли мураккаблашган. Табиий рельеф суғориш ишлари ва қишлоқ хўжалик экинларини экиш бўйича антропоген ишланмаларни қайта ишлаш ҳоллари учрайди.

Ҳозирги пайтда ҳудуд шимолга ва шимолий-ғарбга қараб умумий қияликга эга. Ҳудуднинг жанубий-шарқий қисмининг белгиси 1041 м бўлса, шимолда 892 м га тенгдир. Шундай қилиб, шаҳарнинг рельефи

кескин тик бўлиб, ҳудуднинг жанубий ва шимолий чегараларининг нисбатан баландлиги 150 м дан ошади [9,10,11], (7-планшет).

Ҳудуднинг гидрогеологик шароити. Ургут тумани ҳудуди чегараланган сув таъминоти зонасига кириб, бу ернинг сув ичиш хусусиятлари гидрогеологик шароитига боғлиқ. Шаҳар ҳудуди Самарқанд хавзасининг артензан бассейнига кирган бўлиб, у Зарафшон бирикмасининг шарқий қисмини ташкил этади.

Ер ости сувларидан ичиш юзаки сувларнинг филтрланиши, тоғ иншоотлари томонидан ер ости оқими, ёғингарчиликнинг сизиб сингиши ҳисобидан келиб чиқади. Ер ости сувлари тоғдан хавзанинг марказига қараб ҳаракатланиб, кейинчалик ғарб томонига қараб оқади. Ургутсой сувининг ирмоқлари водийдан чиқиш пайти катта чуқурликга кириб кетади.

Ургут шаҳрининг сув таъминоти скважинлар орқали амалга оширилади ва улар чучук сувлидир. Скважинлар чуқурлиги 62-75 м ташкил этади [9,10,11].

Ҳудуднинг геодинамик жараёнлари. Ургут шаҳри ҳудудларида куйидаги геодинамик жараёнлар рўй беради:

- соз тупроқли жинсларнинг емирилиши;
- сел келиш хавфи;
- терассали қияликларнинг эррозияси ва чизикли эррозия;
- туманнинг зилзила жиҳатдан юқори хавфлилиги ва шаҳарнинг катта қисмидан микро-сейсмиканинг ёмонлиги.

Шаҳар ҳудудининг катта қисми соз қумоқ тупроқли ва қумлоқ тупроқли ерлардан иборат. Ҳудуднинг шимолий қисмида уларнинг қуввати 2,0 см бўлса, ҳудуднинг қолган қисмида 10,0 м ва ундан ҳам юқори кўрсаткичга эга. Бу ўз навбатида ушбу ҳудудда I-III синфдаги бино ва иншоотларни барпо қилишдаги асосларини муҳандислик тайёрлаш ишларни сезиларли даражада мураккаблаштиради.

Ургутсойда сел оқимини бўлиши муносабати билан селга қарши ҳимоя тадбирлар комплексини амалга ошириш заруратини келтириб чиқаради. Буларга:

- Ургутсой ўзанини чуқурлаштириш;
- селдан ҳимоя қилиш кўтармаларни барпо қилиш;
- ҳимоя тўғонларини қуриш ишлари киради.

Ургут шаҳри 7 баллик сейсмик зонада жойлашган бўлиб, у 200 йилда 1 марта қайтирилади ҳамда 8 баллик сейсмик ҳолат 1000 йилда 1 марта такрорланади [9,10,11].

Замин асосларининг тавсифи. Шаҳар ҳудуди тупроқларининг сейсмик хусусиятлари бўйича ҳар хил кўрсаткичларини ташкил этади. Буларга:

- тошлар билан ёпилган яқин зонасида ётган (А-4) II категория бўлиб, бу ерда тупроқ қуввати 8 м юқори бўлади;
- тошлар билан ёпилган зонанинг ётиши 2,0 м дан 10,0 м гача (Б-4) бўлган ҳолда тупроқ категорияси ҳар хил бўлиб, фундамент тагидаги соз тупроқларнинг ёпиш қувватига боғлиқ. Агар бу тупроқлар қуввати 5,0 м дан юқори бўлса, учинчи категория киради, агар бу тупроқлар қуввати 5,0 м дан кам бўлса иккинчи категорияга киради.

Ургут шаҳри ҳудудидаги ер жинсларини ўз таркибига кўра икки синфга ажратиш мумкин:

II синф:

- табиат майда бўлақларга бўлинган ёпишқоқ, тупроқсимон, соз тупроқли қумоқ ва қумлоқ сифатида кўринган ер жинслари;
- майдалашган ёпишқоқ бўлмаган йирик бўлақли материал асоси кўринган жинслар (оҳақтошлар, сланецлар, мрамар, қумлар, вулқон жинслари).

IV синф:

- техноген жинслар бўлиб, улар ҳудудни қурилиши учун режалаштириш асосида ва қишлоқ хўжалик мулкани қурилишга мўлжалланиши

асосида уюлган ҳолда учрайди. Улар асосан ғовак соз қумлоқ тупроқлар ва қурилиш чиқиндиларидан иборат бўлади [9,10,11].

Геологик-муҳандислик районлаштириш. Шаҳар ҳудудидаги геологик-муҳандислик ишлари минтақавий белгилари бўйича битта районга тегишли бўлиб, Ургутсой дарёсининг конуси чиқиши, шарқ ва ғарб томонидан чегараланган тоғ олди зонасининг террасали текисликдан иборат.

Шаҳар ҳудудида капитал иншоотларнинг қурилиши учун фойдаланадиган жойлар 4 та геологик-муҳандислик районга ажратилган. Бу районлардан “А”, “Б” ва “В” шаҳарнинг катта қисмини эгаллаган бўлиб, қурилиш учун яроқли ҳисобланади. “Г” райони эса капитал қурилишга яроқсиз ҳисобланади. Шулардан:

“А-4” райони – ҳамма тупроқларга 4 индекси берилиб, ер ости сувлари 10,0 м дан чуқурроқ ўтади ва тупроқнинг чўкиш қалинлиги 2,0 м гача боради. Ушбу ҳудудда зилзилага ва чиришга қарши тадбирлар ўтказилади;

“Б-4” райони – тупроқларнинг чўкиш қалинлиги 10,0 м гача бўлиб, II турдаги чўкишга тадбир тавсия этилади;

“В-4” райони – тупроқнинг чўкиш қалинлиги 10,0 м дан зиёд бўлиб, бу жойларда қурилиш ишлари асослар бўйича мураккаб муҳандислик тайёрлов ишлари ва II турдаги чўкувчи тупроқ хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда олиб борилади;

“Г-4” райони – бу районда фаол геодинамик жараёнлар ҳаракатлари рўй беради. Бу районга Ургутсой дарёсининг ўзани, қабристон ҳудудлари ва шаҳар ҳудудининг жанубий чегараси бўйлаб ўтган суғориш каналига ажратилган зона киради. Бу зоналар капитал қурилиш зонасидан чиқарилиб, кўкаламзор учун фойдаланиш тавсия этилади [9,10,11].

2.2. Ургут шаҳри бўйича ишлаб чиқилган бош режаларнинг

таҳлили

Ургут тумани 1926 йил 29 сентябрда ташкил топган. Ургут тумани шимолдан Самарқанд райони (кейинчалик Тайлоқ тумани); шимолий-шарқда Булунғур тумани билан; шарқда Тожикистон Республикаси билан; жанубда, жанубий-ғарбда Қашқадарё вилояти билан чегараланган.

Ургут шаҳри туман маркази бўлиб, Самарқанд вилоятининг тарихий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Ургут шаҳри Зарафшон тизма тоғларининг шимолий ён бағрларида, Самарқанд вилоятининг жанубий-шарқий қисмида ва Самарқанд шаҳридан тахминан 44 км узоқликда жойлашган (8-планшет).

Ургут шаҳрининг автомобил йўллари тармоқлари туманнинг ва вилоятнинг шаҳарлари ва бошқа аҳоли пунктлари билан боғланган. Буларга Ургут-Почвон, Ургут-Тайлоқ, Ургут-Қинғир, Ургут-Ғус кабилар киради. Бундан ташқари, Катта Узбек Тракти ва Зарафшон трактлари билан автомобил алоқалари мавжуд. Ургут шаҳрининг ўзи Ургутсой ўзанининг этак қисмида жойлашган.

Статистика ташкилотларининг ҳисоб-китобига кўра Ургут шаҳрининг аҳолиси 1.01.2011 йили 60,2 минг кишини, шаҳарнинг худуди эса 1981,5 га ташкил этган.

Ургут шаҳри худуди ҳозирги пайтда ғарбда ва шимоли-ғарбда “Мирзақишлоқ” қишлоқ фуқаролар йиғини “Акробод” агрофирмаси ерлари билан, шарқда ва жануби-шарқда “Испанза” қишлоқ фуқаролар йиғини “Чаг-Тор-Навруз” агрофирмаси ерлари билан чегарадош. Пахмоб ва Тошариқ қишлоқ аҳоли пунктлари шаҳарнинг шарқий чегаралари билан зич ҳолда чегараланган. Шаҳарнинг шаклланган чегаралари Чағизмон, Боғишамол, Навбоғ, Андак маҳаллаларининг кўшиб олиниши ҳисобидан кенгайиб, аҳолиси ушбу маҳаллаларнинг аҳолиси ҳисобидан кўпайди. Шаҳарнинг умумий узунлиги жанубдан шимолгача 7,2 км ни, шарқдан ғарбгача 4,7 км ни ташкил этади. Шаҳарнинг ривожланиши асосан кенглик йўналиши бўйича давом этмоқда.

Ургут шаҳрининг биринчи бош режаси 1988 йили ишлаб чиқилган бўлиб, 1990 йилдан амалга оширила бошланган. Кейинги бош режалар 2003 йили ишлаб чиқилиб, 2005 йилдан амалга оширила бошланган ва 2011 йили ишлаб чиқилиб, 2012 йилдан амалга оширила бошлаган. 2015 йили охири (2011 й.) шаҳар бош режаси янги талабларга кўра корректура қилинган.

Ургут шаҳрининг биринчи бош режаси бўйича шаҳарнинг иморатларини режа асосида қуриш 1990 йилдан бошланиб, шаҳарнинг бош режаси 1988 йили тасдиқланган эди. Ушбу бош режанинг ҳисобий муддати 2005 йил қилиб белгиланган эди (8-планшет).

Юқорида қайд этилган Ургут шаҳрининг тасдиқланган бош режасининг (1988 й.) ҳисобий муддатининг (2005 й.) тугаши ва ижтимоий-иқтисодий шароитларнинг ўзгарганлигини ҳисобга олиб шаҳарнинг янги бош режаси ишлаб чиқилган (“Узшаҳарсозлик”, муаллифлар жамоаси: В.Магдиев, Н.Комаров ва бошқалар, 2005 й.). Бош режа бўйича шаҳар туманнинг маъмурий-хўжалик ва маданий маркази, қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш бўйича марказ сифатида ўз мавқеини сақлаб қолади (9-планшет).

Бош режада Ургут шаҳрининг ҳудудий ривожланиши ғарб ва шимоли-ғарб томонга таклиф этилган. Бош режа бўйича биринчи навбатдаги босқичда (2010 й.) шаҳарнинг ҳисобий аҳоли сони – 65,0 минг кишини ва ҳисобий даврда (2020 й.) эса – 75,0 минг кишини ташкил этиш назарда тутилган.

Функционал – шаҳарсозлик жиҳатдан шаҳар ҳудуди 2 та sanoat зонаси ва 7 та турар жой туманига бўлиш таклиф қилинган. Ҳар бир турар жой тумани ўзининг хизмат кўрсатиш марказига, умумий фойдаланиш кўкаламзорларига, спорт ва дам олиш объектларига эга бўлади. Шаҳарнинг шимолий sanoat зонаси-бу мавжуд бўлиб, унда ривожланаётган енгил sanoat, кичик ва ўрта бизнес ўзини намоён этади. Шаҳарнинг шимолий-ғарбий sanoat зонаси – янги зона бўлиб, ушбу зона аҳоли яшаш

худудларидан ташқарида жойлашган. Унда янги саноат объектларини жойлаштириш учун захира майдонлари ҳисобга олинган.

Бош режанинг муаллифлари шаҳарнинг турар жой туманларининг иморатларини бир-икки қават қилиб аралашма ҳолда қуриш билан, яъни шаҳар ва қишлоқ иморатлари алмашган ҳолда қурилади. Ургутсой канали қирғоқларини кўкаламзорлаштиришга алоҳида аҳамият берилиб, шаҳар композицион ўқи шакллантирилган. Шаҳар кўкаламзорининг бош элементи сифатида шаҳар парки ҳисобланиб, ушбу парк шаҳарнинг шимолий-ғарбий турар жой тумани таркибидаги янги шаҳар марказида жойлашган. Шаҳарнинг спорт маркази мавжуд стадион асосида ривожлантирилган. Спорт маркази худудининг майдони 7,4 га ўлчамдан 41,5 га ўлчамгача кенгайтирилган. Шаҳарнинг транспорт тизими шаклланган магистрал кўчалар тармоғи таркибий тузилмасини ҳисобга олган ҳолда қурилган. Навоий, Амир Темур, Қоратепа, Рахимов номли шаҳар кўчалари бош таркибий тузилмани ташкил этувчи бўлиб, уларнинг кейинги ривожланиши қўшимча янги кўчалар билан тўлдиришига эришилган. Навоий ва Рахимов номли кўчалар шаҳарнинг бош магистраллари статусини олиб, ушбу кўчалар бўйлаб умумшаҳар маркази объектлари ривожлантирилган. Шаҳарнинг бош режаси лойиҳаси бўйича ҳисобий муддатга шаҳарнинг лойиҳавий чегарасидан ташқарисида, шимол тарафдан айланма магистрал йўл қурилиши таклиф этилган (10-планшет).

Қадимги Ургут шаҳри жуда тез ривожланмоқда. Шаҳарнинг марказий магистраллари бўйлаб марказни ташкил қилувчи асосий маъмурий бинолар, маҳалла марказлари, бозор, библиотека, касалхоналар ва кўп тармоқли даволаш масканлари, масжидлар, ҳаммомлар ва савдо, маданий-маиший хизмат кўрсатишнинг бошқа объектлар қурилган бўлиб, улар шаҳар марказини шакллантирилган. Қуриш маҳаллий материаллардан бўлган табиий оқ тош, ғишт ва бошқа материаллар асосида олиб борилмоқда. Ёғоч ўймакорлиги, ганч ва халқ-амалий санъатининг бошқа

хиллари жамоат биноларида ҳам, турар жой қурилишида ҳам кенг тарқалишини вужудга келтирган.

2.3. Ургут шаҳрини комплекс ривожлантириш омиллари ва бош режа корректурасининг концептуал ечими

Янги иш жойларининг яратиш заруратидан келиб чиққан ҳолда кичик ва хусусий бизнеснинг кўп сонли янги корхоналарини жойлаштириш шаҳар учун ер танлаш масаласини кўндаланг қўйди. Бу ишлаб чиқаришлар учун жойларни ажратиш коммуникация, транспорт инфраструктураси ва кишлоқ хўжалик ерлари бонитети каби кўрсаткичлар орқали амалга оширилади.

Тасдиқланган бош режа (2011 й.) бўйича режалаштирилган саноат ҳудудлари бу талабларга жавоб бермайди. Бундан ташқари, 80 тадан ортиқ янги корхоналарни жойлаштириш учун саноат ҳудудларида бўш ерлар захиралари мавжуд эмас. Худди шу сабабга кўра, янги саноат ҳудудларини жойлаштириш мақсадида, шаҳарнинг ғарбий йўналишидаги шаҳар чегарасидаги саноат зонаси ва саноат аҳамиятига эга, унча катта бўлмаган участкадан 60 га янги ҳудуд учун ер ажратиш зарурати туғилди. Бу жой бош режа бўйича кўзда тутилган Қоратепа кўчасининг давоми сифатида шаклланган (11-планшет).

Саноат объектларининг сонини, ишлаб чиқаришнинг тури ва унинг баҳоси эквиваленти, зарур ишчи ўринларни сони, керакли инфраструктура ва муҳандислик коммуникацияларнинг мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда аввалги ишлаб чиқилган бош режада қайта режалаш ва ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилди. Бош режага қуйидаги ўзгартиришлар киритиш, яъни “шимолий” саноат зонасини кенгайтирган ҳолда ғарбга силжитиш мўлжалланилган ҳудудда саноат зонасини ташкиллаштириш заруратини келтириб чиқаради.

Ургут шаҳри бўйича шаҳар ташкиллаштирувчи ва аҳоли сони ҳисоблашнинг жамланган жадвали

1-жадвал

№	Номланиши	Ишловчилар сони, минг киши		
		2005	2010	2020
1	2	3	4	5
1	Саноат	1,93	2,1	3,57
2	Автомобил транспорт	0,47	0,6	0,7
3	Маъмурий-хўжалик ходимлари	2,07	2,1	2,2
4	Соғлиқни сақлаш муассасалари	1,85	2,13	3,32
5	Тайёрлов-таъминот ташкилотлари	0,22	0,08	0,09
6	Қурилиш ташкилотлари	0,42	0,9	1,7
7	Ўқув юртлари	0,2	0,4	0,53
8	Дам олиш муассасалари	0,24	0,25	0,3
9	Қишлоқ хўжалиги	4,0	4,0	2,5
10	Бошқалар	0,21	0,3	0,4
	Жами	11,61	12,86	15,31
	Заҳира	-	-	0,69
	Шаҳарга яшаб, бошқа жойда ишлаётганлар	-	0,15	0,5
	Бошқа жойда яшаб, шаҳарда ишлаётганлар	1,67	-	-
	Ҳаммаси	9,94	13,01	16,5
	Шаҳар ташкиллаштирувчи кадрлар солиштириш оғирлиги %	19,1	20,0	2,0
	Аҳоли ҳисоби	51,9/8,2	65,0	75,0

Шаҳарнинг ҳар иккала саноат зонасининг худуди чекка йўл билан ажратилган. Ургут шаҳри ва унга туташган ерларни биргаликда ҳаммасини бир бутун саноат зонаси деб ҳам қараш мумкин. Бу зона шамол юкига нисбатан етарли даражада қулай жойлашган бўлиб, ғарбдан шаҳарга кириш томонда шаклланган. Ушбу йўналиш Ургут шаҳридан бозорни олиб чиқиш муносабати билан ҳозирги пайтдаги энг кўп фойдаланиладиган

жойлардан бири ҳисобланиб, йўловчилар оқимининг энг катта кўрсаткичига эга.

Саноат зонаси ҳудудининг кейинги ўсиши ғарбий йўналиш юкламасини янада кўпайтиради. Бундай ҳол нафақат йўловчилар оқимининг, балки юк ташиш оқимининг кўпайиши натижасида юз беради. Шундай қилиб, янги магистралларни тезлаштириб қуриш ва мавжудларини қайта қуриш масаласи кўндаланг туради.

Қоратепа кўчаси бўйлаб тузатиш-қайта тиклаш тадбирлари ва четки магистрал тармоғи шаҳарнинг яшаш ҳудудларини ва марказини ортиқ даражада оғирлик туширмай яхши транспорт хизмати билан таъминланиши мумкин.

Шаҳарни ташкиллаштирувчи асосий омиллардан ҳисобланган саноатдан ташқари, шаҳар ташкиллаштирувчи туман аҳамиятига эга бўлган корхоналар ҳам киради. Буларга маъмурий-хўжалик, жамоат, автотранспорт, қурилиш, тайёрлов ташкилотлари, ҳамда ўқув юртлари ва тиббиёт муассасалари киради.

Бош режадаги кутилаётган ўзгаришлар туман маъмуриятига, ўқув юртларига, автотранспорт ва таъминот тизимига таъсир кўрсатмайди. Ўзгариш фақат тиббиёт муассасаларига таалуқли бўлиб, 50 ишчи ўрнига эга бўлган хусусий даволаш маскани (клиника) қурилиши билан боғлиқ.

Ургут тумани ва шаҳарининг турли хил фаолиятига раҳбарликни амалга ошираётган ташкилотлар шаҳарнинг ичида жойлашган. Бош режадаги ўзгаришлар маъмурий объектларга таъсир кўрсатмайди ва шаҳар марказининг батафсил режасида ҳамма ўзгаришлар ва қўшимчалар ҳисобга олинган (11-планшет).

Шаҳар ва район аҳамиятига эга бўлган юкларни ва йўловчиларни ташиш автотранспорт орқали амалга оширилади. 2005 йилда автотранспортда 472 киши ишланган. Кейинги йилларда саноат, қурилиш, тайёрлов-таъминот ташкилотларининг ривожланиши ҳамда аҳоли сони ва унинг ҳаракатчанлигининг ўсиши билан бирга юкларни ва йўловчиларни

ташиш кўпаймоқда. Шу кўрсаткичларга мос равишда автотранспортда ишлаётганларнинг сони кўпайиб, 2010 йилда-588 кишини ташкил этган. 2020 йилда эса 708 кишини ташкил этиш мўлжалланилмоқда. Меъёрий талабларга мувофиқ автотранспортда ишлаётганлар сони 1700 киши атрофида бўлиши керак эди. Аммо бир қатор сабабларга кўра ишлаётганларнинг сонини маълум даражада қисқартирилган. Қуйида келтирилган талаблар:

- бозор ва автостанцияни шаҳар чегараси ташқарисига, шаҳардан унча узоқ бўлмаган ҳудудга чиқарилганлиги;
- шаҳар чегарасига туташ саноат зонасининг мавжудлиги ва энг кўп бўш ҳудудларнинг борлиги;
- юк ташувчи автокорхоналар атрофидаги 100 м зонасида бошқа қурилмалар жойлаштириш ҳуқуқидан маҳрум этилганлигига мувофиқ бўлган экологик талаблар;
- шаҳар гидрографияси, яъни Ургутсой дарёси ҳамда кўп микдордаги кичик суғориш каналларининг сув муҳофазаси ҳудудларида автокорхоналарни жойлаштириш ман этилганлиги сабабли;
- тоғ олди террасали зонага эга бўлган мураккаб рельеф мавжудлиги масаланинг шундай ечилишига асос бўлиб хизмат қилади.

Ургут шаҳрида бир неча тайёрлов-таъминот ташкилотлари мавжуд бўлиб, уларнинг энг йирикларига: “Агрокимё-таъминот” туман АООТ, “Ургут пилла” АООТ, “Ургут мевасабзавот” корхоналари киради.

Омборхоналар ва базаларни жойлаштириш учун янги ҳудудлар “янги” саноат зонасида ҳудуд ва заҳира сифатида назарда тутилган. Бу ҳудудларнинг кўпчилик қисмида тадбиркорлар саноатни ривожлантириш билан бирга омборхоналарни ўз ҳудудларида жойлаштирамоқдалар.

Ургут шаҳрида соғлиқни сақлаш муассасаларининг шаҳар ва туман аҳамиятига эга бўлганлари жойлашган. Шаҳардаги шифохоналаридаги жойлар 870 та ўринга эга, поликлиника муассасалари 1350 пос/см эга

бўлиб, бу кўрсатгич ёндош аҳолига хизмат кўрсатишни ҳам ҳисобга олгандаги миқдорни ташкил этади.

Ургут шаҳри бўйича “Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш прогноз кўрсаткичлари” га киритилган аниқ имкониятлари ҳисобга олганда 2010 йилгача бўлган биринчи навбатда 150 ўринга эга бўлган реабилитация маркази ва 50 пос/см кўрсаткичга эга кожвендиспансер ҳамда 350 пос/см кўрсаткичга эга бўлган поликлиника назарда тутилган.

2020 йилда Ургут шаҳрида касалхона ўринларининг сони 1890 та ўринга эга бўлса, шундан янги қурилиш бўйича 1020 та ўринни ташкил этади. Бу жойлар болалар ва травмапункт ҳисобидан қўшилганда ҳосил бўлади.

Ургут шаҳрида 250 ўқувчига эга “Иқбол” лицейи, 505 ўқувчи ўрнига эга Ургут қурилиш-миллий ҳунармандчилик коллежи ва 444 ўқувчига эга иқтисодиёт коллежи мавжуд. Умумий ўқувчилар сони 1199 кишини, ўқитувчилар сони 196 кишини ташкил этади. Мавжуд “Иқбол” лицейининг ўқувчилар сони 300 тага етказилиб, бошқа жойга кўчирилиши назарда тутилмоқда. 600 ўқувчи ўрнига ва 200 ётоқхона ўрнига эга педагогика коллежи қурилиши тугалланмоқда, ҳамда 600 ўқувчи ўрнига ва 200 ётоқхона ўрнига эга тиббиёт коллежи қурилиши белгиланган. 2020 йилга 400 ўринга эга бўлган саноат коллежи ва 400 ўринга маиший хизмат кўрсатиш коллежи қурилиши назарда тутилган.

Шаҳарда ва тумандаги фуқаро-саноат, маданий-маиший соҳадаги қурилиш ҳамда тузатиш-таъмирлаш ишларини ҳар хил идораларга бўйсунувчи 9 та қурилиш корхонаси орқали амалга оширилади. Бу ташкилотлардаги ишчилар сони 2010 йилда 885 кишини ташкил этса, 2020 йилда эса 1700 кишини ташкил этади. Бу корхоналар эгаллаган ҳудудлар 2010 йилда 12,86 га ни ташкил этган бўлса, 2020 йилда эса 15,36 га кўрсаткичга эришади.

Ургут шаҳрининг Юқори Чинор маҳалласида 3 та болалар соғломлаштириш лагерлари мавжуд. Буларга 760 ўринли “Қайнот”, 2150

ўринга эга “Олтинча” ва 640 ўринга эга Б.Набиев номли лагерлар киради. Бундан ташқари 250 ўринли ўрмон-санатория мактаби мавжуд.

Шаҳар ҳудудида “Акрамбод” ва “Наврўз” номли 2 та ширкат хўжалиги жойлашган. Бу ширкат хўжаликлари дон, табак ва мевалар етиштириб беради. Бу хўжаликларда ишлаётганлар сони ҳозирги пайтда 4,0 минг кишини ташкил этса, биринчи навбатда қишлоқ поселкаларининг шаҳар чегарасига қўшилиши билан боғлиқ бўлган ҳолда шаҳардаги ишловчилар сони сақланиб қолиниб, ҳисобий муддатга 2,5 минг кишигача қисқаради.

Ургут шаҳрида шаҳар ташкиллаштирувчиларга туман ветеринария лабораторияси, профдезинфекция корхонаси, ўсимликларни химоялаш станцияси ва пуллик ветеринария хизмати киради. Бу корхона муассасаларда 206 киши ишлаган, 2010 йилда 296 кишига етган ва 2020 йилда эса 402 кишига етказиш мўлжалланилган.

Ургут шаҳрининг аҳолиси ҳисобий муддат охирида 75 минг кишини ташкил этиши белгиланган. Шаҳарнинг ҳудуди асосан кенглик йўналиши бўйича ривожланмоқда. Бу йўналишларнинг асосийларига ғарб, шимоли-шарқ ва шимоли-ғарб томонлари киради (11- планшет).

Шаҳарнинг иккинчи даражали ривожланиш йўналишларига шимолий, жанубий ва шарқий томонлар кириб, бу томонларга ривожланиш жуда оз миқдорда юз бермоқда. Бу ривожланишлар шаҳар чегараси ичидаги ҳудудлар ҳисобига рўй бермоқда, чунки бу ҳудудларда қишлоқ хўжалиги бўйича фойдаланишини ҳисобга олиб, фақат шаҳарни режавий ташкиллаштиришда ҳудудларни бараварлаштириш ва транспорт тармоғини тўғирлаш учун ишлатилади (11- планшет).

Шаҳарнинг аввалги бош режаси бўйича (2011й.) саноат зонаси шаҳарнинг шимолида режалаштирилган эди, шаҳарга киравериш жойида эди. Шаҳарнинг ғарбий ва шимолий-шарқий томонлари уй-жой қурилишига мўлжалланилган эди. Аммо кичик ва хусусий бизнеснинг кўп сонли янги корхоналарини жойлаштириш билан боғлиқ бўлган керакли коммуникациялар, транспорт инфраструктураси мавжудлиги ва қишлоқ

хўжалик ерларининг паст баҳосини ҳисобга олиб корректура лойиҳасида саноат зонасини уй-жой қурилиши зоналари билан алмаштириш таклифи олға сурилган. Бунда режалаштирилган ҳудудларининг жойлари алмаштирилиб, функцияларига аниқликлар киритиш таклифи берилган.

Ургут шахрининг бош режасига (2011 й.) киртилаётган ўзгаришларга қўйидагилар қираяпти: «шимолий» саноат зонаси ғарбга кўчирилган ва қисман кенгайтирилган. Бу ўз навбатида бош режа қисмларини корректура қилиш бўйича лойиҳавий таклифлар бажариш заруратини келтириб чиқаради. Шу сабабли уй-жой ҳудудларини жанубий-ғарбий, шимолий-ғарбий ва шимолий-шарқий йўналишлар бўйича фаол ривожлантириш режалаштирилган (11- планшет).

Таклиф этилган қайта режалаштириш бош режа лойиҳа чегарасининг фақат шаклини қисман ўзгартиради. Аммо ҳудуднинг кўрсаткичи бўлган 2465,4 га ўзгаришсиз қолган. Маъмурий чегарадаги ҳудуд 986,4 га тенг эканлигини ҳисобга олиб, шаҳарнинг мавжуд чегараларида 1812,03 га тенглиги, ажратиладиган ер ҳажми мос равишда 1479,0 ва 653,37 га миқдорни ташкил этади. 1479,0 ва 653,37 кўрсаткичларининг фарқи 825,63 га ни ташкил этади. Бу ҳудудлар шаҳар таркибига қиради ва шаҳар объектлари, уй-жойлари билан бир қисми қурилган. Қолган қисми ширкат хўжалиги ҳисобидан қишлоқ хўжалиги сифатида ишлатилмоқда. Қишлоқ хўжалиги ерларининг 304,83 га миқдорини боғлар ва тутзорлар, қолган 113,45 га миқдорини ҳайдалган ерлар ташкил этади.

Чиғизмон поселкаси шаҳар ҳудудининг қисми ҳисоблансада, унинг шаҳарга қўшилиши фақат аҳолиси ва тураржой фонди ҳисобига амалга ошади. Мерганчи, Испанза, Камаргарон поселкалари шаҳарга туташган ҳисоблансада, ўзининг автоном ҳолатини сақлаб қолган. Бу поселкаларда минимал керакли ҳажмдаги маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари мавжуд.

Бош режанинг режавий ечими бир бутун тизимни назарга тутган ҳолда ҳар хил турдаги қисмларни каттароқ масштабдаги тизимга бирлаштириш

концепцияси асосида ишлаб чиқилган. Бунда Ургут шаҳрининг Самарқанд гуруҳли жойлашиш тизимидаги ўрни мувофиқлаштирилиб, Ургут тумани учун маъмурий-хўжалик ва маданий маркази сифатида қабул қилинган.

Корректурани натижасида Ургут шаҳрига қўшилган аҳоли пунктларининг архитектуравий-режавий тизими ва маконий ташкиллаштирилиши шаҳарнинг бир бутун функционал-режавий ечимига ва транспорт-пиедалар алоқаларига бўйсундирилади.

Ургут шаҳри бош режаси қуйидаги тамойиллар асосида корректура қилинган:

1. Шаҳар тизимларини ўзаро боғланган равишда режавий ташкил этиш билан ихчам шаҳарни яратиш;

2. Уч босқичли хизмат кўрсатиш, яъни микрорайон, тураржой райони, марказ тизимини ҳисобга олган ҳолда шаҳар яшаш зонасининг тузилмасини ташкил этиш;

3. Шаҳар ҳудудини аниқлаштирилган функционал зоналарга бўлиш ва уни мақсадга мувофиқ равишда белгилаш ва фойдаланиш бўйича мақсадга мувофиқ ўзаро боғлиқ бўлиш;

4. Маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектларини жойлаштириш бўйича оптимал шароитлар яратиш, шаҳарнинг ҳар хил зоналари ўртасида қулай пиедалар ва транспорт алоқаларини ташкиллаштириш;

5. Саноат ва тураржой пайдо бўлган бирикмалари ўзларининг қайта қурилиши ва тикланиши билан шаҳар мавжуд тузилмасига узвий қўшиш.

Ургут шаҳрининг саноат зонаси бош режага корректура киритилган сўнг шаҳарнинг “Ғарбий” саноат зонаси пайдо бўлди. Ҳозирги пайтда Қоратепа кўчаси бўйлаб бир неча корхоналар мавжуд бўлиб, шаҳар маъмурияти худди шу ерда “Ғарбий” саноат зонасини энди ривожлантиради. Бу зонадан бўшаган ҳудудларнинг бир қисми уй-жойларни қуриш учун ажратилиб, қолган қисми шаҳарнинг ердан фойдаланиш чегарасидан чиқарилади (11-планшет).

“Ғарбий” хууднинг саноат корхоналарини жойлаштирилиш учун танланиши юқори кучланишдаги электр узатиш линиясининг коридори худди шу жойдан ўтганлиги ва кишлок хўжаликда фойдаланаётган хуудларнинг бонитети асос қилиб олинган.

Шаҳарнинг аҳоли яшаш зонаси жанубий-ғарбий, шимолий-шарқий ва шимолий-ғарбий йўналишларда ривожланиши бош режа корректурасида белгиланган. Бу жойлардаги янги қурилиш асосан бир ва икки қаватли хусусий жойлар бўлиб, шаҳар марказига туташган хуудларни юқори қаватли, яъни 3-4-5 қаватли турар жой уйлари билан иморатлаштириш таклиф этилади.

II боб хулосаси

1. Ургут шаҳрининг шаклланишига табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий омиллар ҳамда геомухандислик шароитлар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади.

Буларга қуйидагилар киради:

- *Табиий-иқлимий омиллар*- геоморфологик шарт-шароитлар, геологик тузилиш, гидрогеологик шарт-шароитлар, минерал хом ашё ресурслари, инженер-геологик шарт-шароитлар, иқлимий шарт-шароитлар, гидрологик шарт-шароитлар, тупроқлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ва ландшафт тавсифи;

- *Ижтимоий-иқтисодий омиллар*- меҳнат ресурсларининг концентрацияси, саноат-ишлаб чиқариш потенциали, жойлашув тизимидаги тутган ўрни, ижтимоий-иқтисодий ҳамда экологик жараёнлар таҳлили ва баҳоланиши, барқарор ривожлантириш шарт-шароитлари.

2. Ургут шаҳрининг биринчи бош режасига мувофиқ (1988 й.) шаҳарнинг хуудудий ривожланиши шимолий ва ғарбий томонлар таклиф этилган.

3. Ургут шаҳрининг иккинчи ва учинчи бош режасига мувофиқ (2005 й. ва 2011 й.) шаҳарнинг хуудудий ривожланиши ғарб ва шимолий-

ғарб томонга таклиф этилган. Шаҳар ҳудуди 2 та саноат зонаси ва 7 та турар туманига бўлиш таклиф қилинган.

4. Ургут шаҳрининг шимолий ва шимолий-ғарбий ҳудудлари чегарасида саноат зоналари жойлашган. Қолган ҳудудлар турар жой туманлари бўлиб, 1-2 қаватли уйлар билан қуриш тавсия қилинган.

5. Ургут шаҳрининг бош режаси корректураси (2015й.) концептуал ечими қуйидагиларга асосланади:

- Тасдиқланган бош режа (2011 й.) бўйича режалаштирилган саноат ҳудудлари талабларга жавоб бермайди;

- Бош режа бўйича “шимолий” саноат зонасини ва Ургут бозорининг кенгайтириб, ғарбга силжитиш мўлжалланган;

- Бош режадаги ўзгаришлар маъмурий объектларга таъсир кўрсатмайди;

- Бош режа бўйича қилинган корректура бошқа соҳаларнинг ҳудудлардаги жойлашувига таъсир кўрсатмай, ички захиралар ҳисобига ўсади;

- Корректура бўйича қайта режалаштириш бош режа лойиҳа чегарасининг фақат шаклини қисман ўзгартириб, ҳудудий кўрсаткичини ўзгаришсиз қолдиради.

6. Ургут шаҳрининг бош режаси қуйидаги тамойиллар асосида корректура қилинган;

- Шаҳар тизимларини ўзаро боғланган равишда режавий ташкил этиш билан ихчам шаҳарни яратиш;

- Уч босқичли хизмат кўрсатиш, яъни микрорайон, турар жой райони ва марказ тизимини ҳисобга олган ҳолда шаҳар яшаш зонасининг тузилмасини ташкил этиш;

- Шаҳар ҳудудудини аниқлаштирилган функционал зоналарга бўлиш ва уни мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш бўйича боғлаш.

III боб. Ургут шаҳри марказий ва структуравий қисмларининг архитектуравий -режавий ечимлари

3.1. Ургут шаҳри марказий қисмининг архитектуравий – режавий ечими

Ургут шаҳри марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳаси «Узшаҳарсозлик ЛИТИ» илмий-тадқиқот ва лойиҳа институти томонидан 2011 йили бажарилган (лойиҳа бош архитектори Мағдиев Б.М.). Шаҳар марказий қисмининг батафсил режалаштириш лойиҳасининг умумий майдони – 46,4 га ҳудудий эгаллайди. Лойиҳаланаётган ҳудудда яшаётган аҳоли сонини 2,3 минг кишини ташкил этади.

Туман маркази ҳисобланган Ургут шаҳри марказий қисмини батафсил режалаштириш лойиҳасининг ҳудуди Навоий кўчаси бўйлаб Қодирий кўчасидан Машраб кўчасигача бўлган участкани ўз ичига олади. Лойиҳалаш участкасининг умумий узунлиги кундаланг йўналиши бўйича 1327 м ташкил этади. Кенглик йўналиши бўйича ишланмага тушган ҳудуд Навоий кўчаси иморатлар қурилишини кўча ўқидан ҳар бир томонига 170 м масофани ўз ичига олади. Шундай қилиб, лойиҳа ечими бўйича қамраб олинган умумий ҳудуд-46,4 га миқдорни ташкил этади (13-планшет).

Шаҳар марказий қисмининг мавжуд иморатларининг қурилиши мунтазамлик тартибининг бошланғич белгиларига эга. Марказ зонасига тушадиган турар-жой иморатлари 2-қаватли секцияли ва 1-қаватли шахсий уйлардан иборат. Турар-жой иморатларининг қурилишидаги лойиҳавий ташкиллаштириши “маҳалла” тамойилига асосланган.

Шаҳарнинг жамоат маркази Навоий кўчаси бўйлаб чизиқли равишда жойлашган: Ушбу марказий магистрал кўча Ургут шаҳрини шимолдан жанубга қараб бутун узунлиги бўйлаб кесиб ўтади. Марказ учун лойиҳаланаётган ер майдони Ургутсой канали йўналиши трассасига мос жойлашган бўлиб, унга умумий кўндаланг равишда Навоий кўчаси лойиҳаланаётган участкага киритилган. Ушбу зонада маъмурий ва савдо объектларининг фақат асосийлари, умумий овқатланиш корхоналари ва маданий-маиший хизмат кўрсатиш объектлари жамланган. Лойиҳаланаётган марказ ҳудудида саноат объектлари, тиббиёт ва ўқув-

илмий муассасалари онда-сонда учрайди. Бу объектлар ва муассасалар бир-бири билан алмашаган ҳолда меъерий узилишларсиз жойлашган бўлиб, ушбу ҳудудда функционал зоналаштириш бутунлай мавжуд эмас.

Умумий фойдаланиш кўкаламзорлар Ургутсой ёқалари бўйлаб тўпланган. Марказ ҳудуди бўйлаб пиёдалар юришига мўлжалланган кўкаламзорлар мавжуд эмас. Лойиҳаланаётган участка чегараси ҳудудидаги умумий фойдаланиш кўкаламзорлар майдони – 3,6 га миқдорни ташкил этади.

Шаҳарнинг марказий қисми чизикли таркибий тузилмага эга бўлиб, пайдо бўлгандан бери амалда ўзгармаган ва керакли равишда ривожланмаган. Лойиҳаланаётган ҳудуддаги шаҳар марказининг ядроси таркибида маъмурий, савдо, маданий-оқартив ва спорт мажмуаларини ўз ичига олади (13-планшет).

Ургут шаҳри марказий зонасига тушадиган кўчалар тармоғи асосий бўйлама ўқи бўлган ҳамда шаҳарни шимолдан жанубга кесиб ўтадиган магистрал кўчалар асосида ташкил топади. Бунда асосий бўйлама магистрал кўча ҳисобланган Навоий кўчаси ҳамда ушбу участкада кенглик бўйича кесиб ўтадиган Қодирий ва Машраб кўчалари киради.

Ургут шаҳрининг марказий қисмидаги турар жой фонди хусусий бир қаватли қурилмалар ва икки қаватли секцияли уйлардан иборат. Ҳозирги вақтда турар жой фондининг таркиби: бир қаватли қурилмалар 20,79 минг м² (74,7%); икки қаватли қурилмалар 7,148 минг м² (25,3%) ташкил этади. Қаралаётган ҳудуднинг ўртача таъминланганлиги-12,3м²/киши кўрсаткичига эга.

Турар жой фондининг қаватлари, ҳудуди ва аҳолиси бўйича тавсифи 2-жадвалда, турар жойнинг қурилмалари турлари, хонадонларнинг сони ва майдони бўйича тавсифи 3-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

т/р	Хонадонлар сони бўйича турар жой уйларининг тури	Умумий яшаш майдони		Зичлик, м ² / га	Худуд, га	Аҳоли, минг киши
		Минг м ²	% %			
1	2	3	4	5	6	7
1	Бир қаватли хусусий	20,79	74,7	940,7	22,1	1,69
2	Икки қаватли секцияли	7,048	25,3	2517	2,8	0,573
	Ҳаммаси:	27,838	100	1118	24,9	2,263

3-жадвал

Хонадонлар сони бўйича турар жой уйларининг тури	Уйлар сони, дона	Бир уй майдони, м ²	Турар жой фонди, минг м ²
2 қаватли турар жой секцияли			
24-хонадонли	3	1568,4	4,705
16-хонадонли	1	1162,5	1,163
10-хонадонли	1	630	0,63
8-хонадонли	1	550,0	0,55
ЖАМИ:			7,048
Мавжуд хусусий	259	Ўртача 80	20,79

Ургут шаҳри марказида асосан маъмурий ва маданий-маиший муассасаларнинг ҳаммаси тўпланган бўлиб, улар туман маркази аҳолисигагина эмас, балки туман маркази атрофи ҳудудлари ва туман ҳудудидаги барча аҳолига хизмат кўрсатади.

Ургут шаҳри марказида мавжуд маъмурий ва маданий-маиший ташкилотлар ва муассасалар сони қуйидагича бўлинган: маъмурият муассасалари-17 тани; мактабгача ва мактаб таълим муассасалари -2 тани; маданий-оқартув муассасалари-4 тани; савдо корхоналари -9 тани; оммавий овқатланиш корхоналари -6 тани; маиший хизмат корхоналари- 2 тани; автотранспорт хўжалиги – 2 тани; соғломлаштириш муассасалари-3 тани ташкил этади.

Ургут шаҳри маркази ҳудудининг ҳозирги кундаги фойдаланиши

4 -жадвал

т/р	Худудлар	Мавжуд ҳолати		
		га	%	м ² /киши
1	2	3	4	5
I	А. Яшаш ҳудуди			
1	Турар жой ҳудудлари, ҳаммаси:	24,9	52,67	110,03
	шу жумладан: 2 қаватли секцияли	2,8	5,92	12,37
	1-2 қаватли хусусий қурилма	22,1	46,75	97,66
2	Жамоатчилик қурилмалари	5,963	12,62	26,35
-	маъмурият	2,346	4,96	10,37
-	маданий-маиший хизмат	0,92	1,95	4,06
-	савдо ва умумий овқатланиш	2,377	5,03	10,51
-	тиббиёт муассасалари	0,32	0,68	1,41
3	Умумий фойдаланиш кўкаламзорлари	8,88	18,79	39,24
4	Сув ҳавзалари	0,6	1,27	2,65
5	Кўчалар, йўллар ва майдонлар	5,037	10,65	22,26
6	Қолган ҳудудлар	0,58	1,23	2,56
-	Қабристонлар	0,45	0,95	1,99
-	Бўш ётган ерлар ва қурилмаларни қуришга яроқсиз ҳудудлар (ЛЭП, ноқулай ва бошқалар)	0,13	0,28	0,57
	«А» қисми бўйича ҲАММАСИ	45,96	97,23	203,09
II	Б. Саноат ва ишлаб чиқариш			
1	Саноат ҳудудлари	0,06	0,13	0,26
2	Автотранспорт хўжаликлари	0,21	0,44	0,93
3	Қолган ташкилотлар	1,04	2,2	4,6
	«Б» қисми бўйича ҲАММАСИ	1,31	2,77	5,97
	«А»+ «Б» қисмлари бўйича ЖАМИ	47,27	100,0	208,88

Ургут шаҳри марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси ечимининг лойиҳавий асосини қуйидаги ҳолатлар аниқлайди:

1. Марказ лойиҳаси Ургут тумани маркази бўлган Ургут шаҳри бош режаси бўйича асосий тамойилларга мувофиқ ишлаб чиқилган;
2. Лойиҳаланаётган марказ ҳудудини режалаштиришнинг умумий композицион ғоявий ечими шаҳарнинг архитектуравий композициясига ва режавий тузилмасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, марказ лойиҳаси шаҳар бош режасида асосланган шаҳарсозлик ғоясини аниқ ҳудудий шароитда янада батафсил ривожлантирган;
3. Марказ лойиҳаси мавжуд асосли қурилмалар, қурилаётган объектлар ва қурилиш учун ажратилган ҳудудларни тўлиқ ҳисобга олган;
4. Магистрал кўчалар тармоғи бош режага мувофиқ қабул қилинган.

Шаҳар марказининг бош вазифаси режавий йўллар орқали ижтимоий-маиший, микроиқлимий, санитар ва эстетик шароитларни Ургут шаҳри ва тумани аҳолиси учун яратиш ҳисобланади (14-планшет).

Ургут шаҳри марказининг лойиҳаланаётган ҳудуди шаҳарнинг шаклланган маркази билан тўлиқ мос келади, аммо қайтадан режалаштиришни назарда тутаяди. Қайта режалаштириш мобайнида иқтисодий ва маънавий-ижтимоий жиҳатдан эскирган, ҳозирги пайтда талабларга жавоб бермайдиган қурилмаларни бузиш ҳисобига қурилмаларни тартибга солиш режалаштирилган.

Ургутсой каналининг ҳимоя зонасининг ҳудуди шаҳарнинг ландшафт қисмини яратиш учун фойдаланилади, яъни дам олиш объектлари билан етарлича таъминланган ва ободонлаштирилган қирғоқ бўйи яратилади. Лойиҳаланаётган марказ ҳудуди транспорт ўқи бўйлаб, юқори даражада ободонлаштирилган ҳудудда яшил пиёда юриш зонаси бунёдга келтирилади.

Шаҳар марказининг лойиҳаланаётган ҳамма ҳудуди биринчи навбатдаги қурилиш зонаси бўлиб, мавжуд транспорт тармоғи тўлиқ

реконструкция қилиниши белгиланган ва туман марказига бутунлайига меъёрий хизмат кўрсатиш масалалари ечилган. Лойиҳа муаллифлари томонидан бузилган жойларда тураржой қурилиши ва янги маданий-маиший сервис мажмуалари қурилиши мўлжалланган.

Шаҳарнинг лойиҳаланаётган маркази майдонлар тизими, жамоат бинолари гуруҳлари ва турар жой мажмуалари сифатида шаклланиб, очик режавий тузилма кўринишда бўлиши мўлжалланган (14 -планшет).

3.2. Ургут шаҳрининг марказий кўча ва майдонларини шакллантириш

Шаҳар кўчалари ва йўллари. Кичик шаҳарнинг кўчалари ва йўллари тармоғи уларнинг истиқболли ривожланиши, ички ва ташқи алоқаларини ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштирилади. Йўл ва кўчалар тармоғи чизма бўйича оддийроқ бўлиши, узунлиги минимал, худуд рельефи ва бошқа табиий шароитларни ҳисобга олиш керак. Иморатлар фақат бир томонидан қурилган кўчаларнинг узунлиги имкон қадар қисқа бўлиши мақсадга мувофиқдир (5-жадвал) [26,27,28,30,31,33].

5-ж а д в а л

Кўча ва йўлларнинг тоифаси	Кўчалар ва йўлларнинг асосий вазифаси
Магистраль кўчалар ва йўллар	Турар-жой зонаси, саноат корхоналари ва омборхоналар, шаҳар маркази, умумшаҳар аҳамиятига эга объектлар ва умумий тармоқ автомобиль йўллари билан транспорт алоқаси, интенсив пиёдалар қатнови
Бош кўча	Турар-жой кўчалар: турар-жой комплекслари (турар-жой бинолари гуруҳлари) ва магистраль кўчалар билан транспорт ва пиёда алоқаси
Маҳаллий аҳамиятга эга кўчалар ва йўллар	Ўтиш йўллари: турар-жой комплекслари ва магистраль кўчалар билан транспорт алоқаси
Пиёдалар учун мўлжалланган йўллар (аллеялар)	Турар-жой комплекслари ва режавий туманлар билан пиёда алоқаси, шунингдек уларнинг саноат корхоналари, шаҳар маркази ва бошқа умумшаҳар аҳамиятга эга объектлар билан алоқаси. Режавий туманлар ичидаги умумий фойдаланишдаги объектлар ва жамоат транспорти бекатлари билан пиёда алоқаси.

Кичик шаҳарлардаги транспорт ва пиёда йўлларининг тармоғи аҳоли турар-жой зонасида қулай ва ҳавфсиз ҳаракатланишини, шунингдек қуйидаги:

- саноат корхоналари ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш зонаси;
- шаҳарнинг жамоат марказлари;
- ташки транспорт иншоотлари – темир йўл вокзали, автостанция, аэродром;
- дам олиш жойлари ва спорт иншоотлари каби асосий зона ва объектлар билан алоқларни таъминлаши керак [26,27,28,30,31,33].

Кичик шаҳар ўзагини ташкил қилувчи магистраллар тизими турар-жой ҳудудини етарлича йирик бўлган магистраллараро ҳудудларга ажратилишини ҳисобга олган ҳолда ташкил этилади. Магистраль кўчалар тармоғининг зичлиги жамоат транспорти бекатларига пиёда етиб келишнинг руҳсат этилган максимал масофасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади. Одатда, бу кўрсаткич кўп қаватли бинолар гуруҳи учун 500 метр, кам қаватли турар-жой бинолари ёки уй-ҳовлилар гуруҳи учун 700 метр қилиб белгиланади ва кўчалар тармоғининг зичлиги $2-1.7 \text{ км/км}^2$ ни ташкил қилади [26,27,28,30,31,33].

Жамоат транспорти умуман бўлмаган кичик шаҳарларда ҳам, аҳолини транспорт ҳаракатланишининг зарарли таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида, айнан шундай зичлик тавсия этилади.

Кичик шаҳарлардаги, одатда, катта зичликка эга ва узун бўлган кўчалар тармоғи магистраллараро ҳудудларни йириклаштириш ва турар-жой зоналари ичидан ўтувчи иккала томони очиқ катта автомобиль йўлларини йўқ қилиш мақсадида реконструкция қилиниши зарур. Реконструкция қуйидагиларни амалга ошириш орқали бажарилиши керак:

- тавсия этилган зичликдаги магистраль кўчалар тармоғини ажратиш;
- боши берк ёки сиртмоксимон шаклга эга турар-жой кўчалари ва ўтиш йўлларини ажратиш;

- бир қатор кўчаларни икки томонлама қатнов учун ёпиш ёки уларни пиёдалар учун мўлжалланган аллеяларга ўзгартириш.

Янги шаҳарларни лойиҳалаштиришда ва мавжудларини реконструкция қилишда транспорт ва пиёдалар қатнови йўлларини ажратиш мақсадига мувофиқ бўлади:

- магистраль кўчаларининг трассалари аҳолини шовқин ва чиқинди газлардан имкон қадар ҳимоялаш мақсадида турар-жой комплексларини айланиб ўтадиган қилиб лойиҳаланади;
- пиёда йўллари – энг қисқа масофалар бўйича кўкаламзорлар орасидан ўтказилади. Транспорт ва пиёда йўллари имкон қадар камроқ кесишиши лозим.

Кичик шаҳар режасида магистраль йўлларнинг ҳолати қуйидаги омиллар таъсирига қараб белгиланади:

- шаҳарнинг асосий функционал зоналарининг жойлашуви;
- ташқи автомобиль йўлларида кириш йўналишлари;
- мавжуд кўча тармоғининг конфигурацияси [20,25,32,33,34].

Магистраль йўллар тармоғининг шакли кичик шаҳарнинг ижтимоий-иқтисодий функцияларига боғлиқ хусусиятларга эга.

Ҳудудда саноат ишлаб чиқариш корхоналари бўлган шаҳарлардаги магистраль йўллар тармоғининг шакли саноат туманларининг жойлашуви билан белгиланади.

Саноат корхоналари турар-жой зонасидан узоқда жойлашганида (ишлаб чиқаришнинг зарарли шароитлари бўйича, кон қазилар саноати ривожланган ва бошқа ҳолатларда), аҳолининг иш жойига қатнашида вақтни тежаш, қатнов масофаларини қисқартириш мақсадида, умумшаҳар магистраллари тармоғи, биринчи навбатда, саноат зоналарига йўналтирилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик туманлари марказлари ҳисобланган кичик шаҳарларда магистраль кўчалар тармоғи туман билан алоқа қилувчи ташқи йўллар билан боғланган.

Дам олиш маркази функциясини бажарадиган кичик шаҳар ривожланишида шаҳарнинг санаторий-курорт зонасидаги йўл-кўча тармоғи шаҳарнинг асосий тармоғи билан боғланади. Санаторий-курорт зонаси орқали транзит қатнови умуман истисно қилиниши лозим. Транспорт қатновидан ажратилган пиёда йўллари – пиёда сайрлар учун мўлжалланган аллея ва йўлкалар ташкил этилишига алоҳида эътибор қаратилиши керак.

Санаторий-курорт зонасидаги алоҳида объектлар гуруҳини умумкурорт марказлари билан боғлайдиган пиёдалар учун мўлжалланган йўллари эни камида 20 метр бўлган бульвар кўринишида лойиҳалаштириш лозим. Ундан ташқари, бу йўллар курортнинг барча яшил ҳудудларини ягона тизимга бирлаштириш функциясини ҳам бажаришга мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Кичик шаҳардаги бош кўча умумшаҳар маркази вазифасини бажаради ёки унга туташиб кетади. Бош кўчани фақат пиёда қатнови учун ажратиш мумкин (айрим ҳолларда шаҳарнинг пиёда маркази билан бирлаштирган вариантда). Бу ҳолатда иншоотларга кириш ёндош кўчалардаги боши берк йўллар орқали бажарилади.

Маҳаллий кўчалар ва ўтиш йўлларининг тизими транзит оқимлар минимал бўлишини кўзда тутган ҳолда лойиҳалаштирилиши лозим.

Боши берк ўтиш йўлларининг узунлигини 150 метрдан оширмаслик мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу йўлларнинг охирида айланиб олиш учун радиуси 10 метрдан кам бўлмаган халқалар ёки майдончалар кўзда тутилган бўлиши керак [20,25,32,33,34].

Пиёдалар учун мўлжалланган йўллар кўча тармоғи билан боғланмаган ҳолда, шаҳарнинг асосий объектларига (саноат корхоналари, шаҳар маркази ва ш.к.) энг қисқа йўналишлар бўйича, шунингдек транспорт қатнови йўллари бўйлаб, яшил ҳимоя полосаси билан ажратилган тарзда лойиҳалаштирилиши мумкин.

Кичик шаҳарларда велосипед қатновининг аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, магистраль кўчалар бўйлаб ёки пиёдалар учун мўлжалланган йўлакларга қўшилиб кетган махсус велосипед йўлкалари кўзда тутилиши керак.

Кўчалар кенглиги ва кўндаланг профиль ўлчамлари кўчалар тоифаси ва қатнов хусусиятлари ва интенсивлигига, бинолардаги қаватлар сони, ҳудуднинг рельефи, юза сувларини чиқариш усули, ер ости коммуникациялари трассаланиши ва бошқа маҳаллий шароитларга қараб белгиланади.

Кўча ва йўлларнинг кўндаланг профилларини лойиҳалаштиришда қатнов характери ва интенсивлиги ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда уларнинг босқичма-босқич такомиллаштирилиши эҳтимолини (кенгайтирилиши, ёмғир сувлари учун канализация тармоқларини ташкил қилиш ва ш.к.) назарда тутиш лозим.

Кичик шаҳарлар учун кўчаларнинг қизил линиялар бўйича кенглиги: бош кўчалар учун – 28 метрдан, магистраль кўчалар учун – 25 метрдан, кўп қаватли бинолар массиви ичидаги маҳаллий қатнов учун – 17 метрдан, кам қаватли бинолар массив ичидаги маҳаллий қатнов учун – 14 метрдан кам бўлмаслиги керак.

Кўчанинг қатнов қисмининг кенглиги: магистраль кўчалар учун 2-3 қатор (полосга)ли қилиб – 7-10,5 метр, маҳаллий аҳамиятга эган кўчалар учун – 4-6 метр, ўтиш йўллари учун – 2,75-4 метр қилиб қабул қилинади. Тротуарлар кенглиги кўчанинг кўчанинг тоифасини ҳисобга олган ҳолда пиёда қатновнинг ҳажмига қараб белгиланади (бунда йўлкалар бўйлаб экилган дарахтлар, симёғочлар ва ш.к. зичлиги ҳам эътиборга олинishi керак). Вокзаллар, кинотеатрлар, универмаглар ва шаҳар аҳамиятига эга бошқа муассасалар ёнида тротуарларни кенгайтириш тавсия этилади. Тротуарлар кенглигини қуйидаги чегараларда 0,75 метрга кўпайтириладиган қилиб қабул қилиш тавсия этилади: бош кўчаларда –

4,5 м, магистраль кўчаларда – 3,2-3,75 м, турар-жой кўчаларида – 1,75-2,25м, ўтиш йўлларида – 0,75-1,0 м. [7,8,20,25,32,33,34]

Кўча тармоғидан ташқари қурилган пиёда йўллари қатнов кенглигига боғлиқ равишда қуйидагича кенгликда қабул қилинадилар:

- пиёдалар қатнови учун мўлжалланган аллеялар (сайр қилиш, оммавий тарзда ташриф буюриладиган – саноат корхоналари, стадион, шаҳар парки ва шу каби объектларга қатнаш) – 5 метр;
- пиёдалар қатнови учун мўлжалланган йўлаклар шаҳар марказига, оммавий тарзда ташриф буюриладиган объектларга қатнаш) – 3 метр;
- турар-жой комплекслари ва магистраллараро доирасидаги йўлаклар – 0,75-1,5 метр;
- велосипед йўлакларининг кенглиги қуйидагича қабул қилинади: бир полосали қатнов учун – 1,5 метр, икки полосали қатнов учун – 2,5 метр. Одамлар тўпланадиган жойларда (стадион, парк, универмаг ва ш.к. ёнида) велосипедлар учун тураргоҳлар кўзда тутилиши лозим [7,8,20,25,32,33,34].

Кичик шаҳар учун автомобиллар сони мамлакатдаги ўртача кўрсаткичга мувофиқ белгиланади. Тегишли асосланишларга кўра қуйидаги кичик шаҳарларда автомобиллар сонини кўпроқ қилиб (айниқса, кичик шаҳар йирик шаҳарнинг таъсир зонасида жойлашган бўлса) қабул қилиш мумкин:

- илмий-тадқиқот марказлари;
- таркибида йирик металлургия, кимё ва оғир саноатнинг бошқа корхоналари бўлган саноат марказлари;
- нефть ва газ қазиб олиш марказлари;
- дам олиш марказлари.

Атомобиллар учун очиқ тураргоҳлар одамлар оммавий ташриф буюрадиган жойларда (умумшаҳар маркази, вокзал, стадион, саноат корхоналари ва бошқалар) кўзда тутилади. Уларга олиб келадиган пиёда йўлакларининг узунлиги 200 метрдан ошмаслиги керак.

Автотураргоҳларнинг ўлчамлари битта автомобиль учун 28 м ҳисобидан белгиланади [7,8,20,25,32,33,34].

Шаҳар транспорти. Жамоат транспортига бўлган эҳтиёж кичик шаҳарнинг ўлчамлари, худуднинг шакли ва турар-жой ҳамда саноат зоналарининг ўзаро жойлушивига қараб белгиланади.

Аҳолисининг сони 20 мингдан 50 мингтагача бўлган кичик шаҳарларда жамоат транспорти тармоғини лойиҳалаштириш ва йўловчилар оқимини ҳисоблаш зарур.

Йўловчилар оқимини ҳисоблашда шаҳар аҳолиси ва унга ёндош туманлардан қатнайдиغان аҳоли эътибрига олиниши керак. Кичик шаҳарнинг таъсир зонасининг ўлчамлари статистик маълумотлар, шунингдек махсус тадқиқотларнинг натижалари асосида аниқланиши мумкин.

Мавжуд кичик шаҳарларда транспорт қатнови билан боғлиқ қуйидаги вазиятларни кузатиш мумкин:

- шаҳар худудидаги айрим корхоналар тарқоқ жойлашган бўлиб, транспорт ва йўловчилар оқими ҳам шунга мос тарқоқлашган бўлади;
- битта йирик корхона ёки бир нечта корхоналарнинг бир жойда жамланиши транспорт қатнови асосан ўша жойга йўналтирилишига сабаб бўлади.

Кичик шаҳарларни режалаштиришда транспорт оқимларини бир жойга йўналтирилиши ёки тарқоқланишига имкон қадар йўл қўймаслик лозим. Бунга эришиш учун қуйидаги режавий ва ташкилий тадбирлар қўлланилади:

- саноат корхоналари турли магистраль йўналишларда жойлаштирилади;
- максимал смена ишчиларини етказиб келиш вақти узайтирилади.

Кичик шаҳарларда автобус транспортнинг асосий тури сифатида қабул қилиниши лозим. Автобус маршрутларининг схемаси одамлар жамланадиган асосий пунктлар (саноат корхоналари, Маданият ва истироҳот парки, стадион, бозор ва ш.к.) жойлашувига қараб тузилади.

Шаҳардаги автобус маршрутларининг лойиҳалаштирилаётган тармоғи қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

- шаҳар ривожланишнинг биринчи навбати ва келгусида ривожланиши эҳтиёжларига жавоб берадиган йўловчи ташиш потенциалига эга бўлиши лозим;
- аҳоли яшайдиган жойдан иш жойигача, шунингдек одамлар йиғиладиган бошқа жойларгача етиб олиш вақти 30 дақиқадан ошмаслиги керак.
- Шаҳар ташқарисига қатнайдиган автобуслар шаҳарлараро қатновларини, ён-атрофдаги туманларда яшовчи аҳолининг кичик шаҳарга қатновини, кичик шаҳарнинг қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳолисининг меҳнат қатновларини таъминлаш керак. Шаҳар ташқарисига қатнайдиган ва маршрутлари шаҳар ичида ўтадиган автобуслар шаҳар аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиши ва шаҳар кўчаларида (одамлар йиғиладиган жойларда) ҳам бекатларга эга бўлиши лозим;
- жойлашувнинг гуруҳли шаклларида ташқи транспорт йўловчи курилмаларининг жойлашиши ва гуруҳдаги ҳар бир кичик шаҳарнинг функционал зоналаниши шаҳарлар орасидаги транспорт қатновини қулай қилиши ва кам харажатли бўлиши учун хизмат қилиши лозим;
- йирик шаҳарни таъсир зонасида жойлашган кичик шаҳарнинг режалаштирилиши марказ-шаҳарга етиб олиш учун сарфланадиган вақтни қисқартириш учун темир йўл вокзалига етиб олишнинг энг қулай йўлини таъминлаш зарур;
- қишлоқ хўжалик тумани учун марказ-шаҳар ҳисобланган кичик шаҳарда автостанциянинг жойлашуви катта аҳамиятга эга – автостанция шаҳар аҳолиси учун қулай жойда, умумшаҳар маркази ёнида жойлаштирилиши лозим (автобус маршрутлари шаҳардаги турар-жой мавзеларини имкон қадар кесиб ўтмаслигига алоҳида эътибор қаратиш зарур) [7,8,20,25,32,33,34].

Ташқи транспорт қурилмаларини кичик шаҳар ҳудудига жойлаштирилиши унинг ривожланишига тўсқинлик қилмаслиги ҳамда алоҳида туманларни ажратган ҳолда шаҳарнинг режавий тузилмасини бузилмаслиги керак. Кичик шаҳар ҳудудидан темир йўл бўлса, режалаштирилиш лойиҳасида турли даражадаги умумшаҳар магистраллари интенсив йўловчи оқимлари билан кесишган жойларнинг энг оптимал ечимлари кўзда тутилиши лозим. Зарурат туғилган ҳолларда темир йўл йўлари турар-жой мавзеларидан узоқлаштирилиши керак.

I ва II тоифаларга мансуб автомобиль йўлларини айланма йўлларни ташкил қилган ҳолда кичик шаҳарлар ҳудудидан ташқарига олиб чиқиш тавсия этилади; айрим ҳолатларда транзит йўллар шаҳарнинг марказий туманидан чекка туманларга (масалан, саноат зоналарига) кўчирилиши мумкин [7,8,20,25,32,33,34].

Кичик шаҳарда ташқи транспорт қурилмаларини жойлаштиришда бир турдаги транспортдан бошқа транспорт турига ўтиш қулай бўлишини ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун йўловчи станциялари ёки турли транспорт автовокзалларини бирлаштириш тавсия этилади. Масалан, автовокзал ва темир йўл вокзалини бир жойда жойлаштириш энг мақбул вариант ҳисобланади.

Шаҳарлараро автобус маршрутлари қисқа бўлган кичик шаҳарларда автостанцияни марказий туман чегарасида, унинг ташқи томонидан жойлаштириш лозим. Бунда унга етиб олиш қулай бўлиб, шаҳар маркази ташқи транспортдан ажратилади.

Ургут шаҳрининг батафсил режалаштириш лойиҳасида шаҳарнинг марказий кўчаларидан бири ҳисобланган Навоий кўчаси 1,22 км узунликдаги участкаси қамраб олинган. Ушбу марказий кўча шаҳарнинг марказий зонаси учун ҳам, мавжуд бутун шаҳар бўйича ҳам бош структуравий ўқ ҳисобланади. Таҳлил қилинаётган Навоий кўчаси шаҳарни шимолдан жанубга қараб кесиб ўтади ва амалда 4P-47 ва 4P-50 республика автйўлининг бир қисмига кириб, Самарқанд шаҳрига қараб

шимолий чиқиш учун катта аҳамият касб этади. Ушбу кўчанинг жанубга қараб чиқиши дам олиш зонаси билан боғлиқ бўлиб, қатор болаларни соғломлаштириш лагерлари учун аҳамиятга эга бўлади. Кўчанинг шимолий участкасидаги мавжуд ташқи ўлчамлари 180 м кўламдаги узунликда эга бўлиб, эни 23-25 м ўлчамга эгаллиги аниқланган. Кўчанинг транспорт юрадиган қисмининг эни 15-18 м бўлиб, ушбу участканинг кўчаси майдони-0,43 га тенгдир (14 -планшет).

Ургут шаҳри ҳудудини мердионал йўналишда асосий сув канали ҳисобланган Ургутсой кесиб ўтади. Унинг йўналиши бўйича марказий қисми Навоий кўчаси билан бир-бирига мос келиб, 1,0 км узунликда сойнинг икки томони бўйлаб бир томонлама ҳаракатланиш ҳалқаси яратилган. Худди шу участкада шаҳар марказини шакллантирувчи ҳисобланган ҳокимият, солиқ инспекцияси, банклар, прокуратура, ресторан, универмаглар ва бошқалар жойлашган бўлиб, улар асосий маъмурий муассасалар ва шаҳарнинг маданий-маиший хизмат кўрсатиш муассасалар тўпланмасини ташкил этади.

Навоий кўчасининг умумий ташқи ўлчами Ургутсой билан бирга 50-60 м ни ташкил этиб, транспорт ҳаракатланадиган қисми ҳар қайсисининг эни 7,0 м га тенг. Туман маркази ҳисобланган шаҳар маркази кўчалари майдони –5,5 га кўрсаткичга эга. Марказий кўча яхши кўкаламзорлаштирилган ва ободонлаштирилган.

Ургут шаҳрининг жанубий ҳудуди жойининг рельефи мураккаб кесимга эга бўлиб, юқорига кескин кўтарилади. Навоий кўчасининг ушбу жойидаги, узунлиги 40 м бўлган қисмининг ташқи ўлчамлари 12 м тенг бўлган ҳолда ўтказилган ва дам олиш зонасига ташқи чиқишга эга. Ушбу жойининг майдони – 0,04 га тенг.

Ургут шаҳри марказидаги Навоий кўчасининг умумий майдони лойиҳа бўйича 5,97 га ўлчамга эгаллиги аниқланган. Шу бугунги кунда Навоий кўчаси шаҳарнинг энг бош транспорт магистралларидан бири ҳисобланади. Ушбу магистрал бўйлаб шаҳар транспорти маршрутлари

ўтган бўлиб, кўча бўйлаб транспорт ҳаракатланиши энг қизғин вақтда соатига 1000 та автомобил ўтади (14-планшет).

3.3. Ургут шаҳрини реконструкция қилиш ва барқарор ривожлантириш масалалари

Шаҳар – бу бутунлай тугалланган ўзгармас, турғун тизим эмас. Шаҳар аҳолиси уни жамиятнинг доимо ўзгариб боровчи эҳтиёжига мослаштириб борилади.

Аҳолининг меҳнат ва маиший шароитларини яхшилашга, шаҳар муҳитини изчил тарзда янгилашга ва унинг тизимини ривожлантиришга қаратилган инсон фаолияти – шаҳарлар реконструкцияси деб аталади.

Шаҳарлар ривожланиши ва реконструкциясининг режалаштирилиши – замонавий шаҳарсозлик хусусиятидир. Истиқболли бош режалар ишланмаси асосида шаҳарлар реконструкциясини бошқариш имконияти яратилмоқда.

Бу режалар шаҳарсозликнинг муҳим омили бўлиб, аҳоли меҳнат талаб қилувчи корхоналарни ривожлантириш каби етакчи омилларни таҳлил қилган ҳолда ишлаб чиқилади. Бунда, шиддатли техник тараққиёт шароитида ишлаб қайта йўналтирилиши ҳисобга олинади. Бундан ташқари, инсонларнинг яшаш шароитини оширишга қаратилган кенг доирадаги масалаларнинг ечими ўрганилади.

Жамиятнинг шаҳарсозлик вазифаларини шаҳарлар ва шаҳар агломерацияларини узоқ муддатга мўлжалланган истиқболли ривожлантириш башоратлари асосида ҳал этишади.

Замонавий босқич:

- Бу режалаштириш реконструкциянинг мукамал транспорт тармоқли магистрал кўча ва майдонларни яратишни;
- Шаҳар ва маҳаллий жамоат марказларини ягона, ўзаро боғланган тизимга қайта ташкил этишни;

- Аҳоли меҳнат талаб қилувчи ҳудудларни тартибга солиш ва кейинги ривожини;
- Магистраллараро турар – жой ҳудудларни янгидан қуриш ва янги турар жой ҳудудларни қуриш ўзида акс этади.

Бир вақтнинг ўзида ҳудуднинг муҳандислик тайёрланиши, муҳандислик тармоқларини ва коммунал хўжалик корхоналарини такомиллаштириш, микроиқлим шароитларини яхшилаш ёки бутунлай ўзгартиришга қаратилган масалалар ҳал этилади.

Шаҳар реконструкциясининг режали чизмаси шаҳар ҳудуди ва ундаги қурилишларнинг текшируви натижалари бўйича амалга оширилади. Лойиҳалаштиришга аҳолининг сони каби шаҳарнинг таснифий белгиси асос қилиб олинади [7,8,9].

Шаҳарни реконструкция қилиш методлари. Замонавий шаҳарсозлик амалиётида 3 та асосий шаҳарни реконструкция қилиш усулларини ажратиш мумкин:

1. Тарихий шаклланган структуранинг умумий характерини сақлаб қолиш аҳамиятли бўлган ўзгаришларсиз. Замонавий талабларга мослашиш шаклланган структура элементларини модернизациялаш ва уларга янги таркиблар киритиш йўлидан бормоқда. Ушбу методик ёндошув қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади: тарихий режа структураси ва шаҳар ландшафтини иложи борича сақлаб қолиш; тарихий муҳит элементларини имкон борича максимал даражада сақлаб қолиш; умумий характерига таъсир қилмайдиган элементларни ўзгартириш ва қайта қуриш йўли билан структурани замонавий талабларга мослаштириш;

2. Мавжуд структурани кўпроқ ёки камроқ даражада кескин ўзгартириш – структуранинг ўзгариши ушбу шаҳарга хос бўлган ва чидамлироқ бўлган специфик структуравий аломатлар жамламасига мос келадиган даражадаги ривожланиши талаблари билан белгиланади;

3. Шаклланган структура асосини бузиш ва шаҳар худудининг янги режавий ташкил этилишини яратиш. Бу ҳолда реконструкция тадбирларининг кескинлиги структуранинг унга қўйилаётган замонавий ва келажак талабларига мослигининг структураси инкор этилади, фақатгина алоҳида элементлари олдинга қўйилган вазифага қай даражада мос келишига қараб сақлаб қолинади.

Юқорида санаб ўтилган методларнинг бирортаси соф ҳолда кам учрайди ва шаҳарнинг алоҳида қисмлари реконструкциясида қўлланилади. Шаҳар даражасида айтиб ўтилган методларни биргаликда қўллаш лозим – янги структурани шакллантириш мавжуд структуранинг чидамли аломатларини конструктив ҳисобга олиш ва уни янгисига киритиш асосида олиб борилиши лозим [7,8,9].

Шундай қилиб, шаҳар миқёсида ва унинг алоҳида элементларида шаклланган структуранинг ривожланиши асосий, энг муҳим, қимматли ва чидамли элементларини шаклланган функционал ва фазовий алоқаларини ҳисобга олган ҳолда сақлаб қолиш шартлари билан белгиланади. Шаклланган структурани сақлаб қолиш марказий, шаҳарсозлик нуқтаи-назардан кўпроқ қимматга эга бўлган худудларда мақсадга мувофиқ. Бу ерда тарихий структурани фазовий ташкил этишга таъсир кўрсатувчи композицион алоқаларни ўзгариши шаҳарнинг ўзига хос кўринишини йўқотиши билан боғлиқ. Камроқ қимматга эга бўлган худудларда шаҳар ривожланишига боғлиқ структуранинг қўйилган талабларга мос келишини реконструкция асосига айланиши лозим.

Реконструкция вақт ва фазовий муҳитда узлуксиз жараён экан, реконструкцияни ҳаётга тадбиқ этишнинг ҳар бир босқичида унинг келажакда ривожланиш шартларини белгилаб олиш лозим. Шунингдек, реконструкциянинг ҳар бир босқичида шаҳарнинг режавий структураси ўзида алоҳида элементлари ва қисмларининг нисбатан бир маромда, тугалланган ва мутаносибликка эга бўлган системасини акс эттириш лозим.

Бирок, структуранинг чидамлилиги даражаси унинг кейинги ривожланиши имкониятларига ҳалақит бермаслиги лозим. Шаҳар худудий-фазовий ривожланиши лозим.

Шаҳарни реконструкция қилиш ва ривожланиш йўналишларини танлаш асосида ривожланиш тамойилларини кетма-кет аниқлаш ётади:

- шаҳарнинг шаҳар ташкил қилувчи асоси бўлиб, унинг барча элементлари ривожланишини белгилашда ҳал қилувчи ҳисобланади;
- шаҳар ички аҳоли жойлашиши – шаҳарни ташкил этувчи асос объектлари ва бошқа меҳнат жойлари жойлашиши билан ўзаро боғлиқ ҳолда аҳолининг ўсиш ва худуд бўйлаб тақсимланади;
- шаҳарнинг функционал структураси бўлиб, у меҳнат жойлари ва аҳоли жойлашиши худудларининг ўзаро боғлиқ алоқаларига асосланади [7,8,9].

Асосини саноат ишлаб чиқариши шакллантирувчи шаҳарнинг шаҳар ташкил этувчи базасининг ривожланиши қуйидаги асосий омиллар таъсири билан белгиланади:

- ишлаб чиқаришнинг концепцияси, тармоқ ва ишлаб чиқаришнинг технологик кооперациялаш ва комбинациялашнинг мураккаброқ шакллари ривожлантириш;
- ишлаб чиқариш иерархик структурасининг ривожланиши ва мураккабланиши;
- ишлаб чиқаришнинг интенсивлашиши, бунинг оқибатида меҳнат самарадорлигини ошириш орқали ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши [7,8,9].

Шаҳарнинг шаҳар ташкил қилувчи базаси объектларнинг худудий концепцияси ва специализацияси меҳнат жойлари орасида ишлаб чиқариш алоқаларини кучайтириш ва мураккаблантиришни тақозо қилади, бу эса аҳоли жойлашиши, аҳолининг шаҳар ички ва шаҳарлараро ҳаракатига таъсир кўрсатади. Шаҳар ташкил этувчи базанинг ривожланиши аҳоли сони ва демографик таркибини белгилайди. Шунинг учун реконструкция

даврида аҳоли сонини аниқлаш ва шаҳар худуди бўйлаб тақсимлаш муҳимдир.

Шаҳар ичида аҳолини жойлаштиришни мукамаллаштириш аҳолининг турмуш тарзининг қулай шароитларини яратиш: меҳнат ва жамоат фаолияти, дам олиш турлари ва шакллари танлашда нисбатан тенг ва қулай имкониятни яратиш, турмушнинг гигиеник шароитларини яхшилашни тақозо этади.

Бунда ривожланиш йўналиши, ҳолда реконструкция принциплари ва унинг режавий структураси ривожланишини белгиловчи энг муҳим шаҳарсозлик омилларидан бири келиб чиқади: ўсаётган шаҳар ташкил қилувчи база объектларини жойлаштириш ва шаклланган структурани ҳисобга олган ҳолда аҳолини жойлаштириш, ҳудуднинг ресурс имкониятларидан келиб чиқиб меҳнат қилиш жойларини жойлаштириш.

Меҳнат қилиш жойларини жойлаштириш ва аҳолини жойлаштиришнинг (шаҳар ички ва шаҳар ташқарисида) ўзаро боғлиқ системаси шаҳарнинг функционал ташкил этилиши ва фазовий ривожланиш принциплари, шунингдек, унинг асосий функционал ҳудудлари ва элементлари орасидаги транспорт алоқаси структурасини ҳал қилувчи даражада белгилаб беради.

Шаҳарсозлик амалиётида шаҳар режавий структурасининг фазовий ривожланишини иккита шаклини ажратиш мумкин:

- шаҳарнинг ўз атрофидаги бўш ҳудудларни ўзлаштириш орқали ҳудудий кенгайиши;
- бинолар қурилишини зичлаштириш, фойдаланилмайдиган ва қурилиш учун ноқулай бўлган ҳудудларни ўзлаштириш, ер ости ҳудудидан фойдаланиш ҳисобига ҳудуддан фойдаланишни интенсивлаштириш.

Шаҳарнинг атрофдаги ҳудудларни ўзлаштириш ҳисобига ҳудудий кенгайиши аҳоли жойлашиши системасида шаҳарнинг ўрни, унинг ички режавий ташкил этилиши ва ўзлаштиришга яроқли ҳудудларнинг мавжудлиги билан белгиланади [7,8,9].

Шаҳарнинг ҳудудий ўсишининг асосий йўналишларини танлаш, унинг аҳоли жойлаштириш системасидаги ўрнига мос ҳолда ушбу шаҳарнинг бошқа аҳоли пунктлари билан функционал алоқаси, шунингдек, унда шаклланган шаҳар ички ва шаҳарлараро коммуникацияларининг структурасидан келиб чиқади. Ўзаро боғлиқ аҳоли жойлари системасида шаҳар ролининг ошиши унинг ҳудудий ривожланишини шаҳарлараро ижтимоий-иқтисодий алоқаларнинг интенсивлигига мос ҳолда шаҳарнинг асосий йўналишлар бўйича ўсиши имкониятини таъминлайдиган узоқ келажакка мослаб мўлжаллашни тақозо этади.

Шаҳарнинг ҳудудий ўсишининг самаралироқ йўналишларини аниқлаш шаҳарнинг аҳоли жойлашиши системасидаги ўрни ва шаҳарнинг унга интилувчи аҳоли пунктлари ёки ушбу шаҳар интилувчи марказ-шаҳар билан алоқаси структурасининг характери асосида олиб борилади.

Кўпроқ интенсив ва доимий алоқаларни характерловчи йўналишлар шаҳарнинг ҳудудий ўсишининг самарали йўналишларини белгилайди. Бунда энг муҳим талаблардан бири шаҳарнинг режавий структурасининг кейинги ривожланиши имкониятини, унинг кўпроқ кутиладиган ўзгаришларга шаҳарнинг асосий элементлари орасида нисбатан тартибли ўзаро алоқани сақлаб қолган ҳолда ўз вақтида таъсирланиши ҳисобланади.

Шаҳар асосий транспорт коммуникациялари бўйлаб ёндошган бўш ҳудудларда ривожланишига эътибор қаратилади (15-планшет).

Бугунги кунда Ўзбекистон шаҳарсозлиги мустақиллик келтириб чиқарган янги шартлар, сўнгги чорак асрда таъкидланган тамоман бошқа ижтимоий-иқтисодий талаблар, мулкка бўлган муносабат, ҳалқнинг янги эҳтиёжлари, замонавий инновацион-технологик тараққиёт сингари келажакка қаратилган комплекс омиллари асосида тизимли ривожлантирилиши лозим.

Ҳозиргача лойиҳаланган ва лойиҳаланаётган шаҳарлар бош планлари шаҳарнинг ҳудудини функционал бўлақларга бўлиб, кейин уларни ўзаро узвий боғлаш ғоясига асосланган. Бу бош планларда шаҳар аҳолиси ва у

билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш корхоналари, турар-жой мажмуалари, жамоа ва хизмат кўрсатиш иншоотлари, истироҳат масканларини ривожлантириш учун шаҳар атрофидаги ерлардан қўшимча ҳудудларни ўзлаштириб олиш кўзда тутилади. Ваҳоланки, буларнинг барчаси замонавий шаҳарсозликда қолақ иллатлар ҳисобланади ва тахминан сўнгги ярим аср мобайнида интернационал характерга эга бўлган, креатив, янгиша шаҳарсозлик идеологияси шаклланиб келмоқда. У аллақачон “барқарор шаҳарсозлик” (sustainable development) номини олди. Бу ном дунё миқёсида халқлар ва мамлакатларнинг ўзаро ҳам жиҳатлик асосида табиатга зиён етказмасдан, моддий ресурслардан оқилона фойдаланиб жамиятни барқарор ривожлантириш, барқарор тараққиёт ғояси эътироф этади. Унинг юздан ортиқ индикатори ишлаб чиқилган. Бу индикаторлар сони тобора такомиллашиб бормоқда ва бугунги кунда 130 тадан ортиқ бўлиб, унинг бир нечтаси бевосита шаҳарсозлик ва меъморчиликка ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Барқарор тараққиёт ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни муштарақ ҳал этишни талаб қилади. Барқарор тараққиётга мос келадиган барқарор шаҳарсозликнинг ҳосиласи сифатида “биоархитектура” ва “ақлли (smart)архитектура” тобора улкан одимлар билан ривожланиб бормоқда [29,35,36,37].

Барқарор тараққиётнинг халқаро индикаторларига кўрсаткичларига асосланиб шаҳарсозлик ва меъморчилигимизнинг бугунги ривожланишининг бир неча белгиларини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- шаҳарларнинг асоссиз равишда ҳудудий, айниқса, ҳосилдор ерлар ҳисобидан кенгайиб боришини чеклаш;
- шаҳарлардаги ортиқча майдонлар, кўчалар четидаги рационал фойдаланилмаётган ерлар, жисмоний ва маънавий эскирган иморатлар, ташландиқ дам олиш истироҳат ва бошқа мақсад учун ажратилган фойдаланилмаётган ҳудудлар, ишлаб чиқаришда фаолият кўрсатмаётган собиқ саноат зоналари сингари локал ҳудудларда зичликни ошириб иморат куриш;

- қайта ишланувчи, янгиланувчи манбаларда, шу жумладан чиқиндилардан, энергия, сув ва бошқа эҳтиёжларни қондирадиган ресурслар ишлаб чиқиш;
- экологик тоза, қайта ишланувчи қурилиш материаллари ва технологиялари, шу жумладан, ландшафт дизайни элементларини қўллаш ва бошқалар.

Шуни алоҳида ҳисобга олиш керакки шаҳар (ёки бошқа аҳоли яшаш пункт)ларини ортиқча кенгайиб боришини тўхтатиб, мавжуд локал, қайта фойдаланиладиган ҳудудлардан унумли фойдаланиб, иложи борича зичликни ошириш ҳар жиҳатдан иқтисодий самара беради: ер тежамлари, йўл, ирригация, сув, канализация ва бошқа муҳандислик коммуникациялари ҳаражати, транспорт ҳаражатлари (ҳам қурилиш, ҳам эксплуатация) ва бошқа кўплаб ресурслар тежалади.

Шаҳарларнинг чексиз ўсиб боришига контраргумент тарзида бир неча шаҳарни, масалан вилоятлар маъмурий ҳудуди чегарасида, баъзи ҳолатларда унга туташ ёндош вилоят шаҳарларини ягона тармоқ сифатида лойиҳалаш катта аҳамиятга эга. Бу илгари (собик шўролар даврида) мавжуд бўлган аҳолини гуруҳлаб жойлаштириш ва вилоят туманлар планировкасидан кескин фарқ қилиши керак. Бу, айниқса, кичик шаҳарлар тизими учун жуда зарур ҳисобланади.

Кичик шаҳарлар республикамизда аҳоли яшаш жойларининг асосий турини ташкил қилади ва Ўзбекистон шаҳар ҳамда бошқа аҳоли пунктларини ягона тармоқ тизимида шакллантириш учун асосий боғловчи воситалар ҳисобланади. Шу туфайли ҳар бир кичик шаҳарнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятларини, унинг шаҳарлар гуруҳини ягона тизим шаклида мужассамлаштиришдаги ўрнини ўрганиб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Кичик шаҳарлар барқарор шаҳарсозликнинг уч асосий аломати – ижтимоий, иқтисодий ва экологик устунлигига мос келиши, ақлли архитектуранинг шаклланиши учун қулай имкониятга эга бўлиши керак.

Шу билан бир каторда кичик шаҳарлар Ўзбекистон Республикаси шароитида, одатда, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлган аҳоли яшаш жойларининг маъмурий марказлари, айрим ҳолатда уларнинг бошланғич ўчоқлари (шаҳар посёлкалари) тарзида қуйидаги маъмурий ҳудуд чегарасидаги аҳоли ва агломерацияга бирлашиш учун зарур бўлган вазифаларни бажариши керак:

- қазилма бойликлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини, соғломлаштириш – санаторий, туризм сингари шаҳар ташкил қилувчи омиллар, аҳоли бандлигини таъминловчи кичик ва ўрта бизнес объектларини шакллантириш, ўрта-махсус касб-ҳунар таълими муассасаларини етарли турлар ва ҳажмда барпо этиш;
- агломерация ва маъмурий ҳудуд ҳамда ундан ташқаридаги алоқалар учун зарур бўлган темир йўл, автомобиль ва бошқа транспорт хизматини ташкил этишнинг транзит (тўхташ, сақлаш, хизмат кўрсатиш ва бошқа) пунктлари вазифасини бажариш.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, кичик шаҳарларни шаҳарлар агломерацияси тизимида лойиҳалаш уларда баъзи ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ва рекреация тизимларини ихтисослаштириш мумкин. Масалан, ўрта-махсус, касб-ҳунар муассасалари, кичик ва ўрта бизнес объектларининг айрим турлари, соғлиқни сақлаш, спорт иншоотлари ва баъзи бир бошқа объектларни дифференциациялаб, жойлаштириш уларни такрорлашни бартараф қилиб, саралаб ривожлантириш имконини беради.

Масалан, Самарқанд қилятидаги Жомбой ва Булунғур, Қашқадарё вилоятидаги Китоб ва Шаҳрисабз, Бухородаги Вобкент ва Шофиркон шаҳарлари оралиғи тахминан 15 кмга тенг. Шунингдек бу шаҳарларнинг ҳар бирининг таркибида бир нечтадан илгари колхоз, совхозларнинг марказий посёлкаси бўлган ёки ишчи-геолог посёлкалари мавжуд бўлиши мумкин. Бинобарин бу шаҳар ва шаҳар посёлкаарининг ҳар бирида бир хилликдаги ўрта-махсус касб-ҳунар муассасаси, бир турдаги спорт мактаби, соғлиқни сақлаш ёки шунга ўхшаш муассасаларни жойлаштириш

норационал ҳисобланади. Уларни дифференция ва интеграция йўлларини излаб топиб, шаҳарсозликда қўлланилса, барқарор шаҳарсозлик талаблари амалга оширилган ҳисобланади.

Кичик шаҳарларнинг тизимли лойиҳаланиши умуммамлакат, вилоятлараро, вилоят, ёндош шаҳар ва аҳоли пунктлари миқёсидаги учун зарур бўлган кон-саноат марказлари, кичик ва ўрта бизнес объектлари, савдо-коммунал, соғлиқни сақлаш ва бошқа хизмат кўрсатиш иншоотларининг жойлаштирилишини тақозо қилади. Бу шаҳарсозлик тадбирларининг амалга оширилиши биринчи навбатда катта ва йирик шаҳарларнинг бошқариб бўлмас даражада кенгайиб боришнинг олдини олишга, иккинчи навбатда шаҳарларнинг тизимли ривожланиши ва кичик шаҳарларнинг барқарор шаҳарсозликдаги ўрнини мустаҳкам белгилаб беришни таъминлайди, уларнинг ижтимоий, иқтисодий ва экологик ривожини таъминлайди.

Кичик шаҳарларни умумшаҳарсозлик тармоғига фаол кўшиб, уларнинг барқарор тараққиётини таъминлашнинг яна бир муаммоси агломерация марказларининг айрим функцияларини кичик шаҳарларга олиб бериб, уларнинг иқтисодий имконияти, жумладан шаҳар ташкил қилиши қудрати ва аҳоли ўсишини барқарорлаштириш ҳисобланади.

Бу камчиликни бартараф этиш учун кичик шаҳарларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш керак. Мисол учун, Ўзбекистоннинг ҳозирги Президенти Ш.М. Мирзиёев Қўқон, Ургут, Ғиждувон шаҳарлари мисолида эркин иқтисодий ҳудудлар ташкил қилиш қарор қабул қилди [3,4,5,6], (16,17 -планшет).

Ургут шаҳри марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси бўйича Навоий кўчаси шаҳарнинг бош транспорт магистрали сифатида, аввалгидек, қолади. Кўчанинг бугунги кундаги габарит ўлчамлари 23-25 м га тенг бўлиб, кўчанинг икки томонидан капитал қурилмалар билан қисиб қўйилган. Режалаштириш лойиҳаси бўйича келажакда кўчани босқичма-босқич реконструкция амалга оширилиб, кўчанинг габарити ва унинг

элементлари катталаштирилади. Кўчанинг габаритларининг катталашуви коммуникация йўлакларининг кенгайиши ва қурилиш қизил чизигининг қурилмалар билан қўшилиши ҳисобидан амалга оширилади (15-планшет).

Реконструкция қилинаётган Навоий кўчасининг шимолий 180 м узунликдаги қисмининг энини 32,0 м га, транспорт ҳаракатланадиган қисмини эса 18,0 м етказиб, ҳар иккала тарафидан 3 м лик пиёдалар тротуарлари ўтказилади. Ушбу кўча участкасининг лойиҳавий габаритлари чегарасидан кўча майдони 1,12 га ни, транспорт ҳаракатланиш қисми – 0,63 га ни, пиёдалар юривчи тротуарлар – 0,21 га ни ташкил этади.

Шаҳарнинг марказий қисмидан ўтувчи кўчага 50-65 м лик габарит кўрсаткичлари бир километрик кўча узунлигининг ҳамма қисмида бир томонлама ҳаракат Ургутсойнинг ҳар иккала томонида ҳам сақланиб қолади, бу жойларда транспортнинг ҳаракатланиш қисми 7,5 м гача кенгайтириш лойиҳа бўйича таклиф қилинаёпти. Шаҳарнинг бош сув артерияси ҳисобланган Ургутсой бўйлари, парк зонаси ва сквердан иборат бўлган ажратувчи зона ўтиш жойининг эни 15 м дан 30 м гача ўлчамга эга бўлган ҳар хил кўрсаткичга эга. Ушбу кўчанинг қирқилган қисмидаги майдони 5,2 га сонга эга (15-планшет).

Ургут шаҳрининг жанубий тоғ олди қисмидаги 40 м лик узунликдаги Навоий кўчаси бўлаги тўлиқ реконструкция қилишга киритилган. Ушбу жойнинг транспорт ҳаракатланадиган қисми 7,0-7,5 м гача кенгайтирилади ва ҳар бирининг эни 1,5 м бўлган икки томонлама тротуар йўлаклари ташкиллаштирилади ҳамда катта бўлмаган тасма кўринишига эга ҳар қайсисининг эни 2,5 м бўлган ер ости коммуникациялари ўтказилади. Йўл бўлагининг майдони 0,064 га ўлчамли кўрсаткичга эса эканлиги аниқланган. Батафсил режалаштириш лойиҳаси чегарасидаги умумий майдони 6,38 га ни ташкил этади.

Ургут шаҳрининг Навоий кўчасига бевосита чиқишга эга бўлган маъмурий бинолар, савдо, овқатланиш ва маданият объектларида даврий ва қисқа муддатли автомобилларни сақлаш учун автомобиллар тўхташ

жойлари жойлаштирилган. Бундай тўхташ жойлари “кисса” кўринишига эга назарда тутилган (15-планшет).

Навоий кўчаси бўйлаб жойлашган 1-2 қаватли секцияли қурилмаларда ва коттеджларда яшовчиларнинг хусусий автотранспортларини сақлаш ва техник хизмат кўрсатиш масаласи қўриқланадиган “очик” майдонларда ва “меҳмон” туридага умумий фойдаланиш тўхташ жойларида босқичма-босқич амалга ошириш таклиф этилади.

Шаҳар марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси бўйича Навоий кўчасини реконструкция қилишнинг тахминий баҳоси 1,85 млрд. сўмга тенглиги мутахассислар томонидан ҳисоблаб чиқилган. Бундан ташқари вақтинчалик очик автотўхташ жойларининг қурилиши 600 млн. сўм, доим қўриқланадиган ва “меҳмон” туридаги умумий фойдаланиш автотураргоҳларни қуриш 492 млн. сўм эканлиги аниқланган (18-планшет).

Ургут шаҳри марказидаги янги кўкаламлашган зоналарни ташкил этиш ва мавжудларини сақлаш орқали ўсимликлар билан қоплаш ҳолати яхшиланади. Ургутсой қирғоғи бўйларини ва кўча бўйларини кўкаламлаштириш ушбу кўрсаткичнинг кўпайишига олиб келади. Бунга, айниқса, Ургутсой бўйлаб ҳудудда парк массивининг яратилиши суғориш ишлари ўтказиш, ободонлаштириш ва суғориш тизимини реконструкциялаш билан боғлиқ ҳолда ечилади. Шундай қилиб, Ургут шаҳрининг марказини ва шаҳарни тўлиқ функционал-режавий ва муҳандислик бўйича лойиҳавий ечими шаҳарнинг қулай, шинам ва эколик жиҳатдан қониқарли бўлишига асос яратади.

III боб хулосаси

1. Ургут шаҳрининг жамоат маркази Навоий кўчаси бўйлаб чизиқли равишда жойлашган бўлиб, ушбу марказий магистрал кўча шаҳарни шимолдан жанубга қараб бутун узунлиги бўйлаб кесиб ўтади.

2. Ургут шаҳрининг марказий қисми чизиқли таркибий тузилмаси шаҳар пайдо бўлгандан бери амалда ўзгармаган ва керакли равишда

ривожланмаган. Шаҳар марказининг ядроси маъмурий, савдо, маданий-оқартив ва спорт мажмуаларини ўз ичига олиб, ушбу ҳудудда функционал зоналаштириш бутунлай мавжуд эмас.

3. Ургут шаҳри марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси ечимининг асосини қуйидаги тамойиллар аниқлайди:

- Шаҳар маркази лойиҳаси Ургут шаҳри бош режаси бўйича (2011 й.) қабул қилинган режалаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган;

- Лойиҳаланаётган шаҳар марказининг умумий ғоявий-композицион ечими шаҳарнинг архитектуравий композициясига ва режавий тузилмасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, марказ лойиҳаси шаҳар бош режасида асосланган шаҳарсозлик ғоясини аниқ ҳудудий шароитда янада батафсил ривожлантирган;

- Шаҳар маркази лойиҳасида мавжуд капитал қурилмалар, қурилаётган объектлар ва қурилиш учун ажратилган ҳудудлар тўлиқ ҳисобга олинган;

- Магистрал кўчалар тармоғи бош режага мувофиқ қабул қилинган;

- Шаҳар маркази лойиҳасининг бош вазифаси режавий йўллар орқали ижтимоий-маиший, микроиқлимий, санитар ва эстетик шароитларни Ургут шаҳри ва тумани аҳолиси учун яратиш ҳисобланади;

4. Ургут шаҳри марказий зонасига тушадиган кўчалар тармоғи асосий бўйлама ўқи бўлган ҳамда шаҳарни шимолдан жанубга кесиб ўтадиган магистрал кўчалар асосида ташкил топади.

5. Ургут шаҳрини реконструкция қилиш замонавий шаҳарсозлик амалиётидаги 3 та усул орқали амалга ошириш таклиф қилинган:

- Тарихий шаклланган структуранинг умумий характерини сақлаб қолган ҳолда ўзгаришларсиз амалга ошириш;

- Шаҳарнинг мавжуд структурасини кўпроқ ёки камроқ даражада кескин ўзгартириши;

- Шаклланган шаҳар структурасини бузиш ва шаҳар ҳудудини янги режавий асосда ташкил этиш.

ХУЛОСА

Ургут шаҳрини комплекс ривожлантиришнинг илмий-лойиҳавий таҳлил этиш асосида диссертация олдига қўйилган мақсад ва вазифаларни бажариш асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Ўзбекистон шаҳарсозлик амалиётининг асосий қисмини кичик шаҳарлар ташкил этиб, улар Ўзбекистон миқёсидаги шаҳарлашув жараёнида муҳим роль ўйнайди. Ўзбекистон кичик шаҳарларини лойиҳалашда табиий-иқлимий ва ижтимоий-иқтисодий шароитларни ҳисобга олиш лозим ва бунга Ургут шаҳри тадқиқоти яққол мисол бўла олади.

2. Ургут шаҳрининг вужудга келиш ва ривожланиши тарихини эрамиздан аввалги IV-III- асрларга бориб тақалиши унинг тарихий шаҳарлардан бири эканлиги ва ўзига хос шаҳарсозлик амалиёти мавжудлигини исботлайди. Ургут шаҳрининг вужудга келиши ва ривожланиши Ургутсой ва Чорчинор каби машҳур табиий ва тарихий манзиллар ва тарихий маҳаллалар билан боғлиқ.

3. Ургут шаҳрининг режавий шаклланишига табиий-иқлимий ва ижтимоий – иқтисодий омиллар ва геомухандислик шароитлар тўғридан-тўғри таъсир кўрсатиши Ургут шаҳри мисолида яққол кўрсатилган.

4. Ургут шаҳри бўйича бажарилган бош режалар (1988,2003, 2011 йй.) таҳлили шуни кўрсатадики, ҳар бир бош режа ўз олдида қўйилган мақсад ва вазифалар мос равишда бажарилган. Замонавий талабларнинг ва иқтисодий шароитларнинг ўзгариши билан бош режанинг концептуал ечими ҳам ўзгариб берган.

5. Ургут шаҳрининг бош режаси (2011 й.) корректураси (2015 й.) қуйидаги талаблар асосида амалга оширилган:

- Тасдиқланган бош режа (2011й) бўйича режалаштирилган sanoat худудлари талабларга жавоб бермайди;

- Корректурга бўйича “шимолий” sanoat зонаси ва Ургут бозорикенгайтирилиб, ғарбий йўналишга силжитиш режалаштирилган;

- Корректурa бўйича қайта режалаштириш бош режа лойиҳа чегарасини фақат шаклан ўзгартириб, ҳудудий кўрсаткичини ўзгартиришсиз қолдиради;

6. Ургут шаҳрининг бош режаси қуйидаги тамойиллар асосида корректурa қилинган:

- Шаҳар тизимларини ўзаро боғланган равишда режавий ташкил этиш билан ихчам шаҳарни яратиш;

- Уч босқичли хизмат кўрсатиш, яъни микрорайон, турар жой райони ва марказ тизимини ҳисобга олган ҳолда шаҳар яшаш зонасининг тузилмасини ташкил этиш;

- Шаҳар ҳудудудини аниқлаштирилган функционал зоналарга бўлиш ва уни мақсадга мувофиқ равишда фойдаланиш бўйича боғлаш.

7. Ургут шаҳрининг жамоат маркази Навоий кўчаси бўйлаб чизиқли равишда жойлашган бўлиб, ушбу марказий магистрал кўча шаҳарни шимолдан жанубга қараб бутун узунлиги бўйлаб кесиб ўтади.

Ургут шаҳрининг марказий қисми чизиқли таркибий тузилмаси шаҳар пайдо бўлгандан бери амалда ўзгармаган ва керакли равишда ривожланмаган. Шаҳар марказининг ядроси маъмурий, савдо, маданий-оқартив ва спорт мажмуаларини ўз ичига олиб, ушбу ҳудудда функционал зоналаштириш бутунлай мавжуд эмас.

8. Ургут шаҳри марказини батафсил режалаштириш лойиҳаси ечимининг асосини қуйидаги тамойиллар аниқлайди:

- Шаҳар маркази лойиҳаси Ургут шаҳри бош режаси бўйича (2011 й.) қабул қилинган режалаштириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган;

- Лойиҳаланаётган шаҳар марказининг умумий ғоявий-композицион ечими шаҳарнинг архитектуравий композициясига ва режавий тузилмасига тўғридан-тўғри боғлиқ бўлиб, марказ лойиҳаси шаҳар бош режасида асосланган шаҳарсозлик ғоясини аниқ ҳудудий шароитда янада батафсил ривожлантирган;

- Шаҳар маркази лойиҳасида мавжуд капитал қурилмалар, қурилаётган объектлар ва қурилиш учун ажратилган ҳудудлар тўлиқ ҳисобга олинган;

- Магистрал кўчалар тармоғи бош режага мувофиқ қабул қилинган;

- Шаҳар маркази лойиҳасининг бош вазифаси режавий йўллар орқали ижтимоий-маиший, микроиқлимий, санитар ва эстетик шароитларни Ургут шаҳри ва тумани аҳолиси учун яратиш ҳисобланади

9. Ургут шаҳрини реконструкция қилиш замонавий шаҳарсозлик амалиётидаги 3 та усул орқали амалга ошириш таклиф қилинган:

- Тарихий шаклланган структуранинг умумий характерини сақлаб қолган ҳолда ўзгаришларсиз амалга ошириш;

- Шаҳарнинг мавжуд структурасини кўпроқ ёки камроқ даражада кескин ўзгартириши;

- Шаклланган шаҳар структурасини бузиш ва шаҳар ҳудудини янги режавий асосда ташкил этиш.

Фойдаланилган адабиётлар

РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси” қонуни. 4 январь 2011 йил (ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. /Расмий нашр/. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги-Тошкент: “Адолат”, 2018.- 112 б.
3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.- Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-80 б.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Ургут”, “Ғиждувон”, “Қўқон” ва “Хазорасп” эркин иқтисодий зоналарини ташкил этиш тўғрисидаги Фармони.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида” ги Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 февралдаги “2018-2022 йилларда аҳоли пунктларини бош режалар билан таъминлаш, лойиҳа ташкилотлари фаолиятларини яхшилаш, шунингдек, шаҳарсозлик соҳасида мутахассислар тайёрлаш сифатини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарори.
7. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. ШНҚ 2.07.01-03* “Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш”. / Расмий нашр (ўзбекча-

русча). Қўшимча ва ўзгартиришлар: арх.д.проф. Ахмедов М.К., арх.н.доц. Балгаев А.Б. ва бошқалар томонидан киритилган. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси – Тошкент, 2009.- 177 б.

8. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари. ШНҚ 1.03.02-04* “Худудларни ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш бўйича шаҳарсозлик ҳужжатларининг таркиби, ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома” / Расмий нашр (ўзбекча-русча). Қўшимча ва ўзгартиришлар: арх.д.проф. Ахмедов М.К., арх.н.доц. Балгаев А.Б. ва бошқалар томонидан киритилган. Ўзбекистон Республикаси “Давархитектқурилиш” қўмитаси – Тошкент, 2009.-127 б.

9. Шаҳарсозлик жиҳатлари алоҳида мувофиқлаштирилиши лозим бўлган объектлардан фойдаланиш ва қурилишини амалга ошириш бўйича махсус кўрсатмалар.

Ўзбекистон Республикасида маданий мерос объектларига эга бўлган шаҳар ва аҳоли пунктлари худудларидан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар / Тузувчилар: арх.д.проф. Ахмедов М.К., арх.н.доц. Балгаев А.Б. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси / (Расмий нашр (ўзбекча-русча).-Тошкент, 2009.- 39 б.

10. Алоҳида тартибга солинадиган шаҳарсозлик объектларидан фойдаланиш ва уларни қуриш бўйича махсус қоидалар.

Муҳофаза қилинадиган табиий худудлардан фойдаланиш ва уларнинг сатҳида қурилиш ишларини олиб бориш бўйича кўрсатмалар / Тузувчилар: арх.д.проф. Ахмедов М.К., арх.н.доц. Балгаев А.Б. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси. / Расмий нашр (ўзбекча-русча).- Тошкент, 2009. – 20 б.

11. Шаҳарсозлик жиҳатлари алоҳида мувофиқлаштирилиши лозим бўлган объектлардан фойдаланиш ва қуриш бўйича махсус қоидалар.

Табиий ва техноген фавқулодда вазиятлар таъсири остида бўлган ҳудудлардан фойдаланиш ва қурилишни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар. / Тузувчилар: арх.д.проф. Ахмедов М.К., арх.н.доц. Балгаев А.Б. ва бошқалар. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси./ Расмий нашр (ўзбекча-русча). – Тошкент, 2009.- 66 б.

II. Дарслик ва ўқув қўлланмалар:

12. Авдотъин Л.Н., Лежава И.Г., Смоляр И.М. Градостроительное проектирование. Учебник для ВУЗов.-Москва: «Стройиздат», 1979.-432 стр.

13. Ахмедов М.К. Ўрта Осиё меъморчилиги тарихи.- Ўқув қўлланма. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 1995.-

14. Ахмедов М.К. Шаҳарлар эстетикаси.- Ўқув қўлланма.- Тошкент: ТАҚИ, 2016. – 120 бет.

15. Исамухаммедова Д.У., Мирзаев М.К. Замонавий шаҳарсозлик назарияси. – Тошкент: ТАҚИ, 2015.-136 бет.

16. Исамухаммедова Д.У., Садиқова М.А., Мўминова К.Р. Шаҳарсозлик лойиҳалаш. –Тошкент: ТАҚИ, 2015.97 бет.

17. Мирзаев М.К. Туманни режалаштириш ва ҳудудий жойлаштириш.-Тошкент: «Фан ва технология», 2014.-164 бет.

18. Пўлатов Х. Шаҳарсозлик тарихи. Ўқув қўлланма-Тошкент: «Фан ва технология», 2008-286 бет.

19. Хотамов А.Т., Усмонов Қ.Т. Шаҳар ҳудудини комплекс ободонлаштириш. Ўқув қўлланма.-Тошкент: ТАҚИ, 2014.-152 бет.

20. Чучмарева Э.З. Общественный центр нового города. Учебное пособие.- Москва: МАРХИ, 1990.

III. Махсус адабиётлар:

21. Абдурахмонов Абдурашид. Ургут: тарих ва адабиёт.- Тошкент: “Фан” нашриёти, 1990.-71 б.

22. Махматмурадов Ўлмас. Ургут ва ургутликлар. – Тошкент: “Ёзувчи” нашриёти, 1995.-79 б.
23. Фазлий, Ғайбиддин. Хўжа Чорчинор тарихи.- Тошкент: “Турон замин зиё” нашриёти, 2016.-56 б.
24. Руи Гонсалес де Клавихо. Дневник путешествия в Самарканд ко двору Тимура (1403-1403). М.: Наука, 1990.
25. Ветлугина А.В. Функционально-планировочная организация малых городов- структурных элементов территориальных градостроительных систем Узбекистана.- Автореферат диссертации канд.арх.н.-Тошкент: ТАСИ, 2011.-24 стр.
26. Градостроительные проблемы формирования центров малых и средних городов (на примере Московской области)/ сборник научных трудов. Москва: ЦНИИП градостроительства, 1979.
27. Марков Э.М. Районный центр.-Москва: ЦНИИП градостроительства, 1974.
28. Марков Э.М., Бутузова В.П., Таратынов В.А. Малые города в системе расселения.- Москва: Стройиздат, 1980.
29. Мерфи Р. Американский город.-Москва, 1973.
30. Планировка и застройка малых городов. / Под редакцией Э.М.Маркова, В.С.Рязакова.- Москва: Стойиздат, 1975.
31. Проблемы развития малых городов. Сборник научных трудов.- Киев НИИП градостроительства, 1981.
32. Пронин Э.С. Формирование городских центров.- Москва: Стройиздат, 1983.
33. Руководство по проектированию малых городов в системах расселения.- Москва: Стройиздат, 1980.
34. Смоляр И.М. Новые города. Планировочная структура.- Москва: Стройиздат, 1972.
35. Средовой подход в архитектуре и градостроительству. Сборник.- Москва: ВНИИТАГ Госкомархитектуры, 1989.

36. Bao Muping. The Special structure of Mongolia Cities in 19-20 century. The 2nd Workshop for planning and Networking of Historical Cities in Eastern and Central Asia / Samarqand: SamGASI, 2005.

37. Commercial Atlas and Marketing Guide Chicago, 1970, P.46

IV. Электрон таълим ресурслари:

www.edu.uz

www.Ziyonet.uz

www.nuuz.uz

www.bimm.uz

www.infocom.uz

V.Интернет сайтлари

www.google.ru

www.ref.uz

www.antichnoeiskusstvo.ru

www.students.ru

www.ziyo.net

www.vgik.info

И Л О В А